



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XALQ TA'LIMI VAZIRLIGI

SAMARQAND VILOYATI XALQ TA'LIMI XODIMLARINI
QAYTA TAYYORLASH VA ULARNING MALAKASINI
OSHIRISH HUDUDIY MARKAZI

ANIQ VA TABIIY FANLAR METODIKASI
KAFEDRASI

FIZIKA FANINI O`QITISH METODIKASI

O'QUV-USLUBIY MAJMUА

Samarqand-2019

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XALQ TA'LIMI VAZIRLIGI
SAMARQAND VILOYATI XALQ TA'LIMI XODIMLARINI QAYTA
TAYYORLASH VA ULARNING MALAKASINI OSHIRISH HUDUDIY
MARKAZI

«TASDIQLAYMAN»

Hududiy markaz direktori v.b.

A.Ibragimov

«____»_____ 2019 yil

«ANIQ VA TABIIY FANLAR METODIKASI» KAFEDRASI
UMUMTA'LIM MAKTABLARI FIZIKA FANI O'QITUVCHILARI
MALAKASINI OSHIRISH KURSINING “FIZIKA FANINI O'QITISH
METODIKASI” MODULI BO'YICHA

O'QUV-USLUBIY MAJMUA

SAMARQAND – 2019

Ўкув-услубий мажмуа марказ директори хузуридаги кенгайтирилган йиғилишнинг 2019-йил 31 августдаги 25-сонли қарори билан тасдиқланган.

Тузувчилар: **Н.Нуриллаев** - Низомий номидаги ТДПУ Физика ва астрономия ўқитиши методикаси кафедраси доценти, п.ф.н; **К.Т.Суяров** - Ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги 2-академик лицей физика фани ўқитувчиси **К.Т.Холиков**- Самарқанд вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази “Аниқ ва табиий фанлар методикаси” кафедраси доценти. **У.А.Камолова** – Самарқанд вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлар ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази “Аниқ ва табиий фанлар методикаси” кафедраси физика фани ўқитувчиси

Тақризчилар: **О.М.Дўсматов** - Низомий номидаги ТДПУ Физика ва астрономия ўқитиши методикаси кафедраси мудири, ф.м.ф.д., проф; **Ж.Э.Усаров** - Тошкент вилояти Чирчик педагогика институти, табиий фанлар кафедрасининг ўқитувчиси, п.ф.н.

Ўкув-услубий мажмуа “Аниқ ва табиий фанлар методикаси” кафедрасининг 2019-йил 28-августдаги 8-сонли йиғилиш қарори билан тасдиқланган

МУНДАРИЖА

I. Модулнинг ишчи ўқув дастури	4
II. Модулни ўқитишда фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари	14
III. Назарий машғулотлар материаллари.....	28
IV. Амалий машғулотлар материаллари.....	106
V. Кўчма машғулотлар материаллари	131
VI. Кейслар банки	144
VII. Мустақил таълим мавзулари	146
VIII. Глоссарий	151
IX. Адабиётлар рўйхати	156



ИШЧИ ДАСТУР

КИРИШ

«Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ва «Таълим тўғрисида»ги, қонунлари, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ, таълим босқичларининг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлаш, таълимнинг замонавий методологиясини яратиш ҳамда улар асосида педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш мазмунини янада такомиллаштиришни тақозо этади.

Мамлакатимизда компетенциявий ёндашувга асосланган янги давлат таълим стандартларини жорий этилиши ўрта мактаб ўқитувчилари зиммасига қатор долзарб вазифаларни кўндаланг қилиб қўймоқда. Шу билан бирга, 2017-2018-ўкув йилидан мактабларда 11 йиллик ўрта таълимнинг жорий этилиши ҳам ўз навбатида ўқитувчиларнинг малака оширишга бўлган янги эҳтиёжларни келтириб чиқарди. Айни пайтда вужудга келган шарт- шароитлар ва ўқитувчиларнинг эҳтиёжлари малака оширишнинг шакли, мазмуни ва уни амалга ошириш механизмларини қайта кўриб чиқиши ва бу жараёнга тегишли ўзгартиришларни киритишини тақозо этмоқда. Хусусан, шу кунларда юқоридаги эҳтиёжлардан ва улар олдида кўндаланг турган муаммолардан келиб чиқсан ҳолда, физика фани ўқитувчиларининг малакасини ошириш мазмуни ва шаклларини такомиллаштириш зарурати пайдо бўлди.

“Физика фанини ўқитиш методикаси” модулининг ишчи ўқув дастури физика фани ўқитувчилари малакасини ошириш курсининг ўқув дастури асосида тузилган бўлиб, у физика фани ўқитувчиларига замонавий таълим технологиялари ва методларининг мазмун-моҳиятини очиб беради.

Модулнинг мақсади:

умумий ўрта таълим мактаблари физика фани ўқитувчиларига замонавий инновацион педагогик технологияларни ўргатиш, педагогика ва психология фанларига оид билимларни янада мустаҳкамлаш ва олган билимларини ўқув тарбия жараёнига қўллай олишга ўргатиш, шунингдек, уларга педагогик маҳорат сирларини очиб бериш ва мақбул методларидан фойдаланиш компетенцияларини ривожлантиришдан иборат.

Модулнинг вазифалари:

- Ўқитиш жараёни самарадорлигини таъминловчи педагогик малакаларни шакллантириш;
- Ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, гуманитар билимларни англашга йўналтирилган янги касбий тафаккурни шакллантириш;
- Ўқитувчи фаолиятининг методологик асоси сифатида педагогик билимлар тизимини эгаллаш;
- Ўқитувчиларнинг касбий фаолиятларига яқинлаштирилган услублр тизими сифатидаги ўқитиш технологияларини эгаллаш;
- физика фани ўқитувчиларида дарс жараёнида самарали методларни қўллаш кўникмаларини шакллантириш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма, малака ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

Тингловчи:

- физика фанини ўқитишишнинг ўзига хос хусусиятлари ва ўқитиш методларини;
- физикадан ўқувчилар билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш ва назорат турларини;
- дарс ишланмаларини ишлаб чиқишига қўйилган замонавий талабларни;
- физика ўқитишида иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш методларини **билиши**;
- физика фанини ўқитишишнинг замонавий методларини қўллай олиш;
- замонавий талаблар асосида дарс ишланмасини ишлаб чиқиш;
- физикадан ўқувчилар билим, кўникма, малакаларини баҳолаш ва назорат топширикларини тузиш;
- дарсларни кузатиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш **кўникмаларига**;
- физика фанидан синф ва мактабдан ташқари ишларни ташкил қилиш;
- физика дарсларида буюк аждодларимиз илмий меросидан фойдаланиш;
- физика ўқитишида иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш **малакаларига**;
- илғор педагогик технологиялардан касбий фаолиятда фойдаланиш;
- физика ўқитувчиси замонавий талаблар даражасида дарсларни ташкил қилиш ва ўтказиш **компетенцияларига эга бўлиши лозим**.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

Физика фанини ўқитиши методикаси фанидан машғулотлар назарий ва амалий шаклда олиб борилади.

Назарий машғулотларда физика фанидан яратилган ўқув-услубий мажмуалар таркиби, дарс ишланмаларига қўйилган талаблар, физиканинг ўзига хос хусусиятлари ва уни ўқитиши методикаси ҳақида маълумотлар берилади.

Амалий машғулотларда дарс ишланмаларини тузиш, ўқувчилар билимини баҳолаш, синфдан ташқари ишлар, дарсларни кузатиш ва таҳлил қилиш ўргатилади.

Машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш ва бошқа интерактив таълим усулларидан фойдаланиш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Модул мазмуни ўқув режадаги “Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишининг ҳуқуқий-меъёрий асослари”, “Илғор таълим-тарбия технологиялари ва педагогик маҳорат” ва “Таълим жараёнида ахборот коммуникация технологияларини қўллаш” блоклари, “Физика фанини

ўқитишида замонавий ёндашувлар ва инновациялар” ўқув модули билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қиласди.

Модулнинг услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги

Мазкур модул “Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишининг ҳуқуқий-меъёрий асослари”, “Илғор таълим-тарбия технологиялари ва

педагогик маҳорат” ва “Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш” блоклари ва “Физика фанини ўқитишида замонавий ёндашувлар ва инновациялар” модулидан кейин ўрганилади. Унда юқоридаги блок ва модулларда ўрганилган мазмун йўналишлари ва услубий жиҳатларини физика фанига татбиқ этиш имкониятлари очиб берилади.

Модулнинг таълимдаги ўрни

Тингловчиларни физика фанини ўқитишининг замонавий технология ва методлари билан танишириш ҳамда амалда қўллаш кўникмаларини шакллантириш орқали таълим самарадорлигини таъминлашдан иборат.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Ҳаммаси	Жами ӯқув юкламаси	Жумладан		Мустақил таълим
				Назарий	Амалий	
1.	Физика ва астрономия фанларидан ўқув дастури, дарслик ва ўқув қўлланмалар таҳлили. Дарс ишланмаларни ишлаб чиқишга қўйилган талаблар	4	2	2		2
2.	Физика фани мазмуни, уни ўрганишининг замонавий технологиялари ва методлари	6	6	4	2	
3.	Ўқувчиларда компетенцияларни шакллантиришда фанлараро боғланишлардан фойдаланиш	2	2		2	
4.	Ўқувчиларнинг физика фанидан ўзлаштирган билим, кўникма ва компетенцияларини баҳолаш ва мониторингини юритиш	6	6	2	4	
5.	Физик масалалар турлари, уларни ечиш методлари	4	4		8	
6.	Физикадан лаборатория ишлари ва намойиш тажрибаларини замонавий жиҳоз ва воситалар ёрдамида ташкил қилиш	6	6	2	4	
7.	Физика фанидан синфдан ва мактабдан ташқари ишларни ташкил қилиш ва ўтказиш йўллари	2	2		2	
8.	Физика дарсларида буюк аждодларимиз илмий меъросидан фойдаланиш	2	2	2		

9.	Физика ўқитишда иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш ва уларни турли танловларга тайёрлаш масалалари	4	2		2		2
10.	Физика дарсларини кузатиш ва таҳлил қилиш	8	6	2	-		2
11.	Лаборатория иши: Ўзгарувчан ток занжирида резонансни ўрганиш	2	2		2	2	
12.	Лаборатория иши: Ёритилганликнинг ёруғлик кучига боғлиқлиги	2	2		2	2	
13.	Иссиқлик ҳодисаларига доир намойиш экспериментлари (МКН ва термодинамика)	2	2			2	
14.	Ўзгармас ток ва турли муҳитларда электр токига доир намойиш экспериментлари	2	2			2	
Жами		54	50	14	28	8	4

НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1- Мавзу: Физика ва астрономия фанларидан ўқув дастури, дарслик ва ўқув қўлланмалар таҳлили. Дарс ишланмаларни ишлаб чиқишига қўйилган талаблар (2 соат маъруза).

Физика фанидан умумий ўрта таълим дастури мазмуни, моҳияти ва таҳлили. Физика фанидан амалдаги дарсликлар ва фойдаланишга тавсия этилган ўқув қўлланмалар таҳлили. Физика фанидан таълим мазмунининг минимал ҳажми. Ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган билим, кўнишка ва компетенцияларнинг 6-11 синфлар кесимидағи даражалари. Дарс ишланмаси - ўқитувчи ижодкорлигини аниқловчи омил. Дарс режаси - дарсни педагогик, дидактик ва услубий жиҳатдан режалаштирувчи, лойиҳалаштирувчи ҳужжат. Дарс ишланмаларини яратиш бўйича услубий тавсиялар. Дарс ишланмасининг тузилмаси: 1) дарс мавзуси, 2) дарс мақсадлари, 3) дарс натижалари, 4) дарсда фойдаланиладиган маълумот манбалари, ўқув услубий адабиётлар ва электрон ресурслар, 5) дарсда ишлатиладиган зарур техник воситалар ва жиҳозлар, 6) дарс шакли, 7) дарс тури, 8) дарс методлари, 9) дарс босқичлари ва вақт тақсимоти, 10) дарс боришининг қисқача тафсилоти. 2) кўргазмали, намойиш, китоб билан ишлаш, репродуктив, эвристик (ўқув кашфиёти), муаммоли вазият, тадқиқот, лойиҳалар методи, муайян вазиятларни ўрганиш (кейс-стади) методи, маъруза, ҳикоя, оғзаки йўл-йўрик бериш, тушунтириш, сухбат методлари, амалий машғулот, лаборатория иши), 3) хулоса чиқариш методлари (индукция, дедукция ва анализитик метод). Таълим методларини танлаш бўйича тавсиялар.

2019-2020 о`қув йили қайта нашр етилган 8-9 синф кесимидағи дарсликлар таҳлили. Табиий ва иқтисодий фанлар блоки модули буйича умумий урта таълимнинг укув дастурлари билан танишиши.

Таълим сифатини таъминлашда ўқитувчининг дарсга тайёргарлиги:

ундаги инновасия ва иқтиидорни аниқлашнинг консерватив усуллари.

1- Мавзу: Физика фани мазмунни, уни ўрганишнинг замонавий технологиялари ва методлари (4 соат маъруза ва 2 соат амалий машгулот).

Физика фани мазмунининг ўзига хослиги. Мактаб физика курсида таянч тушунчалар ва муносабатлар, таърифлар, масалалар, формулалар ва қонунлар. Физикани ўқитишнинг замонавий таълим технологиялари ва методлари: 1) илмий изланиш методлари (кузатиш, тажриба, таққослаш, аналогия, анализ ва синтез, умумлаштириш, абстракциялаш, конкретлаштириш ва классификациялаш), 2) ўқитиш методлари (изоҳли-кўргазмали, намойиш, китоб билан ишлаш, репродуктив, эвристик (ўқув кашфиёти), муаммоли вазият, тадқиқот, лойиҳалар методи, муайян вазиятларни ўрганиш (кейс-стади) методи, маъруза, ҳикоя, оғзаки йўл-йўриқ бериш, тушунтириш, сухбат методлари, амалий машғулот, лаборатория иши), 3) хулоса чиқариш методлари (индукция, дедукция ва аналитик метод).

Таълим методларини танлаш бўйича тавсиялар.

2-Мавзу: Физика фани мазмунни, уни ўрганишнинг замонавий технологиялари ва методлари (4 соат маъруза ва 2 соат амалий машгулот).

Физика фани мазмунининг ўзига хослиги. Мактаб физика курсида таянч тушунчалар ва муносабатлар, таърифлар, масалалар, формулалар ва қонунлар. Физикани ўқитишнинг замонавий таълим технологиялари ва методлари: 1) илмий изланиш методлари (кузатиш, тажриба, таққослаш, аналогия, анализ ва синтез, умумлаштириш, абстракциялаш, конкретлаштириш ва классификациялаш), 2) ўқитиш методлари (изоҳли-кўргазмали, намойиш, китоб билан ишлаш, репродуктив, эвристик (ўқув кашфиёти), муаммоли вазият, тадқиқот, лойиҳалар методи, муайян вазиятларни ўрганиш (кейс-стади) методи, маъруза, ҳикоя, оғзаки йўл-йўриқ бериш, тушунтириш, сухбат методлари, амалий машғулот, лаборатория иши), 3) хулоса чиқариш методлари (индукция, дедукция ва аналитик метод).

Таълим методларини танлаш бўйича тавсиялар.

3- Мавзу: Ўқувчиларда компетенцияларни шакллантиришда фанлараро боғланишлардан фойдаланиш (2 соат амалий машгулот).

Физика фанининг бошқа фанлар билан узвий боғлиқлиги. Физика билан математика, астрономия, химия, биология, информатика, чизмачилик, география, иқтисодий билим асослари ва бошқа умумтаълим фанлари орасидаги боғланишларга доир мисоллар. Физикани бошқа фанлар билан боғлаб ўтиш дарсларида компетенцияларни шакллантириш ва ўқувчиларни касбга йўналтиришга қаратилган тадбирлар.

Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириши консепсиясининг мақсадли кўрсаткичлари. Ўқитувчи фаолиятига разбат ва жарима ёки ўқитувчи салоҳиятини ошириш усуллари.

4- Мавзу: Ўқувчиларнинг физика фанидан ўзлаштирган билим, кўникма ва компетенцияларини баҳолаш ва мониторингини юритиш (2 соат маъруза ва 4 соат амалий машгулот).

Ўқувчиларнинг физика фанидан ўзлаштирган билим, кўникма ва

компетенцияларни баҳолашга қўйиладиган талаблар. Баҳолашнинг асосий усуллари ва тамойиллари. Ўқувчининг ўқув фаолиятини баҳолашнинг методлари. Ўқувчиларнинг физика фанидан ўзлаштирган билим ва кўникмаларини ҳамда таянч ва фанга оид компетенцияларини аниқлаш бўйича жорий, оралиқ ва якуний назоратни ташкил қилиш. Физика фанидан ёзма назорат ишларини тузиш ва ўтказиш бўйича методик тавсиялар. Назорат ишларини баҳолаш мезонлари. Назорат иши натижалари таҳлили ва хатолар устида ишлаш дарсларини ташкил қилиш.

Ўқувчининг ўқув фаолияти мониторингини олиб бориш мезонлари. Физика фанидан таълим самарадорлиги ва сифатини баҳолаш бўйича йўриқлар.

Физикадан тестларни тузишга қўйилган талаблар ва уларнинг турлари. Тест топшириқлари ва унинг асосий шакллари: 1) очиқ жавобли, 2) ёпиқ жавобли, 3) битта танлов жавобли, 4) кўп танлов жавобли, 5) комбинациялашган, 6) мос қўйиши, 5) тушириб қолдирилган сўз(лар)ни ёки сон(лар)ни тўлдириш каби тест топшириқлари. Тест топшириқларини тузиш методикаси. Физика фанидан ишлаб чиқиладиган тест топшириқларига қўйиладиладиган асосий талаблар. Физика фанидан тузилган тест топшириқларини ечиш бўйича йўл-йўриқлар. Экспресс-тестларни ўтказиш бўйича тавсиялар. Ўқувчилар ўзлаштирган билим ва кўникмаларини баҳолашнинг замонавий дастурий воситалари.

5-

Мавзу: Физик масалалар турлари, уларни ечиш методлари (4 соат амалий машгулом).

Умумтаълим мактаб физика курсида ечиладиган масалаларни қўйидаги турлари мавжуд: 1. Сифатга доир масалалар. 2. Экспериментал масалалар.

3. Ҳисоблаш масалалари: а) Арифметик масалалар. б) Алгебраик масалалар. г) Геометрик масалалар. 4. График масалалар.

Физикадан масалалар ечиш методлари: 1) Аналитик метод, 2) Синтетик метод, 3) Арифметик метод, 4) График метод.

6- Мавзу: Физикадан лаборатория ишлари ва намойиш тажрибаларини замонавий жиҳоз ва воситалар ёрдамида ташкил қилиш (2 соат маъруза ва 4 соат амалий машгулом).

Физика ўқитишида лаборатория ишларининг ўрни ва роли. Лаборатория жиҳозлари ва улар билан ишлаш. Мактаб дарсларидан берилган лаборатория ишларини бажаришдаги муаммолар. Виртуал лаборатория ишлари. Намойишли тажрибалар ва унга қўйиладиган дидактик талаблар. Мактаб дарсларидан берилган намойишли тажрибаларни бажаришдаги муаммолар. Намойиш тажрибаларини бажаришда компьютерданфойдаланиш.

8-9 синф физика дарсларига киритилган янги лаборатория машгулотлари билан танишиш.

7- Мавзу: Физика фанидан синфдан ва мактабдан ташқари ишларни компетенциявий ёндашув асосида ташкил қилиш ва ўтказиш йўллари (2 соат амалий машгулом).

Физика фанидан синфдан ва мактабдан ташқари машғулотлар: 1)

физика тўгараклари, 2) физика кечалари, 3) физик олимлар билан учрашувлар, 4) физика мусобақалари, 5) олимпиадалар, 6) “Билимлар беллашуви” танлови, 7) эскурсиялар, 10) физик диктантлар, 11) мактаб физика матбуотини ташкил қилиш, 12) физика тарихи ва 13) машҳур физик олимларнинг ижодига бағишлиланган кечаларни ташкил қилиш методикаси. Виртуал физик танловлар ва масофавий таълим интернет ресурслари. Республикаизда ташкил қилинган www.sobo.uz сайтидаги онлайн танлов. “Квант” (Россия), “Математика, физика ва информатика” илмий оммабоп журналлари саҳифаларида.

8- Мавзу: Физика дарсларида буюк аждодларимиз илмий меъросларидан фойдаланиш (2 соат маъруза).

Фан тараққиётига, жумладан физика фанига ўзларининг улкан ҳиссаларини қўшган қомусий олимлар: Абу Али Ибн Сино, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Умар Ҳайём, Насриддин Тусий, Абу Райхон Беруний, Мирзо Улугбек, Ғиёсиддин Жамшид Коший, Аҳмад ал-Фарғоний, Розий, Абу Наср Форобий, Қозизода Румий, Муҳаммад Али Қушчи ва бошқалар илмий меъросларидан фойдаланиш бўйича умумий кўрсатмалар.

9- Мавзу: Физика ўқитишида иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш ва уларни турли танловларга тайёрлаш масалалари (2 соат амалий машгулот).

Иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш, саралаш ва уларга табақалашган таълим бериш йўллари, шакллари ва усуллари, уларни фанлар бўйича ўтказиладиган олимпиадаларга тайёрлаш методикаси. Физика фанини ўқитишида фойдаланиш тавсия этиладиган қўшимча адабиётлар, ўқув-услубий кўлланмалар, таълим сайтлари ва порталларидаги электрон ресурслар таҳлили. Физикадан қийинчилик даражаси турлича бўлган масалаларни танлаш, уларни ечиш ва намуналар келтириш.

10- Мавзу: Физика дарсларини кузатиш ва таҳлил қилиш (2 соат маъруза ва 4 соат кўчма машгулот).

Физикадан очик дарсларни кузатиш, илғор педагогик тажрибаларини ўрганиш, муҳокама қилиш ва баҳолаш.

Физика дарсларини кузатишдан кўзланган мақсадлар. Очик, кўргазмали, намунавий, ҳисбот дарслари ва уларга қўйилган талаблар асосида дарсни таҳлил қилиш.

Дарсни баҳолаш мезонлари: 1) ўқитувчининг дарсга тайёргарлиги таҳлили (дарс ишланмаси, тақвим-мавзу режа, ўқув дастури, дарслик, дарс тақдимоти, кўргазмали қуроллар, тарқатма материаллар ва ҳ.к.ларни олдиндан ҳозирлаб қўйилганлиги), 2) дарс мазмуни таҳлили (дарс мақсадининг тўғри белгиланганлиги, мавзунинг бошқа фанлар билан боғланганлиги, дарс мавзусини мустаҳкамлаш учун берилгантопшириқларнинг тўғри танланганлиги, ўқитувчининг ўз фанини қанчалик мукаммал билиши), 3) дарснинг услубий таҳлили (ўқитишининг турли усулларидан тўғри ва ўрнида фойдаланганлиги, дарснинг интерфаоллик даражаси (ўқувчиларни фаоллаштирадиган гурухларда ёки мустақил ишлашига шароитнинг қанчалик яратилганлиги), дарс вақтининг

түғри тақсимланганлиги, ўқувчиларнинг дарсдаги гурухий ёки мустақил ишининг түғри ташкил қилинганлиги, ўқув материалларининг табақалаштирилганлик даражаси (яхши ва қийин ўзлаштирадиган ўқувчиларга муносабат), 4) ўқитувчининг педагогик маҳорати таҳлили (ўқитувчининг дарс мавзусини равон тилда тушунтира олиши, ўқитувчининг дарсда ўзини дадил тута олиши, мотивация (ўқувчиларни таълим олишга ундаш) ва уни рағбатлантириб бориши, дарс давомида ижодий, таълимий муҳитни яратса олганлиги, дарсга оид кўргазмали қуроллар, жиҳозлар ва асбоблардан ўрнида фойдаланганлиги, ўқувчиларнинг фаоллиги), 5) дарсда дарслик ва бошқа қўшимча ўқув материалларидан фойдаланиш таҳлили (дарсда дарслиқдан самарали фойдаланиш даражаси, қўшимча ўқув материалларидан фойдаланиш даражаси), 6) дарсда АҚТ ва таълимнинг бошқа воситаларидан фойдаланиш таҳлили (ўқитувчининг проектор, мультимедия ва бошқа техник воситалардан фойдалана олиш даражаси, ўқитувчининг тайёрлаган тақдимот сифати ёки ўқув доскасидан самарали фойдалана олиши, тақдимот сифати ёки мавзу асосий моментларининг доскага ёзиб борилиши), 7) дарсда яратилган таълимий муҳит ва муносабатлар таҳлили (ўқитувчининг ўқувчиларга нисбатан муносабати: хушмуамалиги, тил топа олиттти, ўқувчиларнинг бир-бирларига нисбатан муносабати: ўзаро ёрдам, хурмат, ҳамжиҳатлик, ўқувчиларнинг ўқитувчига нисбатан муносабати: хурмат, интизом, эшитиш), 8) Баҳолаш ва дарсга яқун ясаш таҳлили (ўқувчиларнинг дарс давомида билим ва қўнималарининг түғри баҳолаб борилиши, баҳолаш топшириқларининг дарс мақсадидан келиб-чиқиб тузилганлиги, дарс охирида дарсга яқун қилиниши, рефлексия) асосида физика дарсини кузатиш ва уни дидактик (таълимий) ва услубий таҳлил қилиш.

11- Мавзу: Лаборатория иши: Ток манбайнинг ЭЮК ва ички қаршилигини аниқлаш (2 соат кўчма машгулом).

Ток манбайнинг ЭЮК ва ички қаршилигини аниқлашга доир лаборатория ишини бажариш. Тажрибада олинган натижаларни назарияга мос келишини таҳлил қилиш.

12- Мавзу: Лаборатория иши: Ёритилганликнинг ёруғлик кучига боғлиқлиги (2 соат кўчма машгулом).

Ёритилганликнинг ёруғлик кучига боғлиқлиги лаборатория ишини бажариш. Тажрибада олинган натижаларни назарияга мос келишини таҳлил қилиш.

13- Мавзу: Иссиқлик ҳодисаларига доир намойиш экспериментлари (МКН ва термодинамика) (2 соат кўчма машгулом).

Иссиқлик ҳодисаларига доир намойиш экспериментларини (МКН ва термодинамика) ўтказиш ҳамда уларнинг физик моҳиятларини тушунтириш.

14- Мавзу: Ўзгармас ток ва турли муҳитларда электр токига доир намойиш экспериментлари (2 соат кўчма машгулом).

Ўзгармас ток ва турли муҳитларда электр токига доир намойиш экспериментларини ўтказиш ҳамда уларнинг физик моҳиятларини

түшунтириш.

Кўчма машғулот олий таълим муассасалари физика лаборатория хоналарида ўтказилади. Бу ерда тингловчилар лаборатория жиҳозлари ва лаборатория ишлари билан танишади ҳамда уларнинг мактаб физика курсидаги лаборатория ишлари билан боғлиқлигини таҳлил қиласди. Машғулот натижаси сифатида лаборатория ишлари ва жиҳозлари билан танишиши ҳамда таҳлил қилиши вараги тўлдирилади. Натижалар ва хulosалар малака ишига илова қилинади. Бу жараёнга кўчма машғулот ташкил қилинган олий таълим муассасаси ўқитувчиларини жалб этиши орқали тингловчиларга методик ёрдам кўрсатиш ҳам кўзда тутилади.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур фан бўйича қуидаги ўқитиши шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишини ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра сухбатлари (кўрилаётган топшириклар ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хulosалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (топшириклар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

**МОДУЛНИ УҚИТИШДА
ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН
ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ**

“Ақлий ҳужум” методи.

“Ақлий ҳужум” методи - бирор муаммо бўйича таълим олувчилар томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келинадиган методдир. “Ақлий ҳужум” методининг ёзма ва оғзаки шакллари мавжуд. Оғзаки шаклида таълим берувчи томонидан берилган саволга таълим олувчиларниг ҳар бири ўз фикрини оғзаки билдиради. Таълим олувчилар ўз жавобларини аниқ ва қисқа тарзда баён этадилар. Ёзма шаклида эса берилган саволга таълим олувчилар ўз жавобларини қоғоз карточкаларга қисқа ва барчага қўринарли тарзда ёзадилар. Жавоблар доскага (магнитлар ёрдамида) ёки «пинборд» доскасига (игналар ёрдамида) маҳкамланади. “Ақлий ҳужум” методининг ёзма шаклида жавобларни маълум белгилар бўйича гурухлаб чиқиш имконияти мавжуддир. Ушбу метод тўғри ва ижобий қўлланилганда шахсни эркин, ижодий ва ностандарт фикрлашга ўргатади.

“Ақлий ҳужум” методидан фойдаланилганда таълим олувчиларнинг барчасини жалб этиш имконияти бўлади, шу жумладан таълим олувчиларда мулоқот қилиш ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади. Таълим олувчилар ўз фикрини фақат оғзаки эмас, балки ёзма равишда баён этиш маҳорати, мантиқий ва тизимли фикр юрититт кўникмаси ривожланади. Билдирилган фикрлар баҳоланмаслиги таълим олувчиларда турли ғоялар шаклланишига олиб келади. Бу метод таълим олувчиларда ижодий тафаккурни ривожлантириш учун хизмат қиласи.

“Ақлий ҳужум” методи таълим берувчи томонидан қўйилган мақсадга қараб амалга оширилади:

1. Таълим олувчиларнинг бошланғич билимларини аниқлаш мақсад қилиб қўйилганда, бу метод дарснинг мавзуга кирит қисмида амалга оширилади.
2. Мавзуни такрорлаш ёки бир мавзуни кейинги мавзу билан боғлаш мақсад қилиб қўйилганда -янги мавзуга ўтиш қисмида амалга оширилади.
3. Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш мақсад қилиб қўйилганда-мавзудан сўнг, дарснинг мустаҳкамлаш қисмида амалга оширилади.

“Ақлий ҳужум” методини қўллашдаги асосий қоидалар:

1. Билдирилган фикр-ғоялар муҳокама қилинмайди ва баҳоланмайди.
2. Билдирилган ҳар қандай фикр-ғоялар, улар ҳатто тўғри бўлмаса ҳам инобатга олинади.
3. Ҳар бир таълим олувчи қатнашиши шарт.

Қуйида “Ақлий ҳужум” методининг тузилмаси келтирилган.



“Ақлий хужум” методининг тузилмаси

“Ақлий хужум” методининг босқичлари қўйидагилардан иборат:

1. Таълим олувчиларга савол ташланади ва уларга шу савол бўйича ўз жавобларини (фикр, ғоя ва мулоҳаза) билдиришларини сўралади;
2. Таълим олувчилар савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришади;
3. Таълим олувчиларнинг фикр-ғоялари (дискка, видеотасмага, рангли қоғозларга ёки доскага) тўпланади;
4. Фикр-ғоялар маълум белгилар бўйича гурӯҳланади;
5. Юқорида қўйилган саволга аниқ ва тӯғри жавоб танлаб олинади.

“Ақлий хужум” методининг

афзалликлари:	камчиликлари:
натижалар баҳоланмаслиги таълим олувчиларда турли фикр-ғояларнинг шаклланишига олиб келади;	таълим берувчи томонидан саволни тӯғри қўя болмаслик;
таълим олувчиларнинг барчаси иштирок этади;	таълим берувчидан юқори даражада эшитиш қобилиятининг талаб этилиши.
фикр-ғоялар визуаллаштирилиб борилади;	
таълим олувчиларнинг бошлангич билимларини текшириб кўриш имконияти мавжуд;	
таълим олувчиларда мавзуга қизиқиш уйготади.	

2. “Ролли ўйин” методи.

“Ролли ўйин” методи - таълим олувчилар томонидан ҳаётий вазиятнинг ҳар хил шарт-шароитларини саҳналаштириш орқали кўрсатиб берувчи методdir.

Ролли ўйинларнинг ишбоп ўйинлардан фарқли томони баҳолашнинг олиб борилмаслигидадир. Шу билан бирга “Ролли ўйин” методида таълим олувчилар таълим берувчи томонидан ишлаб чиқилган сценарийдаги ролларни ижро этиш билан кифояланишса, “Ишбоп ўйин” методида роль ижро этувчилар маълум вазиятда қандай вазифаларни бажариш лозимлигини мустақил равишда ўзлари ҳал этадилар. Ролли ўйинда ҳам ишбоп ўйин каби муаммони ечиш бўйича иштирокчиларнинг биргаликда фаол иш олиб боришлари йўлга қўйилган. Ролли ўйинлар таълим олувчиларда шахслараро муомала малакасини шакллантиради.

“Ролли ўйин” методида таълим берувчи таълим олувчилар ҳақида олдиндан маълумотга эга бўлиши лозим. Чунки ролларни ўйнаттда, ҳар бир таълим олувчининг индивидуал характеристи, хулқ-автори муҳим аҳамият касб этади. Танланган мавзулар таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражасига мос келиши керак. Ролли ўйинлар ўқув жараёнида таълим олувчиларда мотивацияни шакллантиришга ёрдам беради. Куйида “Ролли ўйин” методининг тузилмаси келтирилган.



“Ролли ўйин” методининг тузилмаси

“Ролли ўйин” методининг босқичлари қўйидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи мавзу бўйича ўйиннинг мақсад ва натижаларини белгилайди ҳамда ролли ўйин сценарийсини ишлаб чиқади.
2. Ўйиннинг мақсад ва вазифалари тушунтирилади.
3. Ўйиннинг мақсадидан келиб чиқиб, ролларни тақсимлайди.
4. Таълим олувчилар ўз ролларини ижро этадилар. Бошқа таълим олувчилар уларни кузатиб турадилар.

5. Ўйин якунида таълим олувчилардан улар ижро этган ролни яна қандай ижро этиш мумкинлигини изоҳлашга имконият берилади. Кузатувчи бўлган таълим олувчилар ўз якуний мулоҳазаларини билдирадилар ва ўйинга хуласа қилинади.

3. “Баҳс-мунозара” методи.

“Баҳс-мунозара” методи - бирор мавзу бўйича таълим олувчилар билан ўзаро баҳс, фикр алмашинув тарзида ўтказиладиган ўқитиш методидир.

Ҳар қандай мавзу ва муаммолар мавжуд билимлар ва тажрибалар асосида муҳокама қилиниши назарда тутилган ҳолда ушбу метод кўлланилади. Баҳс-мунозарани бошқариб бориш вазифасини таълим олувчиларнинг бирига топшириши ёки таълим берувчининг ўзи олиб бориши мумкин. Баҳс-мунозарани эркин ҳолатда олиб бориш ва ҳар бир таълим олувчини мунозарага жалб этишга ҳаракат қилиш лозим. Ушбу метод олиб борилаётгандага таълим олувчилар орасида пайдо бўладиган низоларни дарҳол бартараф этишга ҳаракат қилиш керак.

“Баҳс-мунозара” методини ўтказишда қуидаги қоидаларга амал қилиш керак:

У барча таълим олувчилар иштирок этиши учун имконият яратиш;

У “ўнг қўл” қоидаси (қўлини кўтариб, руҳсат олгандан сўнг сўзлаш)га риоя қилиш;

У фикр-ғояларни тинглаш маданияти;

У билдирилган фикр-ғояларнинг такрорланмаслиги;

У бир-бирларига ўзаро хурмат.

Қуида “Баҳс-мунозара” методини ўтказиш тузилмаси берилган.



“Баҳс-мунозара” методининг тузилмаси

“Баҳс-мунозара” методининг босқичлари қуидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи мунозара мавзусини танлайди ва шунга доир саволлар ишлаб чиқади.
2. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммо бўйича савол беради ва уларни мунозарага таклиф этади.
3. Таълим берувчи берилган саволга билдирилган жавобларни, яъни турли

ғоя ва фикрларни ёзиб боради ёки бу вазифани бажариш учун таълим олувчилардан бирини котиб этиб тайинлайди. Бу босқичда таълим берувчи таълим олувчиларга ўз фикрларини эркин билдиришларига шароит яратиб беради.

4. Таълим берувчи таълим олувчилар билан биргалиқда билдирилган фикр ва ғояларни гурухларга ажратади, умумлаштиради ва таҳлил қиласиди.

5. Таҳлил натижасида қўйилган муаммонинг энг мақбул ечими танланади.

4. “Муаммоли вазият” методи.

“Муаммоли вазият” методи - таълим олувчиларда муаммоли вазиятларнинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ечимини топиш бўйича қўнималарини шакллантиришга қаратилган методдир.

“Муаммоли вазият” методи учун танланган муаммонинг мураккаблиги таълим олувчиларнинг билим даражаларига мос келиши керак. Улар қўйилган муаммонинг ечимини топишга қодир бўлишлари керак, акс ҳолда ечимни топа олмагач, таълим олувчиларнинг қизиқишилари сўнишига, ўзларига бўлган ишончларининг йўқолишига олиб келади. «Муаммоли вазият» методи қўлланилганда таълим олувчилар мустақил фикр юритиши, муаммонинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилишни, унинг ечимини топишни ўрганадилар. Қуйида “Муаммоли вазият” методининг тузилмаси келтирилган.



“Муаммоли вазият” методининг тузилмаси

“Муаммоли вазият” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи мавзу бўйича муаммоли вазиятни танлайди, мақсад ва вазифаларни аниқлайди. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммони баён қиласиди.

2. Таълим берувчи таълим олувчиларни топшириқнинг мақсад, вазифалари ва шартлари билан таништиради.
3. Таълим берувчи таълим олувчиларни кичик гурухларга ажратади.
4. Кичик гурухлар берилган муаммоли вазиятни ўрганадилар. Муаммонинг келиб чиқиш сабабларини аниқлайдилар ва ҳар бир гурух тақдимот қиласди. Барча тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.
5. Бу босқичда берилган вақт мобайнида муаммонинг оқибатлари тўғрисида фикр-мулоҳазаларини тақдимот қиласди. Тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.
6. Муаммони ечишнинг турли имкониятларини муҳокама қиласди, уларни таҳлил қиласди. Муаммоли вазиятни ечиш йўлларини ишлаб чиқадилар.
7. Кичик гурухлар муаммоли вазиятнинг ечими бўйича тақдимот қиласдиар ва ўз вариантларини таклиф этадилар.
8. Барча тақдимотдан сўнг бир хил ечимлар жамланади. Гурух таълим берувчи билан биргалиқда муаммоли вазиятни ечиш йўлларининг энг мақбул вариантларини танлаб олади.

5. “SWOT-таҳлил” методи.

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, тақрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласди.

S- (strength)	• кучли томонларп
W — (weakness)	• заиф, кучсиз томонлари
O — (opportunity)	• имкониятлари
T - (threat)	• тўсиқлар

Намуна: Муаммоли таълим ёндашувларининг SWOT таҳлилини ушбу жадвалга тушシリнг.

8	Муаммоли таълим ёндашувларининг кучли томонлари	
№	Муаммоли таълим ёндашувларининг кучсиз томонлари	
О	Муаммоли таълим ёндашувларининг имкониятлари (ички)	
Т	Муаммоли таълим ёндашувларини амалда қўллашдаги тўсиқлар (ташқи)	

6. “Кейс-стади” методи.

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» - аниқ вазият, ҳодиса, «study» - ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин.

Мазкур метод муаммоли таълим методидан фарқли равишда реал вазиятларни ўрганиш асосида аниқ қарорлар қабул қилишга асосланади. Агар у ўкув жараёнида маълум бир мақсадга эришиш йўли сифатида қўлланилса, метод характеристига эга бўлади, бирор бир жараённи тадқиқ этишда босқичма- босқич, маълум бир алгоритм асосида амалга оширилса, технологик жиҳатни ўзида акс эттиради

“Кейсметоди” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	якка тартибдаги аудио-визуал иш; кейс билан танишиш (матнли, аудио ёки медиа шаклда); ахборотни умумлаштириш; ^ ахборот таҳлили; муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўкув топшириғни белгилаш	^ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўкув топшириғининг ечимини излаш, ҳалда бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни этиш йўлларини ишлаб чиқиш	^ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; таҳлил қилиш; муқобил ечимларни танлаш

4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	^ якка ва гуруҳда ишлаш; ^ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш; якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш
--	---

“Кейс-стади” методининг ўзига хос ҳусусиятлари

- Изланишга доир фаолиятнинг мавжуд бўлиши.
- Жамоавий ва гуруҳларда ўқитиши.
- Индивидул, гуруҳли ва жамоавий иш шакллари интеграцияси.
- Хилма-хил ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиши.
- Муваффақиятга эришиш учун ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини рафбатлантириш

Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагилар саволлар бўйича фаолиятни қамраб олади:

- Ким? (who?),
- Қачон? (when?),
- Қаерда? (were?),
- Нима учун? (why?),
- Қандай?/ Қанака? (how?),
- Нима? (натижа) (what?).

Кейс. 6-синф дарслигининг сизга тақдим этилган битта мавзуси материаллари бўйича кейс топширигини тузинг;

Бу кейс асосида ўтиладиган дарсни лойиҳалаштиринг;

У бўйича тақдимот тайёрланг ва уни намойиш этинг;

7. «ФСМУ» методи.

Ушбу технология мунозарали масалаларни ҳал этишда, баҳс-мунозаралар ўтказишида ёки ўқув семинари якунида ўқувчиларнинг ўқув машғулотлари ҳамда ўтилган мавзу ва бўлимлардаги баъзи мавзулар, муаммоларга нисбатан фикрларини билиш мақсадида қўлланилиши мумкин.

Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологиянинг мақсади: ўқувчиларни тарқатилган оддий қоғозга ўз фикрларни аниқ ва қисқа ҳолатда ифода этиб, тасдиқловчи далиллар ёки инкор этувчи фикрларни баён этишга ўргатиш.

Технологияга асосланган машғулотни ўтказиш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна.

Фикр: 1) Педагогик технология ўзини оқлади; 2) Компетенцияларга асосланган таълим бугунги кунда замон талаби.

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

8. “Тушунчалар таҳлили” методи.

Методнинг мақсади: мазкур метод ўқувчилар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади. Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гурӯҳли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт яқунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изохини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини

текшириб, баҳолайди.

Намуна: “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот

Изоҳ: Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

9. Венн диаграммаси методи.

Венн диаграммаси - график кўриниттда. бўлиб, олинган натижаларни умумлаштириб, улардан бир бутун холоса чиқаришга, икки ва ундан ортиқ предметларни (кўриниш, факт, тушунча) таққослаш, таҳлил қилиш ва ўрганишда кўлланилади. Диаграмма икки ва ундан ортиқ айланани кесишина сидан ҳосил бўлади.

Методнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишиган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига ҳос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гурӯхларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гурӯх аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқилаётган муаммо ёҳуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишиган қисмига ёзадилар.

10. Эвристик таълим методи.

Эвристик деган сўзнинг маъноси савол жавобга асосан “топаман” демакдир. Эвристик метод билан ўқитиш мактабларда асосан XIX аср бошларидан бошлаб кўлланила бошлади.

Машғулотлар қизиқарли бўлиши учун, бу машғулотлардаги ҳар бир масала ёки топшириқ сўзма сўз қуруқ ёдлаш учун эмас балки уларнинг олий фаолиятларини ишга соладиган характеристи бўлиши керак. Америкалик олим Д. Поя эвристик таълим методи тўғрисида шундай деган эди. Эвристикани мақсади янгиликларга олиб борувчи метод ва қоидаларни излаш демакдир. У эвристик метод моҳиятини қўйидагидек изчиллиқда тўзилган режа орқали амалга оширишни тавсия қиласди:

- Масаланинг қўйилишини тушуниш;
- Масаланинг ечиш режанини тўзиш;
- Тузилган режани амалга ошириш;
- Орқага назар ташлаш (хосил қилинган ечимни текшириш).

Бу режани амалга ошириш жараёнида ўқитувчилар қўйидаги саволларга жавоб топадилар:

- Масалада нима номаълум?
- Масалада нималар маълум?
- Масаланинг шарти нималардан иборат?
- Илгари шунга ўхшаган масалалар ечилиганми?
- Агар шунга ўхшаган масалалар ечилиган бўлса, ундан фойдаланиб қўйилаётган масалани еча оладими?

Албатта юқоридаги режа схема ўқувчиларнинг ижодий фикрлаш фаолиятиларни шакллантиради, аммо бу режа-схема ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини шакллантирувчи бирдан бир йўл бўла олмайди.

11. Кластер методи.

Кластер методи педагогик, дидактик стратегиянинг муайян шакли бўлиб, у таълим олувчиларга ихтиёрий муаммо (мавзу) лар хусусида эркин, очиқ ўйлаш ва фикрларни бемалол баён этиш учун шароит яратишга ёрдам беради. Мазкур метод турли хил ғоялар ўртасидаги алоқалар фикрлаш имкониятини берувчи тузилмани аниқлашни талаб этади. Ушбу метод муайян мавзунинг таълим олувчилар томонидан чуқур ҳамда пухта ўзлаштирилгунинг қадар фикрлаш фаолиятининг бир маромда бўлишини таъминлашга ҳизмат қиласди.

«Кластер» методидан фойдаланиш тавсифи:

- 1- босқич. Ниманини ўйлаган бўлсангиз, шуни қоғозга ёзинг. Фикрингизни сифати тўғрисида ўйлаб ўтирамай, уларни шунчаки ёзиб боринг.
- 2- босқич. Ёзувингизнинг орфографияси ёки бошқа жиҳатларига эътибор берманг.
- 3- босқич. Белгиланган вақт ниҳоясига етмагунча, ёзишдан тўхтаманг. Агар маълум муддат бирор-бир ғояни ўйлай олмасангиз, у ҳолда қоғозга бирор нарсанинг расмини чиза бошланг. Бу ҳаракатни янги ғоя тыйфилгунга қадар давом

эттиринг.

4- босқич. Муайян тушунча доирасида имкон қадар күпроқ янги ғояларни илгари суриш ҳамда мазкур ғоялар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик ва боғлиқликни кўрсатишга ҳаракат қилинг. Фоялар йигиндисининг сифати ва улар ўртасидаги алоқаларни кўрсатишни чекламанг.

Таълим методларини самарали қўллаш меъzonлари

Методлар	Қайси вазифаларни ечишда бу метод самаралироқ?	Қандай ўкув материали мазмуни учун бу метод қулай?	Ўқувчиларнинг қандай хусусиятлари учун бу методни қўллаш фойдали?	Бу методни қўллаш учун ўқитувчи қандай ҳислатларга эга бўлиши керак?
Оғзаки баён методи	Назарий билимларни шакллантириш учун	Ўкув материали асосан назарий ва ахборот кўринишида бўлган холда	Ўқувчилар ўкув материалининг оғзаки баёнини ўзлаштиришга тайёр бўлганда	Ўқитувчи бу методни бошқа методлардан кўра яхшироқ эгаллаган ҳолатда
Кўргазмали метод	Ўқувчиларда кузатувчанлик- ни ривож- лантириш ва ўрганиладиган масалаларга бўлган дикқатни ошириш учун	Ўкув материали мазмунини кўзгазмали воситалар билан гавдалантириш мумкин бўлган холатларда	Ўқувчилар учун кўргазмали воситалар етарли бўлганда	Ўқитувчи кўл остида барча кўргазмали воситалар етарли бўлганда ёки уларни ўзи мустақил тайёрлай олганида

Репродуктив (ўзлаштирилган билимларни қайта баён қилиш)	Билим ва кўникмаларни шакллантириш учун	Ўкув материали мазмуни ёки ўтамурекаб ёки жуда содда бўлган ҳолда	Ўкувчилар мавзуни муаммоли ўрганишга тайёр эмас	бумилиб ҳаливақти йўқ бўлган ҳолда	Ўқитувчининг бу мавзуни муаммоли қилиб ўргатишга вакти йўқ бўлган ҳолда
Тадқиқотизланиш	Мустақил фикрлаш, тадқиқот олиб бориш ва масалага ижодий ёндашув кўникмаларини ривожлантириш учун	Ўкув материали мазмуни ўртача мураккабликда бўлганда	Ўкувчилар мазкур мавзуни муаммоли тарзда ўрганишга тайёр бўлган ҳолларда	Ўқитувчи изланиш методини яхши ёгаллаган ва мавзуни муаммоли ўрганиш учун етарли вақтга эга бўлганда	
Амалий	Амалий кўникма ва малакаларни равожлантириш учун	Ўкув материали мазмуни амалий машқлар, тажриба ўтказиш ва турли амалий фаолиятли топшириқларни бажаришни талаб қилса	Ўкувчилар мазкур мавзу бўйича амалий топшириқларни бажаришга тайёр бўлса	Ўқитувчи амалий машғулотларни ўтказиш учун етарлича ўкув ва дидактик материаллар, машқлар тўплами ва ўкув қўлланмаларига эга бўлса	
Мустақил ишлаш методлари	Ўкув фаолиятида мустақил ишлаш кўникмаларини шакллантириш ва уларни ривожлантириш учун	Ўкув материали мустақил ўрганиш учун имкониятини берса	Ўкувчилар мазкур мавзу бўйича мустақил ишлашга тайёр бўлса	Ўқитувчи мустақил ишларни ташкил қилиш бўйича етарлича ўкув ва дидактик материаллар эга бўлса	
Индуктив	У мумлаштириш ва индуктив хулоса чиқариш кўникмаларини ривожлантириш учун	Ўкув материали дарсликда индуктив тарзда берилган ёки уни индуктив тарзда баён қилиш самарали бўлган ҳолда	Ўкувчилар индуктив хулоса чиқаришни яхши билиб, дедуктив хулоса чиқаришга тайёр бўлсанлар	Ўқитувчи таълимнинг индуктив методларидан яхши хабардор бўлса	
Дедуктив	Тахлил қилиш ва дедуктив хулоса чиқариш кўникмаларини ривожлантириш учун	Ўкув материали дарсликда дедуктив тарзда берилган ёки уни дедуктив тарзда баён қилиш самарали бўлган ҳолда	Ўкувчилар дедуктив фикр юритиш ва хулоса чиқаришга тайёр бўзлсалар	Ўқитувчи таълимнинг дедуктив методларидан яхши хабардор бўлса	

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1- Назарий машғулот

1- Мавзу: Физика ва астрономия фанларидан ўқув дастури, дарслик ва ўқув қўлланмалар таҳлили. Дарс ишланмаларни ишлаб чиқишига қўйилган талаблар

Режа:

- 1.Физика фанидан умумий ўрта таълим дастури мазмуни, моҳияти ва таҳлили. Ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва компетенцияларнинг 6-11 синфлар кесимидағи даражалари.
2. Дарс ишланмаси - ўқитувчи ижодкорлигини аниқловчи омил. Дарс режаси - дарсни педагогик, дидактик ва услубий жиҳатдан режалаштирувчи, лойиҳалаштирувчи хужжат. Дарс ишланмаларини ишлаб чиқишига қўйилган талаблар.
- 3.2019-2020 укув йили кайта нашр этилган 8-9 синф кесимидағи дарслклар таҳлили. Табиий фанлар блоки модули буйича умумий урта таълимнинг укув дастурлари билан танишиш.**
- 4. Таълим сифатини таъминлашда ўқитувчининг дарсга тайёргарлиги: ундаги инновация ва иқтидорни аниқлашнинг консерватив усувлари.**

Таянч тушунчалар: компетенция, технологик харита, асбоб ускуналар, техник воситалар, диафильмлар, слайдлар.

Физика фанидан умумий ўрта таълим дастури мазмуни, моҳияти ва таҳлили. Ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва компетенцияларнинг 6-11 синфлар кесимидағи даражалари.

Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг илмий дунёкараши, мантикий фикрлаши, касбий тайёргарлиги ва шахсий ўсишларида физика фани ўзига хос ўрин тутади. Дастурни тузишда умумий ўрта таълим мактабларининг тўққизинчи синфини тугатган ўқувчиларда физика ўкув фанининг фан-техника тараққиётида, ишлаб чиқариш соҳалари ва кундалик ҳаётда тутган ўрнини англатиш, олган билимларни амалда қўллай олиш компетенцияларини шакллантириш ва ривожлантириш кўзда тутилган.

Физика фанини ўрганиш 6-синфда бошланиб, дастлабки А1 босқичда механика, иссиқлик, электр, ёруғлик, товуш ҳодисалар ҳамда модда тузилиши ҳақида бошлангич маълумотлар берилади. А2 босқичда Физика фанини изчил курс сифатида 7-синфда физиканинг “Механика” курси, 8-синфда “Электр” курси, 9-синфда “Молекуляр физика асослари”, “Оптика”, “Атом ва ядро физикаси асослари” ва “Коинот ҳақида тасаввурлар” курслари ўрганилади. В1 босқичда эса, умумий ўрта таълим мактабларининг 10-11 синфларида физика, астрономия ўкув фани ўрганилади

Умумий ўрта таълим мактабларида физика, астрономия ўкув фанини ўқитишининг мақсад ҳамда вазифалари

Физика, астрономия фанини ўқитишининг асосий мақсади:

физика таълимнинг фан-техника тараққиётида, ишлаб чиқариш соҳалари ва ҳаётда тутган ўрни ҳақида мантикий фикрлай олиш қобилияти, ақлий ривожланиши, ўзини ўзи англаш салоҳиятини таркиб топтириш, уларда миллий, умуминсоний қадриятларни шакллантириш ҳамда ижтимоий

ҳаёти ва таълим олишни давом эттиришлари учун зарур бўлган билимларни эгаллаши, улардан кундалик ҳаётларида фойдаланишга ўргатиш; ўқувчиларда таянч ва физика фанига оид умумий компетенцияларни шакллантириш; ўқувчиларнинг оламнинг физик манзарасига оид дунёқарашини кенгайтириш билан амалий фаолиятларини боғлаган ҳолда физик билимларни ҳаётга татбиқ эта олиш салоҳиятини шакллантириш ва ривожлантиришдан иборат.

Физика, астрономия фанини ўқитишининг вазифалари:

ўқувчиларда атроф оламни ўрганишга ишонч туйғуларни ҳосил қилиш, табиатдаги жараён ва ҳодисаларни кузатиш, таҳлил қилиш, физик ҳодисаларни ўрганишда асбоблардан тўғри фойдалана олиш, физик тушунча ва катталикларни математик формулалар билан ифодалай олиш, фан соҳасида эришилаётган ютуқлар, уларнинг амалиётдаги татбиқи орқали ўқувчиларнинг илмий дунёқарашларини ривожлантириш, келажакда инсониятни фан ва технологиялар ютуқларидан тўғри фойдаланишда фан ва техника ижодкорларига ҳурмат билан қараш, маънавий ва маданий меросини авайлаб асраш умумбашарий маданият элементларини тарбиялашдан иборат.

Физика, астрономия фани бўйича умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларда шакллантириладиган таянч компетенциялар:

Коммуникатив компетенция:

B1: дарсликда келтирилган физик атамаларни, қонунларни, қоидаларни оғзаки ва ёзма тарзда аниқ тушунарли баён қила олиш; бошқаларга тушунтириб бера олиш ва ёза олиш, физик катталикларнинг хорижий тилда айтилиши ва ёзилишини, мулоқотда муомала маданиятига амал қилиш ва гурухларда ўзаро келишув асосида ишлай олиш.

B1+: мустақил равишда физик қонуниятлар асосида масалалар ечиш.

Ахборотлар билан ишлаш компетенцияси:

B1: дарслик ва турли масалалалар китобидан, кутубхона, ресурс маркази манбаларидан ўзига керакли маълумотларни излаб топа олиши ва улардан фойдалана олиши ҳамда физик бирликларни бошқа улушли ва каррали бирликларга, жадвал кўринишидаги маълумотларни график кўриниттга. (ва аксинча) айлантира олиш.

B1+: турли манбалардан олган керакли маълумотларни саралаш ва таҳлил қилиш.

Ўзини ўзи ривожлантириш компетенцияси:

B1: доимий равишда ўзини ўзи жисмоний, маънавий, рухий, интеллектуал ва креатив ривожлантириш, ҳаёт давомида мустақил ўқиб-ўрганиши, ўз хатти-ҳаракатини адекват баҳолаш ва мустақил қарор қабул қила олиш.

B1+: мустақил ўқиб ўрганиш натижасида асбоблардан мустақил фойдаланиш.

Ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси:

B1: синфда, мактабда, оиласда, маҳаллада ва жамиятда ўтказиладиган тадбирларда фаол иштирок этиш, ўзининг фуқаролик бурч ва ҳукуқларини

билиш, унга риоя қилиш, ўзаро муносабатларида мумомала ва хуқукий маданиятга эга бўлиш.

B1+: ўзининг фуқаролик бурч ва хуқуқларини билган ҳолда маҳалладаги муаммоларга ўз фикрини билдира олиш.

Миллий ва умуммаданий компетенция:

B1: ватанга садоқатли, инсонларга меҳр-оқибатли ҳамда умуминсоний ва миллий қадриятларга эътиқодли бўлиш, физика соҳаси ривожланишига улкан ҳисса кўшган алломаларнинг ибратли ҳаётини билиш ва ўрнак олиш ҳамда уларнинг фикрлари фан соҳасида муҳимлигини англай олиш.

B1+: дунёқарашиб ва тафаккури асосида соҳадаги олимларнинг қонунларидан амалиётда фойдаланиш.

Математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенцияси:

B1: аниқ ҳисоб-китобларга асосланган ҳолда шахсий режаларни тузаболиши, физикани ўрганишда турли формулалар, графиклардан фойдалана олиш, инсон меҳнатини енгиллаштирадиган, қулай шарт-шароитга олиб келадиган физика фанидаги ва техника янгиликларидан фойдалана олиш.

B1+: фан-техника янгиликларидан амалиётда мустақил равишда фойдалана олиш.

Шунингдек, физика фанининг мазмунидан келиб чиқсан ҳолда ўқувчиларда фанга оид умумий компетенциялар ҳам шакллантирилади.

1. **Физик жараён ва ҳодисаларни кузатиш, тушуниш ва тушунтириш компетенцияси.**
2. **Тажрибалар ўтказиш, физик катталикларни ўлчаш ва хулосалар чиқариш компетенцияси.**
3. **Физик билимлар ва асбоблардан амалиётда фойдалана олиш компетенцияси.**

Шунингдек, меъёрий хужжатларни юритишида **таянч ва фанга оид компетенциялар** қуидагича ёзилиши тавсия қилинади.

- I. ТК-таянч компетенция**
1. ТК1 -коммуникатив компетенция
 2. ТК2-ахборотлар билан ишлаш компетенцияси
 3. ТК3-ўзини-ўзи ривожлантириш компетенцияси
 4. ТК4-ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси
 5. ТК5-миллий ва умуммаданий компетенция
 6. ТК6-математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенцияси

- II. ФК-фанга оид компетенциялар**
1. ФК1- физик жараён ва ҳодисаларни кузатиш, тушуниш ва тушунтириш компетенцияси.
 2. ФК2- Тажрибалар ўтказиш, физик катталикларни ўлчаш ва хулосалар чиқариш компетенцияси.
 3. ФК3-физик билимлар ва асбоблардан амалиётда фойдалана олиш компетенцияси.

10- СИНФ

(68 соат, ҳафтасига 2 соат, В1+: 102 соат, ҳафтасига 3 соат)

Ўқувчиларда шакллантириладиган таянч компетенциялар элементлари:

Коммуникатив компетенция:

В1: дарсликда келтирилган физик атамаларни, қонунларни, қоидаларни оғзаки ва ёзма тарзда аниқ тушунарли баён қила олиш; физик катталикларнинг хорижий тилда айтилиши ва ёзилишини билиш ва гурухларда ўзаро келишув асосида ишлай олиш; қонуниятлар ҳамда уларнинг аҳамиятини тушуниш.

В1+: фикрни мантиқий изчилликда ифодалай олиш.

Ахборот билан ишлаш компетенцияси:

В1: турли ахборот манбаларидан керакли маълумотларни мустақил равишда излаб топа олиши, саралashi, таҳлил қилиш ҳамда ахборот хавфсизлиги қоидаларини билиш, риоя қила олиш ва улардан самарали фойдаланиш.

В1+: физика қонунларини бошқа фанлардаги ахборотлар билан мантиқий боғлай олиш.

Ўзини ўзи ривожлантириш компетенцияси:

В1: ўзлаштирган билимларига таянган ҳолда мустақил равишда физика ва техниканинг амалий моҳиятини ифодалай олиш; ўзини жисмоний, маънавий, руҳий ва интеллектуал ривожлантириб бориш.

В1+ : ўз ҳатти-ҳаракатини адекват баҳолай олиш ва мустақил қарор қабул қила олиш.

Ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси:

В1: синфда, мактабда, оиласда, маҳаллада ўтказиладиган тадбирларда фаол иштирок этиши, ўзининг фуқаролик бурч ва хуқуқларини билиши, унга риоя қилиши; атроф-муҳитда бўлаётган воқеа, ҳодиса ва жараёнларни тушуниш; ўзининг ўқувчилик бурч ва хуқуқларини билиш ва унга риоя қилиш.

В1+: бошқалар фикрини ҳурмат қилган ҳолда ўз позитсиясини ҳимоя қилиш.

Миллий ва умуммаданий компетенция:

В1: Ватанга садоқатли, инсонларга меҳр-оқибатли ҳамда умуминсоний ва миллий қадрияларга эътиқодли бўлиш; Физик олимларнинг жамият ривожига қўшган ҳиссаларини қадрлаш; ораста кийиниш ва соғлом турмуш тарзига амал қилиш; физиканинг ҳар бир шахс ва жамиятни асраршдаги ўрнини тушуниш;

В1+: фан соҳаси ривожланишига улкан ҳисса қўшган алломаларнинг ибратли ҳаётини ўрганиш ва мустақил таҳлил қилиш.

Математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенцияси:

В1: аниқ ҳисоб-китобларга асосланган ҳолда кундалик режаларини тузা олиш, формулалардан фойдаланиб, масалалар еча олиш; инсон меҳнатини енгиллаштирадиган асбоблардан фойдаланиш. Кундалик фаолиятда турли

диаграмма, чизма ва моделларни ўқий олиш; фаннинг сўнгги янгиликларидан хабардор бўлиш.

B1+: физикадан масала ечиш ёки лаборатория ишларини бажаришда аниқ мантикий кетма-кетликка амал қилиш.

МЕХАНИКА

Ўқувчиларда шаклланган фанга оид умумий компетенциялар:

Физик жараён ва ҳодисаларни кузатиш, тушуниш ва тушунтириш компетенцияси:

B1: Ҳаракат турларини фарқлай олади. Айланма ҳаракатни узатиш, горизонтал отилган жисм ҳаракати, Галилейнинг нисбийлик принципи, инерциал ва ноинерциал саноқ системалари, жисмнинг бир неча куч таъсиридаги ҳаракати, жисмларнинг эластик ва ноеластик тўқнашуви, жисмларнинг мувозанат шартларини кузатади, тушунади ва тушунтира олади.

B1+: Ҳаракатланаётган газлар ва суюқликларда босимнинг тезликка боғлиқлигини тушунади ва таҳлил қила олади.

Тажрибалар ўтказиш, физик катталикларни ўлчаш ва хulosалар чиқариш компетенцияси:

B1: горизонтал отилган жисм ҳаракатини, моментлар қоидасига асосланиб ишлайдиган механизмлар, қия текисликда фойдали иш коеффициентини тажриба ўтказиш йўли билан аниқлай олади ва хulosалар чиқаради.

B1+: Мавзуга доир тажрибаларни ўтказиш йўли билан катталикларни аниқлай олади ва таҳлил қила олади.

Физик билимлар ва асбоблардан амалиётда фойдалана олиш компетенцияси:

B1: ўқувчи жисмларнинг вертикал ҳаракати, айлана бўйлаб нотекис ҳаракат, горизонтал отилган жисмнинг ҳаракати, динамика ва сақланиш қонунларини ҳисоблашга доир доир масалалар еча олади. ўқув-лаборатория электрон тарозиси, спирал пружиналар, блоклар, қия текислик, динамометрлардан амалиётда фойдалана олади.

B1+: мавзуларга доир доир масалалар еча олади ва таҳлил қила олади.

Ўқувчиларда шаклланган фанга оид умумий компетенциялар:

Физик жараён ва ҳодисаларни кузатиш, тушуниш ва тушунтириш компетенцияси:

B1: Гармоник тебранишлар, математик ва пружинали маятниклар, мажбурий тебранишлар ва тўлқинлар, табиатдаги қайтмас жараёнлар, иссиқлик алмашувидаги қайтмас жараёнлар, электр майдон, ўзгармас ток манбалари, металл ўтказгичлар қаршиликларини температурага боғлиқлигини кузатади, тушунади ва тушунтира олади.

B1+: мавзуларга доир жараён ва ҳодисаларни мантикий таҳлил қила олади.

Тажрибалар ўтказиш, физик катталикларни ўлчаш ва хulosалар чиқариш компетенцияси:

B1: Математик маятник ёрдамида эркин тушиш тезланишини аниқлаш, ток манбайнинг ЭЮК и ва ички қаршилигини аниқлаш, яrim ўтказгичли диоднинг волт-ампер характеристикасини тажриба ўтказиш йўли билан

аниқлай олади ва хulosалар чиқаради.

B1+: мавзуларга доир тажриба натижаларини мантиқий таҳлил қила олади.

Физик билимлар ва асбоблардан амалиётда фойдалана олиш компетенцияси:

B1: Математик ва пружинали маятниклар, механик тўлқинлар, Термодинамиканинг II қонуни, Иссиклик машиналарининг ФИК, электр майдон кучланганлиги, майдон потенциали, потенциаллар фарқи, электр майдон энергияси, ток кучи ва ток зичлиги. Бутун занжир учун Ом қонунини ҳисоблашга доир масалалар еча олади. Овоз карнайи, масштабли чизғич, ўқув-лаборатория электрон тарозиси, хона термометри, керамик плита, қуруқ ёқилғи, Анероид барометрлардан амалиётда фойдалана олади.

B1+: масалаларни ечишда формулалардан тўғри фойдалана олади; физик ўлчов асбобларидан амалиётда ва кундалик турмушда фойдалана олади.

Ўқувчиларда шаклланган таянч компетенциялар элементлари:

Коммуникатив компетенция:

B1: дарслиқда келтирилган физик атамаларни, қонунларни, қоидаларни оғзаки ва ёзма тарзда аниқ тушунарли баён қила олади. Физик катталикларнинг хорижий тилда айтилиши ва ёзилишини билиш ва гурухларда ўзаро келишув асосида ишлай олади. Қонуниятлар ҳамда уларнинг аҳамиятини тушунтира олади.

B1+: фикрни мантиқий изчиллиқда ифодалай олади.

Ахборот билан ишлаш компетенцияси:

B1: турли ахборот манбаларидан керакли маълумотларни мустақил равища излаб топа олади, саралай олади, таҳлил қила олади ҳамда ахборот хавфсизлиги қоидаларини билади, риоя қила олади ва улардан самарали фойдалана олади.

B1+: физика қонунларини бошқа фанлардаги ахборотлар билан мантиқий боғлай олади.

Ўзини ўзи ривожлантириш компетенцияси:

B1: ўзлаштирган билимларига таянган ҳолда мустақил равища физика ва техниканинг амалий моҳиятини ифодалай олади. Ўзини жисмоний, маънавий, руҳий ва интеллектуал ривожлантириб бора олади.

B1+: ўз ҳатти-харакатини адекват баҳолай олади ва мустақил қарор қабул қила олади.

Ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси:

B1: синфда, мактабда, оиласда, маҳаллада ўтказиладиган тадбирларда фаол иштирок этади, ўзининг фуқаролик бурч ва хуқуqlарини билади, унга риоя қила олади; атроф-муҳитда бўлаётган воқеа, ҳодиса ва жараёнларни тушунади; ўзининг ўқувчилик бурч ва хуқуqlарини билади ва унга риоя қила олади.

B1+: бошқалар фикрини хурмат қилган ҳолда ўз позитсиясини ҳимоя қила олади.

Миллий ва умуммаданий компетенция:

B1: Ватанга садоқатли, инсонларга меҳр-оқибатли ҳамда умуминсоний ва миллий қадриятларга эътиқодли бўлади; Физик олимларнинг жамият

ривожига қўшган ҳиссаларини қадрлай олади; ораста кийиниш ва соғлом турмуш тарзига амал қиласи; физиканинг ҳар бир шахс ва жамиятни асрардаги ўрнини тушунтира олади.

B1+: фан соҳаси ривожланишига улкан ҳисса қўшган алломаларнинг ибратли ҳаётини ўрганиб ва таҳлил қила олади.

Математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенцияси:

B1: аниқ ҳисоб-китобларга асосланган ҳолда кундалик режаларини туза олади, формуласардан фойдаланиб, масалалар еча олади; инсон меҳнатини енгиллаштирадиган асбоблардан фойдалана олади. кундалик фаолиятда турли диаграмма, чизма ва моделларни ўқий олади; фаннинг сўнгги янгиликларидан хабардор бўла олади.

B1+: физикадан масала ечиш ёки лаборатория ишларини бажаришда аниқ мантиқий кетма-кетликка амал қила олади.

11- СИНФ

(68 соат, ҳафтасига 2 соат, (B1+: 102 соат, ҳафтасига 3 соат))

Ўқувчиларда шакллантириладиган таянч компетенциялар элементлари:

Коммуникатив компетенция:

B1: дарсликда келтирилган физик атамаларни, қонунларни, қоидаларни оғзаки ва ёзма тарзда аниқ тушунарли баён қила олиш; физик катталикларнинг хорижий тилда айтилиши ва ёзилишини билиш; ҳамкорликда жамоада самарали ишлай олиш; муамала маданиятига амал қилиш..

B1+: фикрни мантиқий изчиллиқда ифодалай олиш.

Ахборот билан ишлаш компетенцияси:

B1: турли ахборот манбаларидан керакли маълумотларни мустақил равишда излаб топа олиши, саралаш, таҳлил қилиш ҳамда қайта ишлай олиш; ахборот хавфсизлиги қоидаларини билиш, риоя қила олиш ва улардан самарали фойдаланиш.

B1+: физика қонунларини бошқа фанлардаги ахборотлар билан мантиқий боғлай олиш.

Ўзини ўзи ривожлантириш компетенцияси:

B1: ўзлаштирган билимларига таянган ҳолда мустақил равишда физика ва техниканинг амалий моҳиятини ифодалай олиш; ўзини жисмоний, маънавий, руҳий, интеллектуал ва креатив ривожлантириб бориш. мустақил ўрганиш жараёнида когнитивлик кўникмаларини эгаллаш.

B1+: ўз ҳатти-харакатини адекват баҳолай олиш ва мустақил қарор қабул қила олиш.

Ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси:

B1: синфда, мактабда, оилада, маҳаллада ўтказиладиган тадбирларда фаол иштирок этиши, ўзининг фуқаролик бурч ва ҳуқуқларини билиши, унга риоя қилиши. Жамиятда бўлаётган вақеа, ҳодиса ва жараёнларга дахлдорлигини ҳис этиш; атроф-мухитда бўлаётган воқеа, ҳодиса ва

жараёнларни тушуниш; ўзининг ўқувчилик бурч ва ҳукуқларини билиш ва унга риоя қилиш;

B1+: бошқалар фикрини хурмат қилган ҳолда ўз позитсиясини ҳимоя қилиш ва муомала маданиятига амал қилиш.

Миллий ва умуммаданий компетенция:

B1: Ватанга садоқатли, инсонларга меҳр-оқибатли ҳамда умуминсоний ва миллий қадриятларга эътиқодли бўлиш; Физик олимларнинг жамият ривожига қўшган ҳиссаларини қадрлаш; ораста кийиниш ва соғлом турмуш тарзига амал қилиш; физиканинг ҳар бир шахс ва жамиятни асраршдаги ўрнини тушуниш;

B1+: фан соҳаси ривожланишига улкан ҳисса қўшган алломаларнинг ибратли ҳаётини ўрганиш ва мустақил таҳлил қилиш.

Математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенцияси:

B1: Аниқ ҳисоб-китобларга асосланган ҳолда кундалик режаларини тузалиш; мавзуларга доир формулалардан фойдаланиб, масалалар еча олиш; инсон меҳнатини енгиллаштирадиган асбоблардан фойдаланиш. Кундалик фаолиятда турли диаграмма, чизма ва моделларни ўқий олиш; меҳнат унумдорлигини оширадиган, қулай шарт-шароитга олиб келадиган фан ва техника янгиликларидан фойдалана олиш.

B1+: физикадан масала ечиш ёки лаборатория ишларини бажаришда аниқ мантиқий кетма-кетликка амал қилиш ва таҳлил қила олиш.

Ўқувчиларда шаклланган фанга оид умумий компетенциялар:

Физик жараён ва ҳодисаларни кузатиш, тушуниш ва тушунтириш компетенцияси:

B1: Магнит майдон индукцияси, ўзиндукция ҳодисаси, магнит майдонининг токли ўтказгичга таъсири, токли ўтказгичларнинг ўзаро таъсир кучини тушунади ва тушунтира олади.

B1+: Мавзуларга доир ҳодисаларни мантиқий таҳлил қилиб тушунтира олади.

Физик билимлар ва асбоблардан амалиётда фойдалана олиш компетенцияси:

B1: магнит майдон индукцияси, Лоренц кучи, магнит оқими, магнит майдон энергияси ва зичлигига доир масалалар еча олади. Уловчи симлар, бир ва икки қутбли калитлар, индуктивлик ғалтаги, амперметр, волтметр, ўзгарувчан ток генераторидан амалиётда фойдалана олади.

B1+: масалаларни ечишда формулалардан тўғри фойдалана олади ва таҳлил қила олади; физик ўлчов асбобларидан амалиётда ва кундалик турмушда фойдалана олади.

Ўқувчиларда шаклланган фанга оид умумий компетенциялар:

Физик жараён ва ҳодисаларни кузатиш, тушуниш ва тушунтириш компетенцияси:

B1: Електромагнит тебранишлар, резонанс ҳодисаси, электромагнит тебранишлар, икки муҳит чегарасида қайтиши ва синиши, ёруғлик интерференсияси, дифраксияси, дисперсияси, инфрақизил нурланишларни

тушунади ва тушунтира олади.

Тажрибалар ўтказиш, физик катталикларни ўлчаш ва хулосалар чиқариш компетенцияси:

B1: Ўзгарувчан ток занжирида резонанс ҳодисаси, дифраксион панжара ёрдамида ёруғлик тўлқин узунлигини, ёритилганликнинг ёруғлик кучида боғлиқлигини тажриба ўтказиш йўли билан аниқлай олади ва хулосалар чиқарди.

B1+: мавзуларга доир тажриба натижаларини мантиқий таҳлил қила олади.

Физик билимлар ва асбоблардан амалиётда фойдалана олиш компетенцияси:

B1: Ўзгарувчан ток занжирлари, ўзгарувчан ток занжири учун Ом қонуни, ўзгарувчан токнинг иши ва қуввати, қувват коеффициенти, электромагнит тўлқин тезлиги, ёруғлик оқими, кучи, ёритилганлик қонуни доир масалалар еча олади. Уловчи симлар тўплами, икки кутбли калитлар, индуктивлик ғалтаги, конденсатор, ток манбаи, амперметр, волтметр, резестор, лазер, линзалардан амалиётда фойдалана олади.

B1+: масалаларни ечишда формулалардан тўғри фойдалана олади ва таҳлил қила олади;

физик ўлчов асбобларидан амалиётда ва кундалик турмушда фойдалана олади.

Ўқувчиларда шаклланган таянч компетенциялар элементлари:

Коммуникатив компетенция:

B1: дарсликда келтирилган физик атамаларни, қонунларни, қоидаларни оғзаки ва ёзма тарзда аниқ тушунарли баён қила олади; физик катталикларнинг хорижий тилда айтилиши ва ёзилишини билади; ҳамкорликда жамоада самарали ишлай олади; муамала маданиятига амал қиласди.

B1+: фикрни мантиқий изчиллиқда ифодалай олади.

Ахборот билан ишлаш компетенцияси:

B1: турили ахборот манбаларидан керакли маълумотларни мустақил равишида излаб топа олади, саралайди, таҳлил қиласди ҳамда қайта ишлай олади; ахборот хавфсизлиги қоидаларини билади, риоя қила олади ва улардан самарали фойдалана олади.

B1+: физика қонунларини бошқа фанлардаги ахборотлар билан мантиқий боғлай олади.

Ўзини ўзи ривожлантириш компетенцияси:

B1: ўзлаштирган билимларига таянган ҳолда мустақил равишида физика ва техниканинг амалий моҳиятини ифодалай олади; ўзини жисмоний, маънавий, руҳий, интеллектуал ва креатив ривожлантириб боради. Мустақил ўрганиш жараёнида когнитивлик кўнікмаларини эгаллайди.

B1+: ўз ҳатти-харакатини адекват баҳолай олиш ва мустақил қарор қабул қила олади.

Ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси:

B1: синфда, мактабда, оиласда, маҳаллада ўтказиладиган тадбирларда

фаол иштирок этади, ўзининг фуқаролик бурч ва ҳукуқларини билади, унга риоя қиласди. Жамиятда бўлаётган воқеа, ҳодиса ва жараёнларга дахлдорлигини ҳис этади; атроф-муҳитда бўлаётган воқеа, ҳодиса ва жараёнларни тушунади; ўзининг ўқувчилик бурч ва ҳукуқларини билади ва унга риоя қиласди;

B1+: бошқалар фикрини хурмат қилган ҳолда ўз позитсиясини ҳимоя қиласди ва муомала маданиятига амал қиласди.

Миллий ва умуммаданий компетенция:

B1: Ватанга садоқатли, инсонларга меҳр-оқибатли ҳамда умуминсоний ва миллий қадриятларга эътиқодли бўлади; Физик олимларнинг жамият ривожига қўшган ҳиссаларини қадрлайди; ораста кийиниш ва соғлом турмуш тарзига амал қиласди; физиканинг ҳар бир шахс ва жамиятни асрардаги ўрнини тушунади;

B1+: фан соҳаси ривожланишига улкан ҳисса қўшган алломаларнинг ибратли ҳаётини ўрганади ва мустақил таҳлил қиласди.

Математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенцияси:

B1: аниқ ҳисоб-китобларга асосланган ҳолда кундалик режаларини тузади; мавзуларга доир формулалардан фойдаланиб, масалалар еча олади; инсон меҳнатини енгиллаштирадиган асбоблардан фойдаланади. Кундалик фаолиятда турли диаграмма, чизма ва моделларни ўқий олади; меҳнат унумдорлигини оширадиган, қулай шарт-шароитга олиб келадиган фан ва техника янгиликларидан фойдалана олади.

B1+: физикадан масала ечиш ёки лаборатория ишларини бажаришда аниқ мантиқий кетма-кетликка амал қиласди ва таҳлил қила олади.

10-

СИНФ. АСТРОНОМИЯ

Ўқувчиларда шакллантириладиган таянч компетенциялар элементлари:

Коммуникатив компетенция:

B1: дарсликда келтирилган физик атамаларни, қонунларни, қоидаларни оғзаки ва ёзма тарзда аниқ тушунарли баён қила олиш; осмон жисмларини ўрганиш орқали кашф этилган қонуниятларни ҳамда уларнинг аҳамиятини тушунади ва тушунтириб бера олади.

B1+: фикри мантиқий изчилликда ифодалай олиш.

Ахборот билан ишлаш компетенцияси:

B1: турли ахборот манбаларидан керакли маълумотларни мустақил равища излаб топа олиши, саралashi, таҳлил қилиш ҳамда ахборот ҳафсизлиги қоидаларини билиш, риоя қила олиш ва улардан самарали фойдаланиш.

B1+: физика қонунларини бошқа фанлардаги ахборотлар билан мантиқий боғлай олиш.

Ўзини ўзи ривожлантириш компетенцияси:

B1: ўзлаштирган билимларига таянган ҳолда мустақил равища астрономия фанининг моҳиятини ифодалай олиш; ўзини жисмоний, маънавий, руҳий ва интеллектуал ривожлантириб бориши.

B1+: ўз ҳатти-харакатини адекват баҳолай олиш ва мустақил қарор қабул қила олиш.

Ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси:

B1: синфда, мактабда, оиласда, маҳаллада ўтказиладиган тадбирларда фаол иштирок этиши, ўзининг фуқаролик бурч ва хуқуқларини билиши, унга риоя қилиши; атроф-муҳитда бўлаётган воқеа, ҳодиса ва жараёнларни тушуниш; ўзининг ўқувчилик бурч ва хуқуқларини билиш ва унга риоя қилиш;

B1+: бошқалар фикрини ҳурмат қилган ҳолда ўз позитсиясини ҳимоя қилиш.

Миллий ва умуммаданий компетенция:

B1: Ватанга садоқатли, инсонларга меҳр-оқибатли ҳамда умуминсоний ва миллий қадриятларга эътиқодли бўлиш;

B1+: Астрономия соҳаси ривожланишига улкан ҳисса қўшган алломаларнинг ибратли ҳаётини ўрганиш ва мустақил таҳлил қилиш.

Математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенцияси:

B1: аниқ ҳисоб-китобларга асосланган ҳолда кундалик режаларини туза олиш, формуласадардан фойдаланиб, масалалар еча олиш; фаннинг сўнгги янгиликларидан хабардор бўлиш.

B1+: Астрономиядаги қонуниятлардан тўғри фойдаланиш.

Ўқувчиларда шаклланган фанга оид умумий компетенциялар:

Астрономик жараён ва ҳодисаларни кузатиш, тушуниш ва тушунтириш компетенцияси:

Қуёш ва планеталар, Қуёш тожи (фотография), космик аппаратлар томонидан олинган планеталарнинг релефи, турли спектрал синфларга кирувчи юлдузларнинг спектрлари (фотографияларда), турли типдаги ўзгарувчи юлдузларнинг равшанлик, галактикализнинг тузилиши ва унда Қуёш системасининг ўрни, юлдуз тўдалари, газ-чанг туманликларнинг фотографияларини тушунади ва тушунтиради.

Астрономик билимлар ва асбоблардан амалиётда фойдалана олиш компетенцияси юлдузларнинг сурилма хариталари ва улар билан ишлаш, астрономик календарлар ва лугатлардан кундалик турмушда фойдалана олади.

Ўқувчиларда шакллантириладиган таянч компетенциялар элементлари:

Коммуникатив компетенция:

B1: дарсликда келтирилган физик атамаларни, қонунларни, қоидаларни оғзаки ва ёзма тарзда аниқ тушунарли баён қила олади; осмон жисмларини ўрганиш орқали кашф этилган қонуниятларни ҳамда уларнинг аҳамиятини тушунади ва тушунтириб бера олади.

B1+: фикрни мантиқий изчилликда ифодалай олади.

Ахборот билан ишлаш компетенцияси:

B1: турли ахборот манбаларидан керакли маълумотларни мустақил равишда излаб топа олади, таҳлил қила олади ҳамда ахборот хавфсизлиги

қоидаларини билади, риоя қила олади ва улардан самарали фойдалана олади.

B1+: физика қонунларини бошқа фанлардаги ахборотлар билан мантикий бөглай олади.

Үзини ўзи ривожлантириш компетенцияси:

B1: ўзлаштирган билимларига таянган ҳолда мустақил равища астрономия фанининг моҳиятини ифодалай олади; ўзини жисмоний, маънавий, руҳий ва интеллектуал ривожлантириб боради.

B1+: ўз ҳатти-харакатини адекват баҳолай олади ва мустақил қарор қабул қила олади.

Ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси:

B1: синфда, мактабда, оиласда, маҳаллада ўтказиладиган тадбирларда фаол иштирок этади, ўзининг фуқаролик бурч ва хукуқларини билади, унга риоя қиласди; атроф-муҳитда бўлаётган воеа, ҳодиса ва жараёнларни тушунади; ўзининг ўқувчилик бурч ва хукуқларини билади ва унга риоя қиласди.

B1+: бошқалар фикрини хурмат қилган ҳолда ўз позитсиясини ҳимоя қиласди.

Миллий ва умуммаданий компетенция:

B1: Ватанга садоқатли, инсонларга меҳр-оқибатли ҳамда умуминсоний ва миллий қадриятларга эътиқодли бўлиш;

B1+: Астрономия соҳаси ривожланишига улкан ҳисса қўшган алломаларнинг ибратли ҳаётини ўрганади ва мустақил таҳлил қиласди.

Математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенцияси:

B1: аниқ ҳисоб-китобларга асосланган ҳолда кундалик режаларини тузади, формулалардан фойдаланиб, масалалар еча олади; фанинг сўнгги янгиликларидан хабардор бўлади.

B1+: Астрономиядаги қонуниятлардан тўғри фойдалана олади.

1.2. Дарс ишланмаси - ўқитувчи ижодкорлигини аниқловчи омил. Дарс режаси - дарсни педагогик, дидактик ва услубий жиҳатдан режалаштирувчи, лойиҳалаштирувчи хужжат. Дарс ишланмаларини яратиш бўйича услубий тавсиялар.

Дарс ишланмаси - бу белгиланган вақтда ва мавжуд шароитда белгиланган мақсадни амалга ошириш ва башорат қилинган ўқув натижаларига эришишни кафолатлайдиган таълимнинг энг мақбул шакллари, усуллари ва воситалари мажмуидир.

1. Қайтар алоқа йўл ва воситаларини танлайди: тезкор сўров, савол-жавоб, ўқув топшириғи натижаларини тақдимотини баҳолаш ва бошқалар.

2. Лойиҳавий фаолият натижасини жадвал - ўқув жараёни таълим технологияси модели кўринишида расмийлаштиради.

3. Ўқув машғулотида таълим технологиясини режалаштиришни технологик харита кўринишида амалга оширади.

Дарснинг технологик харитаси - ўқув машғулотида таълим технологияси тузилишининг жараёнли (процессуал) баёни акс этган хужжат. Ўқув машғулотини ўзига ҳос ҳусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, босқичма

- босқич фаолият кетма-кетлигининг мазмунини ёритади
4. Ўкув жараёнини ташкилий-дидактик таъминотини ишлаб чиқади ва уни технологик харитага илова кўринишида расмийлаштиради.
- Технологик харитага илова ўз ичига кўйидагиларни олади:**
- > ўқувчилар билимини фаоллаштириш мақсадида қўлланиладиган саволлар рўйхати;
 Ў гурухларда ишлаш учун йўриқнома, ўқув фаолияти натижасида ўқувчилар таяниши мумкин бўлган қоидалар (ақлий хужум қоидаси, гурухларда ишлаш қоидаси, мунозара иштирокчиларига эслатма);
 - > ўқитувчи томонидан ўқув жараёнида фойдаланиладиган слайдлар, жадваллар, ва бошқа визуал материаллар;
 - > мунозара ўтказиш учун қўшимча саволлар;
 Ў гурухларда ва якка ҳолдаги фаолиятни баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари.

ўқув
ишилари бўйича директор ўринбосари
20 й.

ЗАМОНАВИЙ НАЗАРИЙ ДАРС РЕЖАСИ (НАМУНАВИЙ)

Синфлар				
Сана				

Укув предметининг номи _____

Мавзуу ва унинг тартиб рақами _____

ДАРСНИНГ МАҚСАДИ: _____ (№ ____)

- a) таълимий
- б) тарбиявий
- в) ривожлантирувчи

ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ:

- a) Маъруза _____
- б) Ақлий ҳужум _____
- в) Кичик гурухларда ишлаш _____
- г) Давра сухбати _____
- д) Муаммоли вазият _____
- е) Баҳс-мунозара _____
- ж) Лойиха _____
- з) Йўналтирувчи матн _____

Дарснинг тури ва кўриниши _____

Дарсга ажратилган вақт миқдори: 45 минут **Ахборот**

манбалари, жиҳозлар ва керакли материаллар

I босқич. Долзарблаштириш:

- а) таянч тушунча ва хатти-харакат усуллари
- б) мустақил иш (тури)

II босқич. Янги тушунча ва хатти-харакат усулларини шакллантириш:

- а) шакллантириладиган тушунча ва иш харакат усуллари _____
- б) дарснинг асосий ва иккинчи даражали муаммолари: 1)
асосий тушунча ва хатти-харакат усуллари
2) иккинчи даражали тушунча ва хатти-харакат усуллари

III босқич. Кўллаш (мустаҳкамлаш):

- а) мустақил иш турлари _____
- б) предметлараро алоқадорлик _____
- в) уйга вазифа _____

ЗАМОНАВИЙ АМАЛИЙ ДАРС РЕЖАСИ __ (НАМУНАВИЙ)

Синфлар				
Сана				

ўқув
ишилари бўйича директор ўринбосари
20 й.

Уқув предметининг номи _____
Мавзуу ва унинг тартиб рақами _____ (№ ____)

1. **Машғулот мавзуси:** _____
2. **Машғулот мақсадлари:**
 - a) таълимий _____
 - б) тарбиявий _____
 - в) ривожлантирувчи _____
3. **Моддий - техникавий таъминот:**
 - a) кўргазмали қуроллар ва тарқатма материаллар _____
 - б) Махсус мосламалар _____
 - в) Улчов-текширув ва ишлов берувчи асбоблар _____
4. **Ўқувчи билиши керак:**
 - a) _____
 - б) _____
 - в) _____
5. **Ўқувчи бажара олиши керак:**
 - a) _____
 - б) _____
 - в) _____

МАШГУЛОТНИНГ БОРИШИ

- I. **Ташкилий қисм (ажратилган вақт кўрсатилади):**
 1. Давоматни текшириш _____
 2. Иштирокчилар ва хонанинг машғулотга тайёргарлик даражаси _____
- II. **Кириш йўриқномаси (ажратилган вақти кўрсатилади):**
 1. Машғулот мавзусини баён қилиш _____
 2. Машғулотнинг мақсадини баён қилиш _____
 3. Утилган материаллар юзасидан сухбат ўтказиш
ва янги мавзуга боғлаш (саволлар ва ўқувчилар фамилияси кўрсатилади):
а) _____
б) _____
 4. Уқувчиларга янги мавзуу бўйича хатти-ҳаракат усулларини кўрсатишни таклиф этиш
а) _____
б) _____
 5. Мустақил ишни бажариш бўйича йўриқнома бериш: _____
 6. Мустақил ишларни мустаҳкамлаш _____
 7. Якуний йўриқнома (ажратилган вақти кўрсатилади) _____
- III. **Якунловчи йўриқнома(вақт кўрсатилади)**
 1. Ўқувчиларни баҳолаш ва уларни асослаб эшиттириш
 2. Ўқувчилар йўл кўйган камчилик ва хатоларни бартараф этиш юзасидан кўрсатмалар
бериш _____
- IV. **Иш ўрнини тартибга келтириш:**
Навбатдаги машғулот мавзусини эълон қилиш:

Дарс режаси асосий ўқув-режалаштириш ҳужжатларидан бири бўлиб, уни ўқитувчи ўқув дастури ва тақвим-мавзуу режаси асосида тузади. Унда дарснинг таълим-тарбиявий мақсадлари, ўқитиши ва тарбиялаш масалалари кўрсатилади ҳамда дарснинг таркиби ва босқичлари, ҳар бир босқичга ажратилган вақт, ўқитувчи томонидан изоҳланадиган ўқув материалининг

кетма-кетлиги ва мазмуни, мустақил ишларнинг характери ва мазмуни, уй топшириғи ва бошқалар ифодаланади.

Дарс режасининг асосий мақсади ўқитиш жараёнини түғри режалаштиришга ва унинг самарадорлигини оширишга ёрдам беришdir. Дарс муваффақиятли ўтиши учун уни ташкил этиш бўйича ўқитувчи фаолиятининг мақсадини аниқлаш лозим.

Дарс режасини тузиш бўйича тавсиялар

Ўқув предметининг номи, ўқув дастуридаги фаннинг номи билан бир хил бўлиши керак.

Мавзунинг номи тақвимий мавзулар режаси билан бир хил бўлиши керак.

Машғулот тури қисмида янги билимларни ўзлаштириш, аралаш, мустаҳкамлаш ва синов дарслар туридан бири ёзилиши керак.

Машғулот мақсади қисмида таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи мақсадлар келтирилади (ДТС).

Машғулот дидактикасида мавзулараро боғланиш (шу фандаги мавзуларнинг номи, рақами бирин-кетин ёзиг чиқилади), предметлараро боғланиш (предметларнинг номи ва мавзулари бирин-кетин ёзиг чиқилади).

Машғулотнинг жиҳозланиши қисмида қўргазмали қуроллар (стенд, жадвал, альбомларнинг номлари), асбоб-ускуналар номлари, техник воситалар, диафильмлар, слайдлар, сўроқ карточкалари (умумий, шахсий, кроссворд, тест, муаммоли масалалар, назорат ишлари) ёзиг чиқилади.

2019-2020 ўқув йилида 8-9 синф ўқувчилари учун нашр қилинган физика дарслиги STEAM-таълим ёндашув асосида ишлаб чиқилган.

Умумий ўрта таълим мактабларида фанларни ўқитиши жараёнида фан-техника тараққиёти, муҳандислик, математика ва кундалик ҳаёт билан боғлаб ўрганиши (STEAM ёндашуви) таълим-тарбия жараёнини ташкил етишининг долзарб масаласидир.

Физика фанини ўқитишида фан-техника ва технология тараққиёти, ишлаб чиқарии соҳалари ва турмушида тутган ўрнига катта еътибор қаратиш зарур. Умумий ўрта таълим мактабларида физика фанини ўқитиши ўқувчиларнинг ҳаётий тасаввурлари билан амалий фаолиятларини умумлаштириши орқали физик билимларни амалда қўллай олиш салоҳиятини шакллантириши ва ривожлантиришдан иборат.

Физика фанини ўқитишининг вазифалари: ўқувчиларда атроф оламни ўрганишига бўлган қизиқишини ошириши; табиатдаги жараён ва ҳодисаларни кузатиш, таҳлил қилиш; физик тушунча ва катталикларни математик формулалар билан ифодалай олиш; фан соҳасида еришилаётган ютуқлар, уларнинг амалиётдаги тадбиқи орқали ўқувчиларнинг илмий дунёқарашларини ривожлантириши; ўқувчиларда ихтирочилик ва конструкторлик қобилияtlарини шакллантириши; ўқувчиларда ўқув - тадқиқотчилик қобилияtlарини шакллантириши; физик катталикларни ўлчовчи қурилма ва жиҳозлардан тўғри

фойдаланиши кўникмасини шакллантириши. Физик жараён ва ҳодисаларнинг физик моҳиятини англаш билан бирга, техника ва технологияларни ривожлантиришида физика қонунларини амалда қўллашни талаб қилмоқда.

STEAM замон талаблари асосида халқаро миқёсида ўқувчиларга таълим - тарбия беришда умумтаълим фанлари бўйича фанлараро боғланиши ва амалий ёндашувни кучайтиришига қаратилган. Физика фанини ўқитшида, унинг дастлабки тушунчалари бошлангич таълимнинг атрофимиздаги олам, табиацхунослик ва юқори синфларда табиий география, кимё, биология фанларини ўрганишида шаклланади. Жумладан, Күёш, Ер, Ой ва унинг аҳамияти, об-ҳаво, йил фасллари, атрофимиздаги нарсалар: уй анжомлари, ўқув қуроллари, кийим-кечаклар, озиқ-овқат маҳсулотлари, газдан фойдаланиши, уйда фойдаланиладиган електр жиҳозлари, компьютер ва унинг имкониятлари, уйда хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш, жисм ва моддалар, сувнинг ҳолатлари, термометрдан фойдаланиш, об-ҳавони кундалик кузатиш, кун ва туннинг, йил фасларининг даврий алмашинишини ва бошқа тушунчалар шакллантирилади.

Физика фанини ўрганиши VI синфда бошланиб, дастлаб механика, иссиқлиқ, ёруғлик, товуш ҳодисалар ҳамда модда тузилиши ҳақида бошлангич маълумотлар берилади. Физика фанини изчил курс сифатида ВИИ синфда физиканинг “Механика”, VIII синфда “Електр”, IX синфда “Молекуляр физика ва термодинамика асослари”, “Оптика” бўлимлари юзасидан маълумотлар берилиб, амалиётда қўллаш кўникмалари шакллантирилади.

Дастурнинг яна бир жиҳати шундан иборатки, бунда ўқувчиларнинг билим, кўникмаларини амалиётда қўллашга еътибор қаратилган.

STEAM таълими билим, кўникма ва малакаларнинг илмий жиҳатдан қандай қилиб кундалик ҳаёт билан боғлиқлигини кўрсатиш орқали синфдаги дарс машгулотлари ва мактабдан ташқари кундалик фаолиятида ўқувчиларнинг ўқув тадқиқотларини ўtkазиши, тажрибаларни бажариб кўриши, лойиҳалаштиришига йўналтирилган ижодкорлигини тарбиялаш, янгиликлар яратишга бўлган қизиқишиларини ривожлантиришига қаратилган.

Бунда ўқувчи ёшларнинг қизишиларини ертароқ аниқлаш ва иқтидорини, ижодкорлигини ривожлантиришига йўналтириши, янгиликларни ҳаётга татбиқ етиши орқали илмий изланувчанлиги ҳамда яратувчанлигини ривожлантириши учун ўқув дастурининг бошида ҳар бир синф ўқувчиларнинг ўқув фаолияти натижаларига қўйиладиган талаблар келтирилган. Мазкур талабларнинг ўқувчилар томонидан бажарилишини таъминлаш ўқитувчининг асосий вазифасидир. Бу ўз ўрнида ўқув йили бошланишида педагогларнинг иши фаолиятини режалаштиришини ва ҳаракат стратегиясини белгилаб беради.

Юқоридагиларни инобатга олиб, мазкур ўқув дастурида ўқувчиларни мантиқий фикрлашини ва амалий кўникмаларини шакллантиришига қаратилган

халқаро баҳолаши дастури (PISA, TIMSS) талабларига мос келадиган топшириқлар билан ишлашига мұлжалланған амалий машгүлөтлар, лаборатория ишлари ва мавзуларда ўқувчилар мустақил бажарыша ва ижодий фикрлашында үндөвчи амалий топшириқлар берилшиши мақсада мувофиқ.

Амалий машгүлөт структурасында машгүлөттегің бажарыш тартиби ва уни ўтказиши учун зарур жиһозлар рүйхаты көлтирилади. Ўқувчи берилген топшириқ бүйіча тәжриба ўтказады ва олинган натижаларига күра холоса ёзади. Амалий машгүлөт намойишили тәжриба характеристига ега бўлиб, унга алоҳида дарс соати ажратиласади.

Лаборатория иши ўтилган ўқув материалы асосида тавсий етилаётган ишининг мақсади, уни бажарыш тартиби ва ўтказиши учун зарур жиһозлар тўпламини ўз ичига олади. Ўқувчи лаборатория ишида ўлчов ишларини бажаради, натижалари асосида жадвални тўлдиради, ҳисоблайди ҳамда хатоликларни аниқлайди ва холоса ёзади. (Илова -1)

Ҳар бир ўқитувчи унинг енг биринчи асосий вазифаси сифатли дарс ўтиб, яхши тарбия бериши еканлигини, дарснинг муқаддаслигини масъулият билан англаши лозим.

Таълим-тарбия тизимининг бугунги кундаги асосий вазифаси ўсиб келаётган ёшларни ватанпарвар, замонавий билим, кўнкіма ва малакаларни ўзлаштирган ҳамда жамиятда ўз муносиб ўрнини егаллашга қодир бўлган — комилликка интиладиган баркамол авлодни вояга йетказишадир.

Бугунги кунда илм-фан, техника ва ишлаб чиқариш соҳаларининг тез суръатларда жадаллик билан ривожланиши барча таълим муассасаларида таълим-тарбия сифатини мазмун жиҳатидан янги босқичга кўтаришни талаб етмоқда. Бу ўз ўрнида ҳар бир тизим ходими, айниқса, ўқитувчилар зинмасига янада юксак масъулият ва вазифаларни юклайди. Негаки, ради қилиб бўлмайдиган бир ҳақиқат бор - қилинган барча саъй-ҳаракатлар охир-оқибат ўқитувчи меҳнати орқали ўз натижасини намоён етади. Шундай екан, педагоглардан вижданан меҳнат қилиши, ёргу келажагимиз олдидағи масъулиятлилик, кўрсатилаётган юксак еътиборга муносиб жавоб бериши талаб етилади. Бу еса фарзандларимизнинг чуқур билим егаллашларида асосий рол ўйнайдиган сифатли дарсда намоён бўлади (Илова -2)

2- Назарий машғулот

2- Мавзу: Физика фани мазмунни, уни ўрганишнинг замонавий технологиялари ва методлари

Режа:

1. Физика фани мазмунининг ўзига хослиги. Мактаб физика курсида таянч тушунчалар ва муносабатлар, таърифлар, масалалар, формуласалар ва қонунлар.
2. Физикани ўқитишининг замонавий таълим технологиялари ва методлари.

Таянч тушунчалар: Педагогик технология, ўқитиш технологияси, тарбия технологияси, идентив ўқув мақсади, интерфаол метод, график органайзерлар.

2.1. Физика фани мазмунининг ўзига хослиги. Мактаб физика курсида таянч тушунчалар ва муносабатлар, таърифлар, масалалар, формулалар ва қонунлар

Бошқа фанлар сингари мактабда физика ўқитиш ҳам таълимнинг умумий мақсадларига хизмат қилиши, яъни ўқувчиларнинг илмий дунёкарашини, мантиқий тафаккур қила олиш қобилиятини, ақлий ривожланишини, ўз-ўзини англаш салоҳиятини шакллантириши ва ўстириши, уларда миллий ва умуминсоний қадриятларни таркиб топтириши ҳамда ижтимоий ҳаётлари ва таълим олишни давом эттиришлари учун зарур бўлган билимлар билан қуроллантириши лозим.

Республикамида таълим тизимини ислоҳ қилиш мақсадида “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ҳамда “Таълим тўғрисида” ги қонун қабул қилинди. Бу қонунларнинг ижросини таъминлаш мақсадида 1998 йил 13 майда Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида”ги 203-сонли қарори қабул қилинди. Бу қарор асосида умумий ўрта таълим мактаб физика курси таълим стандарти ишлаб чиқилди.

Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ўқувчилар умумтаълим тайёргарлиги, савиясига қўйиладиган мажбурий минимал даражани белгилаб берди. Давлат таълим стандартини ишлаб чиқсан ҳолда физика курси мазмуни белгилаб олинди, физикадан умумий ўрта таълим ўқув дастури ишлаб чиқилди.

Дастурга асосан умумий ўрта таълим мактабларини тугатган ўқувчилар физика курсининг барча бўлимларидан, чунончи, механика, молекуляр физика ва термодинамика, электр, оптика, атом ва ядро физикасидан маълум даражада тугалланган билимларга эга бўлишлари зарур эканлиги инобатга олинган.

Янги таълим тизими асосида тузилган физика дастури бўйича физика курси алоҳида ўқув предмети сифатида VI - синфдан бошланади. Мактаб физика таълимнинг биринчи йилида ўқувчиларга физик ҳодисалар ва катталиклар ҳақида умумий маълумотлар берилади. Бунда улар ёруғлик ҳодисалари, товуш ҳодисаси, модда тузилиши, иссиқлик ҳодисалари, ҳаракат ва жисмларнинг ўзаро таъсири, жисмларнинг мувозанати ва иссиқлик машиналари ҳақида маълумот оладилар.

УП-синфда ўқувчилар ўқув йили давомида физиканинг механика курсини ўрганадилар. Дастурда механика курси мазмуни аввалгиларига нисбатан бир мунча қисқартирилган ва соддалаштирилган. Шунга мос ҳолда, механика курсини ўрганишга ажратилган дарс соати ҳам қисқартирилган.

УП-синф механика курси одатий тарзда “Кинематика асослари”, “Динамика асослари”, “Сақланиш қонунлари”, “Суюқлик ва газлар механикаси асослари” ҳамда “Тебраниш ва тўлқинлар” бўлимларини ўз ичига олган.

УШ-синфда бутун ўқув йили давомида физиканинг электр курси ўрганилади. Бунда “Электр заряди, электр майдон” бўлимида заряд ва майдон тушунчаларига катта эътибор берилган. Шунинг учун электростатикани ўрганишга қиёсан кўпроқ вақт ажратилган.

“Ток кучи. Кучланиш. Қаршилик” бўлимидаги мавзулар анъанавий йўллар билан тушунтирилади. Ток кучининг бирлиги бўлган Амперга таъриф берилади. Шу билан бирга электртрга оид ўзлаштириб олинган қоида ва қонуниятлардан фойдаланиб, масалалар ечишга ўргатилади.

IX синфда физиканинг “Молекуляр физика ва термодинамика асослари” ҳамда “Оптика” бўлимидаги мавзулар VI синфда ўтилган “Модда тузилиши”, “Иссиқлик ҳодисалари”, “Иссиқлик машиналари”, “Ёруғлик ҳодисалари” бўлимларида мавзуларидан олинган билимлар асосида ўрганилади. “Атом физикаси асослари” бўлими бўйича бошланғич маълумотлар қуи синфларда ўрганилмаган. Бу мавзулар номига кўра, мураккаб ҳисоблансада, лекин ўқувчилар бу бўлимдаги мавзуларни умумий тарзда сифат жиҳатдан ўрганадилар.

Умумий ўрта таълим мактабларида физика таълимининг аҳамияти унинг фан-техника тараққиётида, ишлаб чиқариш соҳалари ва қундалик ҳаётда тутган ўрни ҳамда ўқувчиларнинг таълим олишни давом эттириши учун замин тайёрлаш зарурлиги билан белгиланади. Физика фанини ўрганиш орқали ўқувчилар табиатнинг энг умумий қонунларини, ҳодисаларни ўрганиб ўзларини илмий дунёқарашини шакллантиради, физикадан амалий кўникумга ва малакаларга эга бўлишади, ўқишини давом эттириш учун зарур бўлган билимларга эга бўлишади.

Физикани ўқув предмети сифатида умумий ўрта таълим мактабларида ўқитилишидан мақсад ўқувчиларга билим бериш, тарбиялаш ва ривожлантиришдан иборатdir. Билим бериш-бу ўқувчилар ва физик қонунлар, ҳодисалар, тушунчалар, оламнинг физик манзараси ҳақида тасаввур ҳосил қилишdir. Физика ўқитиш жараёнida ўқувчиларга миллий истиқлол ғоясини сингдириш, уларда ватанпарварлик, инсонпарварлик, иқтисодий, экологик ва бошқа баркамол инсон учун зарур бўлган тарбияни шакллантиришдан иборатdir. VI - синфгача ўқувчилар табиат қонунлари ва ҳодисалари ҳақида маълум билимга эга бўлишади, физика фанини ўқитишдан мақсад ўқувчиларнинг ушбу билимларини ривожлантиришдан иборатdir.

Физика ўқитишнинг мақсадларида келиб чиқсан ҳолда умумий ўрта таълим мактабларида физика таълимининг асосий вазифалари сифатида қуийдагилар белгиланган:

- ўқувчиларни физик ҳодисалар, тушунчалар, катталиклар, моделлар, қонунлар, ўлчашлар, физиканинг амалдаги татбиқлари, оламнинг физик манзарасига оид билимлар билан таништириш;
- физикадан масалаларни мустақил ишлаш, физик ҳодисаларни кузатиш ва уларни тушунтира билиш, кўникумларини шакллантириш;
- ўқувчиларни фан-техника тараққиёти, физика қонуниятларининг амалда қўлланилиши билан таништириш;

- коинот тузилиши ва ундаги ҳодисалар ҳақидаги билимлар бериш орқали илмий дунёқарашини ривожлантириш;
- буюк мутафаккирларимиз ва ҳозирги даврдаги ватанимиз физик олимларининг фаолиятлари билан таништириш, таълим мазмунини теваракатроф билан бойитиш орқали ўқувчиларни миллий руҳда тарбиялаш;
- таълим мазмунини ижтимоий ҳаёт ва техника тараққиёти билан боғлаш орқали ўқувчиларни онгли равишда касбга йўналтириш, ўрта таълими муассасаларида ўқишини давом эттиришлари учун замин тайёрлаш;
- физикага оид асбоб ва ускуналардан фойдаланиш, содда ўлчов ва тажриба ишларини бажариш, уларнинг натижалари асосида хулосалар чиқариш, ҳавфиззлик қоидаларига риоя қилиш малакаларини шакллантиришдан иборат.

Ҳар бир фандан биринчи дарсни қай даражада ташкил этилиши ва ўтказилиши ўқувчиларнинг шу фанга бўлган қизиқишини уйғотишда муҳим ўрин тутади. Физика курси, янги таълим тизими асосида тузилган ўқув дастури бўйича, алоҳида ўқув предмети сифатида 6-синфдан бошлаб ўрганилади.

Физикадан биринчи дарс “Физика ҳақида” деб номланади ва бу дарсда қуйидаги 4 та масала қаралади: 1) Физика нимани ўрганади? 2) Физик ҳодисалар қандай ўрганилади? 3) Инсон ҳаётида физиканинг аҳамияти? 4) Физиклар ҳақида.

Дарсда “Физика” сўзининг маъноси, келиб чиқиши ҳамда у нимани ўрганиши ҳақида маълумот беришдан бошланади. Физикани ривожланиш тарихи унинг ривожланиши жараёнида янги пайдо бўлган фанлар билан ўқувчилар таништирилади.

Физика табиатнинг барча қисмида, космосда, ер остида, атмосферада тирик организмларда, содир бўладиган ҳодисаларни ўрганади. Шу туфайли физика табиатнинг барча соҳаларидаги энг умумий қонунларни ўрганди, деб гапирилади. Табиатдаги бир қатор ҳодисалар санаб ўтилиб, чунончи, физикани ўрганиш модда тузилиши, жисм ҳаракатининг турлари, чақмоқ ва момоқалдириқ, ёруғликнинг қайтиш ва сингиш қонунлари, алоқа воситаларининг ривожланиши, квант физикасининг яратилиши кабиларни тушуниб олиш учун физикани ўрганиш ўта зарурлиги қайд этилади.

Ҳозир техника ривожланган даврда яшаётганлигимиз, техникани пайдо бўлиши ва ривожланишида физика қонунлари асос бўлганлигига алоҳида урғу берилиши керак. Шундан сўнг, табиатдаги физик ҳодисалар қандай ўрганилишига тўхталиб ўтилади ва уларни ўрганиш босқичлари келтирилади: 1-босқич. Ҳодисани табиатда кузатиш. 2-босқич. Ҳодисани лаборатория шароитида такрорлаш ва уни тажрибалар ўтказиш йўли билан батафсил ўрганиш. 3-босқич. Ҳодисани назарий тушунтириш. 4-босқич. Топилган изохнинг тўғрилигини тажрибада текшириш.

Кейин бирор мисол келтирилиб, бу ҳодисани ўрганишнинг юқоридаги 4 та босқичи кўриб чиқилади. Бу ерда ўқувчиларга таниш бўлган бошқа ҳодисаларни кўриб чиқиш ҳам мумкин. Ўқитувчи ўқувчиларнинг физика фанига бўлган қизиқишини уйғотиш мақсадида жисмларнинг ҳаракатига, Архимед кучининг намоён бўлишига, сувни паст темпертураларда

қайнашига, зарядларнинг ўзаро таъсирига, оқ ёруғликни рангларга ажралишига ва бошқа физик ҳодисаларга доир бир қатор тажрибалар кўрсатиши мақсадга мувофиқдир.

Инсон ҳаётида физиканинг аҳамияти тўғрисида гапирилганда, аввалам бор транспортлар, радио, телевидение, электр энергиясининг пайдо бўлиши ва ривожланишидаги физиканинг ролига алоҳида эътибор қаратилиши керак. физика техниканинг асоси эканлигини таъкидлаб ўтиш ўринли бўлади.

Энди физиклар ҳақида гапирилганда, уларга хос хусусиятлар, иқтидорлик, кузатувчанлик, қизиқувчанлик, меҳнатсеварлик хислатлари ҳақида фикр юритилиши, буюк физик олимларнинг ҳаёти ва ижодидан лавҳалар келтириб ўтиш керак бўлади. Энг аввало Республикаиздаги физик олимларнинг чунончи, Абу Райхон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Улугбек, Абдурахмон Хозий, Ар Розий, П. Хабибуллаев, Р. Бекжонов, У. Фуломов, С. Азимов қилган ишлари, яратган мактаблари, уларга хос хусусиятлар ҳақида ўқувчиларга сўзлаб бериш ўринлидир. Республикаизда физика соҳасида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларига ҳам тўхталиб ўтиш, агар ўқувчилар орасида иқтидорли, физик бўламан, деганлари бўлса, уларга республикаизда жуда катта имкониятлар мавжуд эканлиги айтиб ўтилади.

2.2-Физикани ўқитишининг замонавий таълим технологиялари ваметодлари

Замонавий шароитда яхлит педагогик жараён, унинг алоҳида таркибий қисмлари, педагогик фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқликда методика ва технология тушунчалари кўп қўлланилади. Ҳатто, мазкур тушунчалар моҳиятини тавсифлашда ҳам хилма-хил ёндашувлар мавжуд бўлиб, педагогик соҳада фаолият юритувчи шахслар ўртасида ҳам кўпгина тортишув, баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда. Педагогик адабиётларни таҳлил қилиш, маълумотларни умумлаштириш орқали мазкур тушунчаларнинг аниқ таърифини шакллантириш мумкин.

Умумий маънода “методика” тушунчаси маълум бир ишни бажариш учун зарур бўладиган метод ва усуллар йиғиндисидир. Кўпгина изоҳли луғатларда ҳам “Методика - қатъий кетма-кетликка (алгоритмик характерга), илгари ўрнатилган режа (қоида), тизимга аниқ риоя қилиш бўлиб, бирор бир ишни мақсадга мувофиқ ўтказиш методлари, йўллари мажмуаси”ни ифода этиши кўрсатиб ўтилган .

“Методика” тушунчасига берилган хилма-хил таърифларга таянган ҳолда қуйидаги умумлашмаларга келиш мумкин:

- 1) методика - бу ўқитувчи ишини ташкил этишининг шакл, метод ва воситалари;
- 2) маълум бир фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган метод ва усуллар йиғиндиси;
- 3) билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш жараёнини мақсадга йўналтирилган тарзда ташкил этиш, режали ва тизимли амалга оширишга ёрдам берувчи усуллар йиғиндиси.

“Методика” тушунчаси турли фанларни ўқитиш билан ҳам

боғликлиқда қўлланилиб, маълум соҳани ўқитиш жараёни, мазмуни, қонуниятлари, тамойиллари, шакл, метод ва воситалари йигиндисини ўзида ифода этади. Педагог олим А.М.Столяренконинг фикрича, “Ўкув фанларини ўқитиш методикаси методика маълум бир педагогик вазифаларни ҳал этиш билан боғлиқ метод, методик усуллар, восита ва ташкилий чора -тадбирлар мажмуидир” . Г.М.Коджаспирова, А.Ю.Коджаспировларнинг фикрича, “Ўқитиш методикаси педагогик фаолиятни амалга оширишнинг аниқ усуллари, услублари ва техникасидир”¹.

Ўқитиш методикасига қўйиладиган зарурий талабларга қуидагилар киради: ҳаёт билан уйғунлик; қайта ишлаб чиқишига йўналганлик; аниқлик; режалаштирилган ҳаракат мақсад ва вазифаларига мослик; асосланганлик; натижавийлик.

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб айтганда, ўқитиш методикаси ўзида:

- таълимнинг мақсад ва вазифаларини - таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи, ташкилий;
- таълимнинг қонуният ва тамойилларини;
- таълим мазмунини;
- таълимни ташкил этишининг асосий ва ёрдамчи шаклларини;
- таълимнинг умумий ва хусусий методларини;
- ўқув воситалари;
- ўқитиш натижасини акс эттиради.

Ана шу асосдан келиб чиқсан ҳолда, қуидада ўқитиш методикаси моҳиятини ёритиб берувчи асосий тушунчаларга изоҳ бериб ўтамиз:

- 1) ўргатиш- ўқититт мақсадини амалга ошириш бўйича педагогнинг тартибланган фаолияти;
- 2) ўрганиш- англаш, машқ қилиш, ва эгалланган тажрибалар асосида хулқ-атвор ва фаолиятнинг янги шаклларини эгаллаш жараёни, олдин эгалланганлари ўзгаради;
- 3) ўқитиш- қўйилган мақсадга эришишга йўналтирилган педагог билан ўқувчиларнинг тартибланган ўзаро ҳаракати;
- 4) таълим ўқитиш жараёнида эгалланадиган билим, кўникма, малакалар, фикрлаш усуллари тизими;
- 5) билим- маълум бир фанни назарий ўзлаштиришни акс эттирадиган

¹Ҳасанбоев Ж., Тўракулов Х., Ҳайдаров М., Ҳасанбоева О., Усманов Н. Педагогика фанидан изоҳли лугат. -Т.: “Fan уа 1expo1od^ya”натриёти, 2009. -Б.311; Ожегов С. И., Шведова Н. Ю. Толковый словарь русского языка: 80 000 слов и фразеологических выражений / Российская академия наук. Институт русского языка им. В. В. Виноградова. — 4-е изд., дополненное. — М.: Азбуковник, 1999; Словарь бизнес-терминов. Академик.ру. 2001.

²Столяренко А.М. Психология и педагогика. М.: ЮНИТИ-ДАНА,2008. - С.368.

³Коджаспирова Г.М. и Коджаспиров А.Ю. Словарь по педагогике. - М.: ИКЦ «МарТ», 2005.- С.174.

инсон ғоялари йиғиндиси;

- 6) *кўникма*- эгалланган билимларнинг аниқ хатти-ҳаракатдаги ифодаси, ўзлаштирилган билимларни амалиётга қўллаш усулларини эгаллаш;
- 7) *малака*- автоматлашган, бирор бир учул билан бехато бажариш, кўникманинг такомиллашган даражаси;
- 8) *мақсад*. ўқитишнинг нимага қаратилганлиги, унинг кучлари келгусида қай йўсинда сафарбар этилиши;
- 9) *мазмун-ўқитиш* жаараёнида эгалланиши лозим бўлган илмий билим, амалий кўникма ва малакалар, фаолият, фикрлаш усуллари тизими;
- 10) *ташкил этиши*- қўйилган мақсадни яхши амалга ошириш учун унга зарурий шаклни тақдим этадиган, аниқ мезонлар бўйича тартибланган дидактик жараён;
- 11) *шакл*- ўқув жараёнининг ташқи ифодаси, унинг ички моҳияти, мантиғи, мазмуни учун қобиқ;
- 12) *метод*- ўқитишнинг мақсад ва вазифаларига эришиш (амалга ошириш) йўли;
- 13) *восита*- ўқув жараёнининг предметли қўллаб-куватланиши, янги материални ўзлаштириш жараёнида ўқитувчи ва ўқувчилар томонидан фойдаланиладиган объект;
- 14) *натижса*- ўқув жараёнининг сўнгги маҳсули, белгиланган мақсадларнинг амалга ошганлик даражаси.

Илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланиши жамиятни иқтисодий тараққий эттириш билан бир қаторда ижтимоий муносабатлар мазмунида ҳам туб ўзгаришларнинг рўй беришига замин яратмоқда. Шунингдек, иқтисодий соҳада бўлгани сингари ижтимоий, шу жумладан, таълим соҳасида ҳам технологик ёндашувни татбиқ этишга катта аҳамият қаратилмоқда.

“Технология” юонча сўз бўлиб, “1есЬпе” - маҳорат, санъат ва “1одо8” - тушунча, таълимот, фан маъносини англатади. “Таълим технологияси” иборасининг маъноси - (инглизча “Ap едисайопал 1есЬпо1оду”) таълим жараёнини юксак маҳорат билан санъат даражасида ташкил этиш тўғрисида маълумот берувчи фан, таълимот демакдир. Айни вақтда мазкур тушунчанинг таърифи ҳамда унинг моҳияти борасида ягона ғоя мавжуд эмас. Бу назария моҳиятининг ёритилишига нисбатан турли ёндашувлар мавжуд.

“Педагогик технология - бу таълим шаклларини жадаллаштириш вазифасини кўзлаган ўқитиш ва билимларни ўзлаштиришнинг барча жараёнларини техника ва инсон омилларида ва уларнинг биргаликдаги ҳаракатлари воситасида яратиш, татбиқ этиш ва белгилашнинг изчил методидир” *ЮНЕСКО*).

“Педагогик технология - педагогик мақсадларга эриттитттда. фойдаланиладиган шахсий имкониятлар, жиҳозлар ва методологик воситаларда амалда бўлишнинг тизимли йиғиндиси ва тартибини билдиради” *M.B.Кларин*.

“Педагогик технология - ўзида турли муаллифлар (манбалар)нинг барча таърифлари мазмунини қамраб олган мазмуний умумлашма

ҳисобланади” (Г.К. Селевко).

“Педагогик технология - психологик ва педагогик ўгитлар йифиндиси бўлиб, шакллар, методлар, усуллар, ўқитиш йўллари, тарбиявий воситаларнинг махсус тўпламидир. Айни замонда у педагогик жараённинг ташкилий-методик омилини ҳам билдиради” (Б.Т.Лихачев).

“Педагогик технология - ўкув жараёнини амалга оширишнинг мазмуний техникаси” (В.П.Беспалько).

“Педагогик технология - режалаштирилган ўқитиш натижаларига эришиш жараёни тавсифи” (И.П. Волков).

“Технология - ишловбериш, ҳолатни ўзгартиришсанъати, маҳорати, малакасиваметодларийфидиси” (В.М.Шепель).

“Педагогик технология - ўкув жараёнини технологиялаштириб, унинг қайта тикланувчанлигини ҳамда педагогик жараён барқарорлигини ошириб, бу жараён иштирокчисининг субъектив хусусиятларидан уни озод қиласди”. (В.М.Манахов).

“Педагогик технология - тизимли, технологик ёндашувлар асосида таълим шаклларини қулайлаштириш, натижасини кафолатлаш ва объектив баҳолаш учун инсон салоҳияти ҳамда техник воситаларнинг ўзаро таъсирини инобатга олиб, таълим мақсадларини ойдинлаштириб, ўқитиш ва билим ўзлаштириш жараёнларида қўлланадиган усул ва методлар мажмуудир”. (М.О.Очилов).

“Педагогик технология бу ўқитувчи (тарбиячи) томонидан ўқитиш (тарбия) воситалари ёрдамида ўқувчиларга таъсир кўрсатиш ва бу фаолият маҳсули сифатида уларда олдиндан белгилаб олинган шахс сифатларини шакллантириш жараёни” (Н.Саидахмедов).

“Педагогик технология бу муайян лойиҳа асосида ташкил этиладиган, аниқ мақсадга йўналтирилган ҳамда ушбу мақсаднинг натижаланишини кафолатловчи педагогик фаолият жараёнининг мазмунидир” (Ў.Қ.Толипов).

Юқорида келтириб ўтилган фикрлардан келиб чиқсан ҳолда айтиш мумкинки, педагогик технологиянинг аҳамияти аввал ўзлаштирилган назарий билимлар билан янги ўзлаштириладиган билимлар орасида мустаҳкам боғланишларнинг юзага келиши билан белгиланади. Мазкур жараёнда қўйидаги қоидаларга амал қилиш талаб этилади:

- *тенг қийматли* (эквивалент) амалиёт қоидаси: таълим олувчиларнинг таълим жараёнидаги хатти-ҳаракатлари тест ўтказиш ёки имтиҳон даврида таълим олувчи томонидан ташкил этилиши кутиладиган хатти- ҳаракатларга тўла мос келади;
- *ўхшаши амалиёт қоидаси*: таълим олувчилар содир этилиши кутилаётган хатти-ҳаракатларини ташкил этиш мажбуриятига эга бўлмай, балки моҳиятан шундай бўлган шароитларда машқ қилиш имконига эга бўладилар;
- *натижсаларни аниқлаши қоидаси*: таълим олувчига унинг ҳар бир хатти-ҳаракатининг мазмунини баҳолаш натижалари бўйича маълумот бериш, мазкур шартга аксарият ҳолларда жорий назоратни ташкил қилитт жараёнида риоя этилади;
- *рагбатлантириши қоидаси*: ўқувчининг мақбул хатти-ҳаракатларини

рағбатлантириб бориши, педагогик фаолият жараёнида ўқувчи томонидан содир этилган салбий хатти-харакатлар учун унга танбех берилмайди, балки уларни бартараф этиш истагини юзага келтирувчи амалий кўрсатма берилади. Масалан, “яна бир марта уриниб кўр”, “янада чуқурроқ ўйлаб кўр”, “масалани ҳал этишнинг янада осонроқ йўли бор, уни топишга уриниб кўр” ва ҳакозолар.

Таълим амалиётида “педагогик технология” тушунчаси уч даражада қўлланилади:

Умумпедагогик (макро) даражаси. Мазкур даражага мувофиқ келадиган технологиялар яхлит педагогик жараёнга тегишли бўлиб, таълим тизимининг барча турларида қўллаш имконини беради.

Хусусий-методик (мезо) даражаси. Ушбу даражада ўзида маълум бир ўқув фани, алоҳида таълим оловчилар гурухи, маълум ихтисосликка мансуб педагогларга йўналганликни акс эттиради.

Локал даражаси (микро). Мазкур даражага тегишли технологиялар ўқутарбия жараёнининг алоҳида таркибий қисми, алоҳида шахс сифатларини шакллантириш, маҳсус ўқув кўнишка ва малакаларини таркиб топтиришга хизмат қиласи.

“Методика” ва “технология” тушунчалари таҳлили асосида холоса қилиш мумкинки, мазкур тушунчалар ўзаро алоқадорлик ва умумийликка эга бўлиши билан бирга айрим ўзига хосликлар билан ҳам тавсифланади. Маълумки, сўнгги йилларда таълим-тарбияга технологик ёндашувнинг кенг миқёсда татбиқ этилиши педагогиканинг алоҳида соҳаси ҳисобланган “методика” билан “технология” тушунчаларининг моҳиятини аниқлаштириб олишга алоҳида эҳтиёж сезилмоқда. Чунки, аксарият ҳолларда мазкур тушунчаларнинг моҳиятини аниқ фарқлай олмаслик натижасида уларнинг бирини иккинчисидан устун қўйиш, ёхуд уларнинг ўрнини алмаштирган ҳолда қўлланилиши қўзга ташланмоқда.

Албатта, “методика” ва “технология” тушунчалари моҳиятинини тушунтиришида аниқ чегара қўйши бир оз мураккаб масала. Бироқ уларнинг ўзига хосликларини таҳлил этиши, айрим фарқли жиҳатларни ажратиб кўрсатишига имкон беради.

Методика - бу хусусий дидактика, яъни бирор бир фанни ўқититт назарияси. Ўзаро таъсир этишнинг турли шаклларини ўрганиш асосида бирор фанни ўқитиш ва ўрганиш йўлларини ўқув Фани методикаси ишлаб чиқади ва таълим оловчиларга таъсир этишнинг аниқ тизимини ўқитувчиларга таклиф этади. Бу тизимлар ДТС, ўқув дастури ва дарсликларда очиб берилувчи таълим мазмунид ўз аксини топади ҳамда таълим методлари, шакллари ва воситалари орқали амалга ошади. Ўқув Фани методикаси дидактика Билан мустаҳкам боғланган ва унинг умумий қоидаларига таянади. Тарбия тамойилларига асосланиб эса, методика ўқув Фани мақсади, унинг таълимоловчи шахсини ривожланишидаги аҳамиятини очиб беради.

Дидактика турли таълим муассаларида хилма-хил ўқув фанларини амалга ошириладиган ўқув жараёни-нинг умумий қонуниятларини акс эттиради. Табиийки, ҳар бир ўқув фани ўзига хос хусусиятлари,

қонуниятларига эга, ўзининг алоҳида методлари ва таълимни ташкил этиш шаклларини талаб этади. Мазкур масалалар билан хусусий методика, ёки алоҳида ўқув фанларини ўқитиш методикаси (тарих, математика, педагогика, психология ва бошқалар) шуғулланади.

Таълимни технологиялаштириш - бу ўқитиш жараёнига технологик ёндашиш асосида таълим мақсадларига эришишнинг энг мақбул йўллари ва самарали воситаларни тадқиқ қилувчи ва қонуниятларни очиб берувчи педагогик йўналишдир. Таълимга технологик ёндашиш - бу маълумот ва таълим мазмунини атрофлича таҳлил қилиш йўли билан ўқув-тарбия жараёнининг умумий, хусусий мақсадларини таҳлил қилиш, ўқитувчи ва ўқувчи мақсадларининг учрашган нуқталарида (ўқитиш мақсади, ўқиши мақсади) таълимнинг дидактик мақсадини белгилат асосида таълимни лойиҳалаш ва амалга ошириш йўллари билан мўлжалдаги эталонга эришишдир. Умуман, таълим технологияси ҳақида гап кетганда ўзаро дахлдор қуидаги ҳодисаларни бир-биридан фарқлашга эҳтиёж туғилади: таълимни дидактик лойиҳалаш; лойиҳани амалга ошириш; таълимнинг жорий ва оралиқ натижасига кўра дидактик лойиҳага тузатиш ва ўзгартиришлар киритиш; таълимни такрорлаш ва якуний назоратдан иборат. Бу ҳодисаларнинг биринчи ва иккинчиси анъанавий таълим тажрибасида ҳам учрайди.

Таълим технологиясининг анъанавий таълим тизимидан фарқи шундаки, таълим натижаси ва унинг этalon даражасида бўлиши доимо ўқитувчи ҳамда ўқувчининг диққат марказида туради. Ўқитувчи таълим натижасини тез-тез текшириб, ўқувчиларни ўзлари эришган ютуқлардан огоҳ қилиб туради ва ўқувчилар ўзлари эришган ютуқ ва камчиликларни англаш, ютуқларини янада кўпайтиришга, камчиликларини эса бартараф этишга ҳаракат қиласи. Ўқувчилар таълимнинг зарурийлигини, улар таълим жараёнининг ҳақиқий субъектига айланган пайтида сезишади.

Сўнгги вақтларда “технология” тушунчасини методикадан устун қўйишига. уринишлар юзага келмоқда. Аслида “методика” тушунчаси технологиядан юқори туради. Чунки методика - бу метатехнология. Агар мазкур тушунчани ўқув жараёнига татбиқ этадиган бўлсак, ўқув жараёни, мақсади, вазифалари, мазмуни, шакл, метод ва воситаларини белгилашга доир умумий талаблар мавжуд. Ҳар бир ўқув машғулотини амалга оттириштт маълум белгиланган алгоритмик кетма-кетликка асосланади.

Методика ана шу алгоритмик кетма-кетликнинг умумий ва хусусий қоидаларига асосланишини талаб этади. Ўқитувчи ўқув мақсади билан боғлиқликда машғулотни ўтказиш технологиясини эркин танлаши мумкин. Аникроқ айтганда, ҳар бир машғулотда кутиладиган натижага мос ҳолда ўқув босқичларини алоҳида-алоҳида лойиҳалаш, ҳар бир босқичда қўлланиладиган шакл, метод ва воситаларни танлаб олиш имконияти юзага келади.

Айрим ҳолатда “методика” ва “технология” тушунчасини фарқлашда ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятини асос қилиб кўрсатишга ҳаракат қилинади. Яъни методикада ўқитувчининг дарс жараёнидаги фаолияти ёритиб берилса,

технологияда ўқувчиларнинг ўқув ҳаракатлари ойдинлаштирилади, деган мулоҳаза баён қилинади. Бироқ бундай ёндашувни маъқуллаб бўлмайди. “Методика” ҳам, “технология” ҳам ўқитувчи-ўқувчи фаолиятини яхлитлиқда ташхис этади. Технология методикадан фарқли равишда ҳар бир босқичда ўқитувчи-ўқувчи фаолияти мазмунини алоҳида-алоҳида ойдинлаштиради. Ҳар бир босқичда эришилган натижаларни ташхис этиб, ўз вақтида коррекциялаш имконини беради. Ана шу жиҳат таълимга технологик ёндашувнинг энг асосий характеристерли томонидир.

“Методика” ва “технология” тушунчаларининг баҳс доираси билан ҳам боғлиқлиқда айрим фарқли жиҳатларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Жумладан, методик тизим “Қандай ўқитиши?”, “Нима учун ўқитиши?”, “Нимага ўргатиши?” каби саволларга жавоб излайди, технология эса, “Қандай тарзда самарали ўқитишига эришиш мумкин?” деган саволни марказга қўяди. Методика ўқув жараёнинин қандай тарзда ташкил этиш лозимлигини назарда тутса, технология қай йўсинда ўқув жараёнини энг қулай, мақбул тарзда амалга оширишга диққат-эътиборни қаратади.

Реал таълим амалиётида эътибор қаратиш лозим бўлган яна бир мухим масала “метод” ва “технология” тушунчаларини бир хил мазмунда қўлланилаётганидир. Бу борада фақат амалиётчи-педагогларни айбдор дейиши ҳам ўринли эмас. Сабаби педагогик технологияга доир адабиётларда “метод” тушунчасининг ўрнига “технология” сўзини қўйиб ишлатилиш ҳолати жуда кўп учрайди. Метод - мақсадга эришиш йўли сифатида яхлит таълим жараёнининг алоҳида элементи ҳисобланади.

Агар интерфаол методларни “технология” сўзи билан ифода этаётган мутахассислар уларни қўллаш босқичма-босқич амалга оширилишини назарда тутиб, шундай ёндашувга асосланаётган бўлсалар бундай назарий-методологик асос дидактик нуқтаи назардан мутлақо хато. Чунки, технологик жараён икки - лойиҳалаш ва режалаштириш босқичларидан ташкил топади. Таълим лойиҳаси маълумот мазмунини давлат стандартлари талаблари асосида таҳлил этишдан бошланади.

Таҳлил маълумот мазмуни элементлари (билим, кўникма ва малакалар, ижодий фаолият тажрибаси, муносабатлар) дастурларда қандай берилганлиги, дарсликларда қандай акс эттирилганлигига қаратилади. Кейин таълим мазмуни ўрганилади, у ёки бу мавзуни ўрганишдан қўзда тутилган мақсад, таълимнинг дидактик мақсади, ўқитувчи ва ўқувчилар мақсади, мақсадларни амалга ошириш ва ҳисобга олиш варақалари, бериладиган уй ишлари миқдори, мавзулар бўйича ўтказиладиган тест саволлари, рейтинг назорати босқичлари, этalon даражасида ўзлаштириш шакл, метод ва воситалари олдиндан белгилаб қўйилади. Бу ишларнинг барчаси таълим моделини яратишга олиб келади. Режалаштириш машғулот босқичларини лойиҳалаш, ҳар бир босқичда профессор-ўқитувчи ва ўқувчилар фаолиятини ойдинлаштириш, қадамлар кетма-кетлигини аниqlаштиришни талаб этади. Натижада машғулотнинг технологик харитаси яратилади.

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб айтганда, таълим технологияси ўқитиши методикаси асосида қурилиб, унинг қонуниятлари, тамойиллари,

шакл, метод ва воситаларига асосланган ҳолда, кутиладиган натижаларга асосланган ҳолда ўқитиш жараёнининг ҳар бир босқичини алоҳида-алоҳида лойиҳалаш, лойиҳага мувофиқ ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятини аниқ белгиланган кетма-кетликда амалга оширишнинг самарали техникасидир.

Педагогик технология доирасида юзага келган атамаларни тўғри қўллаш мақсадида қуйида уларнинг аниқ таърифини бериб ўтамиш:

Педагогик технология - бу муайян лойиҳа асосида ташкил этиладиган, аниқ мақсадга йўналтирилган ҳамда ушбу мақсаднинг натижаланишини кафолатловчи педагогик фаолият жараёнининг мазмунидир.

Ўқитиш технологияси - ўқув машғулотининг ҳар бир босқичини алоҳида-алоҳида лойиҳалаш, кутиладиган натижаларни олдиндан аниқлаштириш, ҳар босқичда қўлланиладиган шакл, метод ва воситаларини оқилона танлаб олиш, профессор-ўқитувчи ва ўқувчининг вазифаларини ойдинлаштириш қаратилган алгоритмик кетма-кетлик.

Тарбия технологияси- тарбия натижаларига асосланиб, тарбиянинг мақсад ва вазифаларини ойдинлаштириш, тарбия жараёнининг ҳар бир босқичини алоҳида-алоҳида лойиҳалаш, тарбиянинг шакл, метод ва воситаларини аниқ белгилаб олишга қаратилган тизимли жараён.

Идентив ўқув мақсади- технологик жараённинг асосий компоненти бўлиб, кутиладиган натижага айнан мос келадиган ўқув мақсади.

Интерфаол метод- ўқув жараёнининг таркибий қисми бўлиб, бир вақтнинг ўзида ҳам профессор-ўқитувчи, ҳам ўқувчини фаоллаштиришга йўналтирилган ўқитиш усуллари мажмуи.

График органайзерлар - ўқув жараёнида қўйилган мақсадга эришишда ёрдам берувчи чизма, жадвал, графиклар мажмуи. Агар график органайзерларни ўқитувчи тайёр (тўлдирилган) ҳолда қўлласа восита вазифасини, ўқувчиларнинг машғулот мавзусига доир билимларини мустаҳкамлаш ва фикрлашини ривожлантириш мақсадида ишлатилса, метод вазифасини бажаради.

3- Назарий машғулот

4- Мавзу: Ўқувчиларнинг физика фанидан ўзлаштирган билим, кўникма ва компетенцияларини баҳолаш ва мониторингини юритиши

Режа:

1. Ўқувчиларнинг физика фанидан ўзлаштирган билим, кўникма ва компетенцияларни баҳолашга қўйиладиган талаблар. Баҳолашнинг асосий усуллари ва тамойиллари. Ўқувчининг ўқув фаолиятини баҳолашнинг методлари.

2. Ўқувчиларнинг физика фанидан ўзлаштирган билим ва кўникмаларини ҳамда таянч ва фанга оид компетенцияларини аниқлаш бўйича жорий, оралиқ ва якуний назоратни ташкил қилитт. Физика фанидан ёзма назорат ишларини тузиш ва ўтказиш бўйича методик тавсиялар. Назорат ишларини баҳолаш мезонлари. Назорат иши натижалари таҳлили ва хатолар устида ишлаш дарсларини ташкил қилиш.

3. Ўқувчининг ўқув фаолияти мониторингини олиб бориш мезонлари.

Физика фанидан таълим самарадорлиги ва сифатини баҳолаш бўйича йўриқлар.

Таянч тушунчалар: Педагогик технология, ўқитиш технологияси, тарбия технологияси, идентив ўқув мақсади, интерфаол метод, график органайзерлар.

4.1. Ўқувчиларнинг физика фанидан ўзлаштирган билим, кўникумга ва компетенцияларни баҳолашга қўйиладиган талаблар

Физикадан ўқув машғулотларини ташкил қилишнинг асосий шакли у ёки бу турдаги дарс ҳисобланади. Ҳар бир дарс тугалланган ва бирор-бир мақсадга (янги билимларни бериш, янги тушунчаларни шакллантириш, билимларни амалда қўллаш малакасини ўргатиш, билимларни чуқурлаштириш, мустаҳкамлаш, такрорлаш, назорат қилиш) эга бўлиши керак. Ўқитувчи дарсга тайёргарлик кўраётганда унинг асосий мақсади ва вазифасини белгилайди, уни оптимал ҳал қилиш учун ўқитиш методларини (улар бир машғулотнинг ўзида бир неча бўлиши мумкин) ва ўқув ишини ташкил қилиш шаклларини танлаб олади. Физикани ўқитиш методлари машғулотларни ташкил қилиш шартлари ва дарс тузилиши билан узвий боғлиқ, қатор ҳолларда физикани ўқитиш методлари дарс тузилиши ва шаклини белгилаб беради.

Дарс - ўқув тарбиявий жараёнида асосий қисм сифатида педагогика, психология ва дидактика принципларига мувофиқ қурилади. У ўқитувчи ва ўқувчиларни, турли элементларни ўзида мужассамлаштирган мураккаб ва мувофиқлаштирилган ҳаракатлари мажмуасидир. Дарсларнинг тузилиши ва туркумлари масаласига қатор педагогик тадқиқотлар бағищланган. Уларда дарсни қуришда асос сифатида нима қабул қилинишига: мазмуни, ўқитиш методлари, ўқитиш жараёнининг асосий босқичлари, ўқитиш мақсадларига боғлиқ бўлган турли хил ёндашувлар қараб чиқилган.

Масалан, И.И.Соколов дарсларни уларнинг асосий мазмунига қараб турларга ажратиб беради, яъни:

а) янги ўқув материалини баён қилиш; б) лаборатория иши; в) янги баён қилинган материал бўйича билим ва малакаларни мустаҳкамлаш ва машқ қилиш; г) ўзлаштиришни текшириш; д) курснинг алоҳида қисмларини такрорлаш.

Б.А.Знаменский дарснинг қуйидаги турларини қараб чиқади: а) янги ўқув материални ўрганиш; б) якуний физик практикум; в) физик масалаларни ечиш; г) ўқувчиларни экспурсияга тайёрлаш, экспурсияни якунлаш; д) ўтилган материални такрорлаш ва умумлаштириш; е) ўқувчиларнинг билим ва кўникумларини ҳисобга олиш.

Бу дарсларда олиб бориладиган ўқув ишларининг белгиларига қараб турларга ажратишдир.

Шунингдек, физика дарсининг дидактик мақсадига асосланиб, турларга ажратиш мавжуд, уларни қуйидаги турларга ажратиш мумкин: янги ўқув материалини ўрганиш; билимларни мустаҳкамлаш ва амалий масалаларни шакллантириш; билимларни назорат қилиш ва ҳисобга олиш; билимларни умумлаштириш ва чуқурлаштириш; аралаш дарс.

Бир турдаги дарслар нафақат асосий дидактик мақсади, балки тузилиши бўйича ҳам ўхшаш бўлади.

Шунингдек, дарс тузилиши қуйидаги элементларни ўз ичига олади: а) дарсда янги тушунчаларни шакллантириш; б) олинган билимларни қўллаш; в) уйга вазифа; г) тақрорлаш; д) сўраш ва бошқалар бу тузилиши дарс давомида очиб берилади ва аниқлаштирилади ҳам ўқитувчи фаолиятини, ҳам ўқувчилар томонидан билимларни ўзлаштириш жараёнини ўз ичига олади.

Дарс тузилишида билишликнинг босқичлари акс этади: дастлабки, омиллар, муаммони қўйиш, ғояни илгари суриш, мавхум моделни куриш, тушунчалар, қонунлар ва принциплар тизимини киритиш, натижаларнинг назарий хулосаси ва уларни экспериментал текшириш. Бу нарса ўқувчиларда назарий фикрлашни шакллантириш учун асос бўлиб, хизмат қиласди.

Ҳар бир турдаги дарс тузилишини алоҳида-алоҳида кўриб чиқамиз:

1. Янги ўқув материалини ўрганиш. Бу турдаги дарсни муваффақиятли ўтказиш учун нафақат ўқитувчининг, балки ўқувчиларнинг вазифаларини ҳам аниқлаб олиш керак. шундай қилиб, берилган турдаги, янги материал ўрганиладиган дарснинг дидактик тузилиши қуйидагиларни ўз ичига олади: ўтилганларни тақрорлаш, янги билимларни шакллантириш ва уй вазифаси.

2. Билимларни мустаҳкамлаш, амалий малакаларни шакллантириш дарси. Дарсларнинг дидактик тузилиши: экспериментал малакаларни, масала ечиш малакаларини шакллантириш, шунингдек, китоб билан ишлаш, ўрганилган материални тақрорлашни, эгалланган малакаларни ривожлантириш ҳамда янгиларини шакллантиришни, билим ва малакаларни янги ҳолатларда қўллашни, уй вазифаларини ўз ичига олади.

3. Билимларни умумлаштириш ва чуқурлаштириш дарси. Билимларни умумлаштириш ва чуқурлаштириш билим олиш, материални ўрганиш ва билимларни амалда қўллаш жараёнида юз беради. Дарс умумий маъруза, сұхбат масала ечиш шаклида ёки ўқув иши шаклларининг бирор кўринишидаги мажмуаси шаклида ўтказилиши мумкин. Бу турдаги дарсда ўқитувчи ўқувчиларнинг маълум мавзудаги билимларини бирор тизимга солишга, ўқувчиларга маълум бўлган ва янги ўрганилган билимлар ўртасида боғланиш ўрнатишга интилади.

Умумлаштирувчи дарслар ўқувчиларнинг билиш ва ижодий лаёқатларини, шунингдек, билимларни мустақил тўлдириш малакаларини ривожлантириш, имкониятини беради. Бундай дарсларда умумлаштириш етакчи мантиқий усул ҳисобланади. Бу жараён икки жиҳатдан намоён бўлади: фикрлаш кўнкимларини эгаллаш ва янги материални ўзлаштириш. Умумлаштириш жараёнида ўқувчиларда фикрлаш фаолиятининг муҳим усуслари ривожланади ва демак, уларнинг билиш лаёқати ривожланади.

Ўрганилган бўлимларнинг охирида ўтказиладиган, билимларни умумлаштириш ва чуқурлаштириш дарслари учун икки йўналиш хосдир: билимларни тақрорлаш ва мустаҳкамлаш. Улардан биринчиси - назарий билиш циклига мувоғиқ билишларни системалаштириш, шунингдек, схемадан фойдаланиш. Ўрганиладиган ҳодисалар, қонунлар ва назарияларни солиштириш, таққослаш бу циклига хосдир.

Иккинчи йўналиш - халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўллари асосида билимларни умумлаштириш ва чуқурлаштириш. Бу умумлаштирувчи дарсларда ҳамма табиий фанларга ва техниканинг энг фундаментал соҳаларига таъсир кўрсатувчи физиканинг аҳамияти очиб берилади.

Умумлаштирувчи дарслар ўз хусусиятларига эга эканлигини айтиш лозим. Улар аввало умумлаштириш қандай савияда олиб борилиши билан аниқланади. Одатда, мавзуни ўрганишнинг охирида блимлар қонунлар ва тушунчалар даражасида умумлаштирилади, бунда бир вақтнинг ўзида умумлаштириш ва масала ечиш малакаларини шакллантириш амалга оширилади, бўлимни ўрганишнинг охирида- назариялар даражасида, бутун физика курсини ўрганиш сўнгидаги оламнинг физик манзараси даражасида умумлаштирилади.

Кейинги йилларда таълим тизимини ислоҳ қилиш жараёнида янги педагогик технологиялардан ва ахборот технологияларидан кенг фойдаланилмоқда, бошқа фанлар қатори физикани ўқитишида ҳам ривожланган мамлакатларда синалган, самарали натижалар берган, дарс турлари қўлланмоқда. Бу дарсларнинг муҳим жиҳати шундан иборатки, унда ўқувчиларни кўпроқ мустақил ишлашга, дарсни амалий жиҳатини кучайтиришга асосий эътибор қаратилади. Агар, ўқувчи чуқур назарий билимга эга бўлса-ю, лекин етарли амалий кўникмани эгалламаган бўлса, у ўзининг билимни амалиётда қўллай олмайди ва билимни фойдали мақсадда қўллай олмайди. Шунингдек, ўқувчи мустақил билим олиш кўникмасини эгалламаган бўлса, у ўз билимини чуқурлаштириш, ривожлантириш имкониятига эга бўлмайди. Шу туфайли янги турдаги дарсларни физика ўқитиши жараёнига кириб келиши самарали натижа бериши табиийдир.

Хозирги пайтда фан ва техника шундай тез ривожланиб бормоқдаки, уни ўқув дастурларига киритиб улгуриш жуда қийин. Шу сабабли, ҳар бир физика ўқитувчиси ИНТЕРНЕТ тизими ва бошқа ахборот хоналари орқали фан ва техника янгиликларига тегишли ахборотларни олиб ўқув жараёнида қўллашлари зарур, акс ҳолда ўқувчиларга замон талаби даражасида билим бера олмайди. Ҳар бир ўқитувчи физика ўқитиши жараёнида қўлланилаётган янги педагогик ва ахборот технологиялардан фойдаланиш билан чекланмасдан, ўзи ҳам дарс ўтишнинг самарали усулларини яратиш устида ишлаши ва ижод қилишини давр талаб қилмоқда.

Кейинги пайтларда кўпчилик ўқитувчилар янги материални ўрганиш дарсларида ўқувчилардан сўраш ва баҳолашни асосан дарс бошида эмас, балки дарс давомида ва охирида, ўрганилган материални мустаҳкамлашда амалга оширмоқда. Бунда ўтилганни такрорлаш янги материал учун зарур бўлса, қисқача, жонли сухбат шаклида олиб борилади ва баҳолаш шарт эмас. Дарснинг асосий қисми янги билимларни шакллантириш ва мустаҳкамлашга қаратилади.

Ўқувчиларнинг билимини, малака ва кўникмаларини ҳисобга олиш, назорат қилиш ва баҳолаш жуда катта аҳамиятга эга. Бунда физика ўқитувчисидан аввало ўқувчилар ҳар бир синфда ўқиш натижасида қандай

билим ва кўникмаларни олишлари кераклигини жуда аниқ тасаввур қилиши талаб этилади. Ўқувчиларнинг нафакат билим ва малакаларини, балки умумий ўсиши ҳали баҳоланиши ҳам ҳисобга олиниши лозим.

Асосан ўқувчиларнинг билими икки усулда текширилади, оғзаки ва ёзма. Оғзаки сўраш қуидаги шаклда ўтказилади: якка ва умумий (ёппасига) сўраш, синов. Ёзма усул назорат, реферат ва ҳ.к. шаклларда амалга оширилади. Ўқувчиларнинг малака ва кўникмаларини эса экспериментал ва график масалаларни ечиш, назорат ва лаборатория ишлари ёрдамида текширилади. Қисқа вақтли ёки бир соатли назорат ишлари ўтказилади.

Билим, малака ва кўникмаларни текширишнинг янги усулларидан, яъни тест сўровларидан фойдаланилади.

Якка сўрашда жавобнинг мустақиллигига, тўғрилигига, тўлиқлик, мантиқий ва адабий саводхонлигига алоҳида эътибор берилади; мустақил ва назорат ёзма ишларини баҳолашда ўқувчилар йўл қўйган хато ва камчиликларнинг хусусияти ҳисобга олинади, шунга асосан қўпол ва унча қўпол бўлмаган хато ва камчиликларга ажратилади.

4.2. Ўқувчиларнинг физика фанидан ўзлаштирган билим ва кўникмаларини ҳамда таянч ва фанга оид компетенцияларини аниқлаш бўйича жорий, оралиқ ва якуний назоратни ташкил қилиш.

5 - 9-синф ўқувчиларининг билимлари сифатини назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низом Ўзбекистон Республикасининг [«Таълимтўғрисида»](#)ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 225-модда) ва [«Кадрлар тайёрлаш миллийдастури тўғрисида»](#)ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 11-12-сон, 295-модда) қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги 203-сон «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги [қарорига](#) мувофиқ умумий ўрта таълим мактабларида 5 — 9-синф ўқувчиларнинг билимларини баҳолаш ва уларнинг рейтингини аниқлаш тизимини белгилайди.

Умумий қоидалар: 1. Умумий ўрта таълим мактабларида 5 — 9-синф ўқувчиларининг (кейинги ўринларда ўқувчилар деб юритилади) билимлари сифатини назорат қилишнинг рейтинг тизими (кейинги ўринларда рейтинг тизими деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 августдаги 390-сон қарори билан тасдиқланган Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим [стандартининг](#) (кейинги ўринларда Давлат таълим стандарти деб юритилади) таркибий қисми ҳисобланади.

2. Рейтинг тизими барча умумий ўрта таълим мактабларида жорий этилади ва мазкур Низом асосида амалга оширилади.

3. Ўқувчиларнинг билимини баҳолаш қуидан юқорига қараб ижобий баҳолаш мезони асосида амалга оширилади.

Рейтинг тизимининг мақсад ва вазифалари: 1. Рейтинг тизимининг мақсади Давлат таълим стандартида белгиланган талабларни бажарилишида ўқувчиларнинг билимлари, кўникма ва малакаларини холисона баҳолаш, уларнинг билим олишга бўлган қизиқишлигини рафбатлантириш ва рейтингини аниқлашдан иборат.

2. Рейтинг тизимининг вазифалари қўйидагилардан иборат: а) ўқувчиларда Давлат таълим стандартларига мувофиқ тегишли билим, кўникма ва малакаларини шаклланганлиги даражасини назорат қилиш; б) ўқув фанлари бўйича ўқувчиларнинг доимий равища дарсларга тайёргарлик билан келишини таъминлаш; в) ўқувчиларнинг билимлари, кўникма ва малакаларини баҳолашда ҳаққонийлик, ишончлилик ва қулай шаклда баҳолаш принципларига риоя этилишини таъминлаш; г) ўқувчиларда билим, кўникма ва малака савиясини шаклланиш суръатини мунтазам равища таҳлил қилиб бориш; д) ўқувчиларнинг билимлари, кўникма ва малакалари даражаларини таққослаш ва таълим жараёнида ўзаро мусобақа мухитини яратиш; е) ўқувчиларни таълимнинг кейинги босқичига тайёрлаш, касб танлашга йўллаш ишларини мукаммаллаштириш; ж) ўқувчилар билимлари, кўникма ва малакаларини шаклланишида юзага келиши мумкин бўлган бўшлиқларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва босқичма-босқич бартараф этилишини амалга ошириш; з) ўқувчининг тўлақонли билим олиши учун унга энг мақбул педагогик, дидактик, психологик шароитни яратиш; и) ўқувчиларда билим, кўникма ва малаканинг мустаҳкамлаб борилишини таъминлаш ҳамда уларни кўллаб-қувватлаш, руҳлантириш ва илҳомлантириш.

Рейтинг тизимининг назорат турлари ва уларни амалга ошириш: Ўқувчиларнинг билим савияси ва ўзлаштириш даражасининг Давлат таълим стандартларига мувофиқлигини таъминлаш учун қўйидаги назорат турларини ўtkазиш назарда тутилади:

жорий назорат — сўровлар, коллоквиумлар, семинарлар, контроль ишлар, тестлар тарзида ўқувчиларнинг билимлари, кўникма ва малакалари мунтазам назорат қилинади;

оралиқ назорат — чорак тамом бўлганда ва ўқув дастурининг тегишли бўлими тугаллангандан кейин ўқувчиларнинг билимлари, кўникма ва малакаларини баҳолаш учун амалга оширилади. У имтиҳонлар, тестлар, синовлар ва малакага доир ишлар шаклида ўтказилади. Ушбу назоратда фойдаланиладиган материаллар ўқув фани ўқитувчиси томонидан тайёрланади.

Оралиқ назоратда назорат ишларининг миқдори ва мавзулари ўқув дастурига асосланган мавзуй режада белгиланади ҳамда муддати ва шакли кўрсатилади;

босқичли назорат — ўқув йили тамом бўлгандан кейин имтиҳонлар, тест синовлари, синовлар шаклида амалга оширилади. Унинг асосида рейтинг аниқланади ва ўқувчини навбатдаги синфга ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Босқичли назорат материаллари намуналари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Республика таълим маркази томонидан тайёрланади. Назорат ишлари материаллари намуналарига ижодий ёндашган ҳолда ўқув фани ўқитувчилари босқичли назорат материалларига ўзгартиришлар киритиши ва уларни услубий бирлашмалар муҳокамасидан ўтказиб, жорий этишлари мумкин;

якуний назорат — ўқиши тугаллангандан кейин давлат аттестацияси шаклида ўтказилади.

Ўқувчиларнинг билим савиясини баҳолаш ва якуний рейтинг кўрсаткичларини аниқлаш: 1. Рейтинг тизимида ўқувчининг ҳар бир фан бўйича ўзлаштириш даражаси баллар орқали ифодаланади. 2. Ҳар бир назорат тури қандай шаклда ўтказилишидан қатъи назар, беш (5) баллик («5», «4», «3», «2», «1») усулда бутун сонлар ёрдамида баҳоланади.

Ўқувчиларнинг ҳар бир назорат тури бўйича билимини баҳолаш ва рейтинг кўрсаткичини аниқлаш уларнинг ўқув фани мавзуси бўйича тасавурга эга бўлиши, мавзунинг моҳиятини тушуниб етиши ва айтиб бера олиши, олган билимларини амалда қўллай олиши, мустақил мушоҳада юрита олиши, ижодий фикрлай олиши ва хулоса қабул қила олиши, масалалар ҳамда мустақил ишларни бажариши каби мезонларга қараб амалга оширилади.

3. Ҳафтасига 1 соатдан ортиқ ўқитиладиган ўқув фанлари бўйича:

чорак давомида жорий ва оралиқ назоратларда олинган баллар асосида чораклик баҳо; чораклик баҳолар ва босқичли назоратда олинган балл асосида йиллик баҳо аниқланади. Босқичли назорат ўтказилмайдиган ўқув фанлари бўйича йиллик баҳолар чораклик баҳоларга қараб белгиланади.

4. Ҳафтасига 0,5 ва 1 соат ўқитиладиган ўқув фанлари бўйича: ярим йил давомида жорий ва оралиқ назоратларда олинган баллар асосида ярим йиллик баҳо; ярим йиллик баҳолар ва босқичли назоратда олинган балл асосида йиллик баҳо аниқланади. Босқичли назорат ўтказилмайдиган ўқув фанлари бўйича йиллик баҳолар ярим йиллик баҳоларга қараб белгиланади.

5. Умумий ўрта таълим муассасалари битирувчилари учун чораклик (ярим йиллик) баҳолар асосида йиллик баҳо, шунингдек якуний назоратда олинган балл ва йиллик баҳо асосида якуний баҳо аниқланади. Якуний давлат аттестацияси белгиланмаган ўқув фанлари бўйича йиллик баҳо якуний баҳо ҳисобланади. Якуний баҳолар битирувчига бериладиган умумий ўрта таълим

тўғрисидаги шаҳодатномага қайд этилади.

6. Баҳолаш ўқувчини синфдан-синфга ўтказиш учун асос бўлади. Ўқувчини кейинги синфга ўтказиш ижобий баҳо олган тақдирда амалга оширилади. Мактаб педагогика кенгаши қарори билан ўқувчилар қониқарсиз баҳолар билан синфдан-синфга ўтказилиши мумкин.

7. Ўқувчи унинг ота-онаси ёки улар ўрнини босувчи шахслар йиллик баҳодан норози бўлса, унга мактаб педагогика кенгаши томонидан тузиладиган тегишли фан комиссиясига (ота-оналар ёки улар ўрнини босувчи шахслар иштирокида, агар улар шуни хоҳласалар) имтиҳон топшириш имкони берилади. Қайта имтиҳон топширишга барча кўчириш синфларида (битирув синфлари бундан мустасно) фақат жорий ўқув йилида ўқитилган фанлар бўйича рухсат берилади.

8. Ўқитувчилар ва ўқувчилар ўртасидаги баҳолашга оид баҳсли вазиятлар Мактаб педагогика кенгаши аъзоларидан иборат таркибда баҳсли масалалар комиссияси томонидан ҳал этилади.

9. Ўқувчиларнинг ўқув йили давомида назорат турлари бўйича олган баллари ҳамда йиллик (якуний) баҳолари асосида ҳар бир ўқув фанидан йиллик рейтинг кўрсаткичи аниқланади: Бунда ўқувчининг йиллик (якуний) баҳоси: «5» бўлганда — 86, 90, 95 ва 100 рейтинг кўрсаткич балларидан бири; «4» бўлганда — 71, 75, 80 ва 85 рейтинг кўрсаткич балларидан бири; «3» бўлганда — 56, 60, 65 ва 70 рейтинг кўрсаткич балларидан бири қўйилади. Йиллик рейтинг кўрсаткич баллари юқорида қайд этилган баллардан иборат бўлиб, уни белгилашда бошқа рақамлардан фойдаланилмайди, минимал 55 балл бундан мустасно. Агар ўқитувчи ўқувчининг йиллик рейтинг кўрсаткич балини 56 баллдан камлигини эътироф этса, у ҳолда ўқувчининг йиллик рейтинг бали минимал 55 балл этиб белгиланади.

10. Ўқувчининг йиллик рейтинг кўрсаткич балларини аниқлаш усули ўқув фани хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда ўқитувчи томонидан белгиланади.

11 . Ўқувчиларнинг назорат турлари бўйича олган баллари ҳамда чораклик (ярим йиллик) ва йиллик (якуний) баҳолари, шунингдек, йиллик рейтинг кўрсаткич баллари синф журналига қайд этилади.

12. Ўқувчининг чораклик (ярим йиллик), йиллик (якуний) баҳолари ва йиллик рейтинг кўрсаткич баллари унинг табелида қайд этилади.

4.3. Ўқувчининг ўқув фаолияти мониторингини олиб бориш мезонлари.

Физика фанидан таълим самарадорлиги ва сифатини баҳолаш бўйича йўриқлар

Ўқувчиларга бериладиган тарқатма материаллар

1-Тарқатма материал: Педагогик мониторинг тушунчаси, мониторингнинг йўналиш ва обьектлари, мониторингни амалга ошириш механизmlари бўйича

Педагогик мониторинг - бу материалларни йиғиш, ишлов беріш педагогик интерпретация қилиш ва педагогик тизимнинг фаолияти түғрисидаги маълумотларни сақлаш, уларнинг ҳолатини узлуксиз кузатилишини таъминлаш, замонавий корректировка қилиш ва ривожланишини прогноз қилишдир.

Умумий ўрта таълим мактабда мониторинг тадқиқоти қуидаги вазифаларни тадқиқот қилишни үзига жамлаган:

- мониторинг объектлари йұналишини танлаш;
- физика йұналиш бүйича диагностик база яратиш;
- натижаларни умумлаштирилган ҳолда таҳлил қилиш ва бошқарув карори қабул қилиш.

А.С.Белкин педагогик мониторинг қуидаги турларга бўлинишини таъкидлаган.

Дидактик мониторинг - ўқитиши натижаларини кузатиб бориш.

Тарбиявий мониторинг - тарбия жараёнининг ҳар хил томонларини кузатиши, бунда ўқув жараёни қатнашчиларининг муносабатларнинг алоқа тизимини, ўзаро тъаъсиrlари характеристини инобатга олиш.

Бошқарув мониторинги - тизимнинг ҳар хил даражадаги бошқарувида муносабатларнинг ўзаро тъаъсирини кузатиши: ра\бар-педагоглар жамоаси; раҳбар-ўқувчилар жамоаси; раҳбар- ота-оналар жамоаси; раҳбар-таълим

муассасасидаги ташқи мухит; педагог-педагог; педагог-ўқувчи; педагог-оила

Ижтимоий-психологик мониторинг - шахсий, коллектив-гурух муносабатлар тизимини кузатиши, коллектив, гурухда психологик мухит характеристини урганиш.

В.И.Андреев педагогик мониторингни қуидаги принциплар бўйича ажратган: концептуал принцип; тизимлийк принципи; бинарлик принципи; масалали принцип; бошқарув принципи; ахборотга эга бўлиш принципи; ривожланиш (динамик) принципи; прогнозлаш принципи.

Таълим муассасасида мониторинг ўтказищдан мақсад, таълимнинг ҳолати бўйича аниқ маълумотга эга бўлиш, фаолиятнинг натижаларини аналитик умумлаштириш, прогноз қилиш ривожланишини таъминлашдан иборат.

Мониторингнинг вазифалари:

- таълим тизимиға қараб саволлар турларини танлаш технологияси ва маълумотларни йиғиш методикасини яратиш:
 - ахборотларни йиғиш;
 - ахборотларни бирламчи таҳлил қилиш;
 - ахборотлар массивини классификация қилиш;
 - ахборот банкини яратиш;
 - маълумотларни умумлаштириш, классификация қилиш ва бирламчи таҳлил қилиш учун компьютер асосини яратиш;
 - ахборотларга ишлов беріш, корректировка қилиш ва базага киритиш;
 - таълим муассасасида таълим тизимини асосий ривожлантириш тенденцияларини аниқлаш;
 - таълим муассасасида таълим тизимини мониторинг қилиш

технологиясини такомиллаштириш, докладлар, аналитик маълумотлар яратишни прогноз қилиш;

- таълим муассасасида таълим тизимини стандартлаштириш бўйича мезон ва асосларни яратиш;

- таълим муассасасининг педагогик ва ташкилий-бошқарув фаолиятида эришилган энг катта типик ютуқларни ажратиб кўрсатиш;

- ўқитишнинг илгор педагогик тажрибаларини оммалаштириш соҳалари ва уни ташкилий-бошқарув таъминотини аниқлаш.

2. Мониторинг ўтказиш мақсади ва вазифалари

Мониторинг ўтказишнинг асосий мақсади ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида кадрлар тайёрлаш сифатини мунтазам кузатиб бориш орқали битирувчиларнинг умумтаълим фанлари бўйича таълим тайёргарлиги даражаси ва сифатига оид холис маълумотлар тўплаш, уларни таҳлил қилиш ҳамда улар асосида хулосалар тайёрлаб, кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш ва таълим муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш ва ривожлантириш бўйича қарорлар қабул қилиши учун Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими марказини ахборот билан таъминлаш.

Мониторинг ўтказишнинг асосий вазифалари:

ўрта маҳсус, касб-хунар таълими Давлат таълим стандартлари талаблари асосида битирувчиларнинг ўкув режадаги умумтаълим фанларини ўзлаштириш даражаси ва сифати тўғрисида маълумотлар олиш, уларни таҳлил қилиш;

битирувчиларнинг умумтаълим фанлари бўйича таълим тайёргарлиги даражаси ва сифатига таъсир этувчи омилларни ўрганиш;

битирувчиларнинг умумтаълим фанлари бўйича таълим тайёргарлиги даражаси ва сифати қўрсаткичлари орқали таълим бериш ҳолатини ўрганиш, тайёрланаётган кадрлар сифати бўйича хулосалар тайёрлаш.

3. Мониторинг ўтказиш тартиби

Мониторинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган умумий ўрта таълим муассасаларида ўтказилади.

Мониторинг ўтказиш жараёни учун назорат турлари (тест синовлари, ёзма иш ва бошқалар) ДТМ томонидан белгиланади ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармаларига мониторинг бошланишидан икки ҳафта олдин маълум қилинади.

Мониторинг ўтказиш жараёнига гурух раҳбари — ДТМ ходими раҳбарлик қиласи. ДТМнинг вилоятлар бўйича вакиллари, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармалари вакиллари мониторинг ўтказища бевосита иштирок этади.

Мониторинг жараёнига мониторинг гурухи раҳбарининг таклифига биноан ДТМ томонидан белгиланган ва вазирликлар билан келишилган жамоатчи эксперталар ҳам жалб этилиши мумкин.

Мониторинг ўтказиш учун умумий ўрта таълим муассасаларининг ҳудудий жойлашуви, таълим тили ва тайёрлов йўналишлари хусусиятлари эътиборга олинади.

Мониторинг ўтказиш учун умумий ўрта таълим муассасалари Тошкент

шахри туманлари кесимидаихтиёрий танланади ва мониторинг натижалари таҳлили асосида битиравчиларнинг таълим тайёргарлиги даражаси ва сифати ҳақида хулоса чиқарилади.

Мониторинг ўтказиладиган туманлар ва таълим муассасалари тегишли умумий ўрта таълим худудий бошқармаларида қуръа ташлаш йўли билан танлаб олинади.

Танланган умумий ўрта таълим мониторинг ўтказиш учун бир хил синифлар танланади.

Мониторинг ўтказиш жараёнида умумий ўрта таълим бўйича битиравчиларнинг олган баҳолари ва таълим муассасаси тўғрисида маълумотлар аввалдан ДТМда тайёрланган жадваллар асосида олинади.

Мониторинг гуруҳи томонидан таълим муассасасида ўзлаштириш кўрсаткичи ўртacha бўлган 1 та битиравчи гуруҳ танланади.

Мониторинг жараёни бошлангунга қадар таълим муассасаси раҳбари умумий ўрта таълими маркази вакиллари билан биргаликда мониторинг ўтказиладиган жойни, аудиториялар ва улардаги ўринлар сонини аниқлади, мониторинг ўтказиш учун етарли шарт-шароитларни яратади. Ўқувчилар барча фанлардан тест синовлари ва ёзма ишларни бажаришлари учун худудий умумий ўрта таълими бошқармаси ёки таълим муассасаси муҳри туширилган қоралама қоғозлар ва дафтарлар билан таъминланадилар.

ДТМда тайёрланган жадваллар (шакллар) таълим муассасасининг ўқув ишлари бўйича директор ўринbosарига тўлдириш учун топширилади.

Битиравчилар тест синовлари ёки ёзма ишни бошлашдан олдин, ДТМда тайёрланган сўров-анкеталарини тўлдирадилар (сўровлар ўтказиш муддати 10—15 минут);

Танланган гуруҳ битиравчиларидан ўқув режадаги умумтаълим фанларининг учтасидан Давлат тест маркази Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази билан келишган ҳолда назорат иши (тест ёки ёзма иш) ўтказади.

Ёзма иш ўтказиш учун: аудитория раҳбари бошчилигига ёзма иш варианtlари ўқувчилар ёрдамида танланади ва тарқатилади ҳамда уларга тушунтиришлар берилади (3 минут); доскага ёзма ишнинг бошланиш ва тугаш вақти ёзилади; барча фанлар бўйича ёзма ишлар учун ўқувчиларга 1 астрономик соат берилади (ҳар бир фан учун 40 минутдан); ёзма иш топшириклари бажарилгандан сўнг, ўқувчиларнинг ишлари аудитория раҳбари томонидан ҳар бир фан бўйича алоҳида-алоҳида йиғиб олинади ва барча битиравчилар гувоҳлигига алоҳида конвертга солинади ва муҳрланади; ёзма иш натижалари ўрта маҳсус, умумий ўрта таълим тизимида жорий этилган баҳолаш мезонлари асосида баҳоланади.

Тест синовларини ўтказиш учун:

муҳрланган қутилар аудитория раҳбари томонидан икки ўқувчи иштирокида очилади ва ўқувчиларга саволлар китоби, жавоблар варафи тарқатилади;

аудитория раҳбари томонидан тест синовларини бажариш, жавоблар варафини тўлдириш бўйича тушунтириш ишлари олиб борилади (5 минут);

тест синовлари белгиланган соатда бошланади. Доскага тест синовларининг бошланиш ва тугаш вақти ёзилади;

физика фанларининг 1 та саволига 2 минут жавоблар варағини тұлдирисінде учун 30 минут құшимча вақт ажратилади. Тест синовларига ажратылған вақт тугаётгандығы түркесінде аудитория раҳбари үқувчиларни огохлантириб туради;

тест синовига берилған вақт тугагандан сүнг, саволлар китоби, жавоблар варағи аудитория раҳбари, кузатувчилар ва барча битирувчилар гулоғлигінде саналади, махсус конвертларга солинади ва муҳланади.

Тест натижалари түғри жавоблар самарадорлығы бүйича баҳоланади.

Назорат ишлари жараёнида битирувчиларнинг ўзаро гаплашиши, саволлар китоби ёки жавоблар варағини алмаштиришлари, ёрдамчи воситалардан фойдаланишлари тақиқланади.

Ёзма иш ва тест синовлари ўтаётгандың хонага битирувчилар томонидан қоғоз, китоб, луғат ва уяли телефонлар олиб кириш ман этилади. Назорат ишлари бошланғандан кейин аудиторияға ҳеч ким киритилмайды.

Тартибни бузған битирувчиларга нисбатан далолатнома тузилиб, аудиториядан четлаштирилади ва натижаларни ҳисоблашда инобатта олинади.

Аудитория раҳбари ва кузатувчилари тест синовлари ва ёзма ишлар бажарылыш жараёнида үқувчилар олдига бориши ва саволларига жавоб беришлари тақиқланади. Битирувчилар ёзма иш ёки тест синовларини бажараётгандың вақтда танланған гурӯхларнинг фан үқитувчилари ҳам бу жараёнда иштирок этадилар, улар алоҳида хонада үқитувчилар учун мүлжалланған сұров-анкеталарини тұлдирадилар.

4.

Маълумотлар таҳлили

Таълим муассасаларидан олинған маълумотлар ДТМда таҳлил қилинади. Ёзма ишлар, таълим муассасаларидан жалб этилған экспертың үқитувчилари томонидан ДТМ ходими кузатуви остида Давлат тест марказыда текширилади ва натижалари таҳлил қилинади.

Ёзма ишлар фанлар бүйича алоҳида текширилади ва баҳоланади. Ёзма иш натижалари қайдномага күчирилади. Мониторинг жараёнида олинған маълумотлар, сұровнома натижалари асосида битирувчиларнинг умумтаълим фанлари бүйича таълим тайёргарлығы даражаси ва сифати күрсатқичлари (фан қисмлари, таълим тури ва республика бүйича) статистик усуллар ёрдамида аникланади ҳамда уларға таъсир этувчи омиллар үрганилади.

Маълумотларнинг таҳлили асосида Республика умумий ўрта таълим муассасаларыда битирувчиларнинг умумий шрта таълим фанлари бүйича таълим тайёргарлығы даражаси ва сифати түркесінде таҳлилий маълумотнома тайёрланади.

Саволлар:

1. Мониторинг ўтказылған объектлар қандай танланади?
2. Умумий ўрта таълим муассасаларыда ўтказылған мониторинг ва уни натижалари бүйича фикрингиз?
3. Умумий ўрта таълим муассасаларыда мониторинг ўтказылған бүйича

таклифларингиз?

4-Назарий машғулот

6- Мавзу: Физикадан лаборатория ишлари ва намойиш тажрибаларини замонавий жиҳоз ва воситалар ёрдамида ташкил қилиш Режа:

1. Физика ўқитишида лаборатория ишларининг ўрни ва роли. Лаборатория жиҳозлари ва улар билан ишлаш.
2. Мактаб дарсликларида берилган лаборатория ишларини бажаришдаги муаммолар. Виртуал лаборатория ишлари.
3. Намойишли тажрибалар ва унга қўйиладиган дидактик талаблар.

Таянч тушунчалар: Эксперимент, намойиш тажрибалари, Лаборатория иши, виртуал лаборатория иши, хатоликлар, тажриба натижалари таҳлили.

6.1.Физика ўқитишида лаборатория ишларининг ўрни ва роли.

Лаборатория жиҳозлари ва улар билан ишлаш.

Ўқитиши жараёнида фундаментал аҳамиятга эга бўлган фанларнинг ўқитилишига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бундай фундаментал фанлардан бири физика курсидир. Физика курси ўқувчиларни фаннинг турли соҳалари бўйича назарий тайёрлаш асосларини таъминлаш билан бирга уларни ҳозирги ахборотлар оқими барқ уриб ўсаётган даврда ишлашга ҳам тайёрлайди. Бундан келиб чиқиб, физикадан доимий такомиллаштириб туриладиган барча ўқув машғулотларини (маъруза, лаборатория ишлари, масалалар ечиш) ўтказиш методикасига юқори талаблар қўйилади. Айниқса бу, илмий-техник тараққиёт билан боғлиқ равища жиҳозлари ўзгариб турадиган лаборатория ишлари мазмунига тегишлидир.

Лаборатория ишларини бажариш ўқувчиларнинг қуйидаги назарий-экспериментал маълумотларни эгаллашларини назарда тутади: физик ҳодисаларнинг асослари ва уларнинг қонуниятлари билан таништиради, замонавий физик ўлчаш асбоблари билан ишлаш кўникма ва малакаларини ҳосил қиласди, физик ўлчаш методлари ва эксперимент натижаларини қайта ишлаш усуслари билан таништиради. Бундан ташқари, физика таълим мининг маъруза ва бошқа шакллари билан чамбарчас боғлиқ равища умумлаштириш, мустаҳкамлаш, ривожлантириш ва назариянинг асосий ҳолатларини чукур ўзлаштиришни таъминлаш вазифаларини бажаради.

Физикадан лаборатория машғулотлари бир қатор ўқув-тарбиявий масалаларни ҳал қиласди:

- ўқувчиларни билиш методологияси билан амалий ва назарий таништиради (назария ва экспериментнинг бирлиги, ўлчаш назарияси, абсолют ва нисбий хатоликларни хисоблаш ва бошқ.);
- экспериментни режалаштириш ва уни ўтказишни ўргатади,

ўқувчиларнинг тадқиқий қўникмаларини ривожлантиради;

- физика курсининг катта бўлимлари бўйича ўқувчининг билимларини умумлаштиради ва системага солади;
- ўқувчиларнинг физика лабораториясидаги фаолиятини максимал индивидуаллаштиради, мустақил ишлаш қўникмаларини шакллантиради;
- ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиради (конструкторлаш, техник қурилмаларни йиғиш, уларнинг ишлаш тамойилини ўрганиш, асбобларни даражалаш ва б.).

Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларига умумтаълим физикаси Давлат таълим стандарти (ДТС) га мос келувчи минимал билим, қўникма ва малакаларни эгаллашларига эришиш учун ўқувчиларни уларнинг қобилиятларида яраша қўйи босқич таълим тизимидағи ДТС га мос равища изчил давом эттирадиган билим, қўникма ва малакаларни эгаллашларига имконият яратиш талаб этилади. Ўқув жараёнини такомиллаштириш, нафакат ўқувчилар кўз ўнгидаги, ўқитувчилар фойдаланадиган тадқиқот методларининг моҳиятини очиб бериш, балки улар онгидаги ўзлари эгаллаган назарий ва амалий билимларни бошқаларга, яъни ўқувчиларга тушунтириш ва ўргата олиш малакаларини тарбияловчи методларни ўзлаштиришларини ҳам назарда тутади.

Педагогика олий таълим муассасалари физика-математика факультетининг битиравчилари, физикадан экспериментни ўтказа олиш қўникмаларини эгаллашлари албатта зарур. Умумий ўрта таълим мактабларида ҳар бир ўқитувчи, ўқувчиларга фақат фан асосларини ўргатиш билангина чегараланиб қолмасдан, уларнинг политехник савияларини кучайтириши, олган билимларини турмушга татбиқ қила билиш ва уларнинг амалий фаолиятлари учун кенг шароит яратиб беришлари лозим. Ўқитиши политехникалаштиришда физика фани муҳим ўрин эгаллайди. Физика курсининг «Электродинамика» бўлими, хусусан электр токи мавзуи бу соҳада муҳим ўрин тутади, чунки турмушда ва техникада электр асбоблардан кенг фойдаланилмоқда.

Ўқувчилар физика курсининг ҳар бир мавзусига оид асосий қонун-қоидалар ҳақида талаб даражасидаги билимларга эга бўлиши учун, ўқитувчи дарс материалларини оғзаки баён этиш билан бир қаторда шу мавзуга доир тажрибаларни ўтказиши, ўрганилаётган ҳодисани улар кўз олдиларига келтиришларида ва бу борада тафаккур фаолиятини ривожлантиришга эришишлари зарур.

Лаборатория ишларининг ҳар бири ўзига хос характерга эга бўлиб, маълум бир мақсадни кўзда тутади. Шунинг учун лаборатория ишлари

ўтилган ёки янги баён этиладиган мавзуга доир физик ҳодиса ва жараёнларнинг моҳиятини аниқ англаб олишга имкон бериши ҳамда назарий билимларни амалда тасдиқлаши лозим. Физика курсида шундай мавзулар ҳам борки, уларга доир тажрибалар ўтказишда якка асбоб эмас, балки бир қанча асбоб ва деталлардан ташкил топган қурилмалардан фойдаланишга тўғри келади. «Электродинамика» бўлимiga тегишли кўпгина мавзулар (айниқса, электр токи) бўйича ўтказиладиган тажрибаларнинг деярли ҳаммаси ана шулар жумласидандир.

Лаборатория ишларини бажаришнинг фойдали эканлиги бир қатор тадқиқотларда ўз тасдини топган. Унда лаборатория ишларини бажариш, ўқувчиларнинг индивидуал мойиллиги, қизиқишиларини ҳисобга олиш ва уларнинг ижодий қобилиятларининг ривожланиши учун катта имконият яратади.

Физикадан лаборатория ишлари, танланган ишларга тегишли курс, қисм ўрганилгандан кейин қўйилади. Унда ўқувчилар икки кишидан бўлиб, олдиндан олинган топшириқ бўйича бутунлай мустақил ишлайдилар. Бунда улар маҳсус қўлланмалардан фойдаланадилар. Баъзан лаборатория ишлари нисбатан мураккаб, уларни бажариш учун ишлатиладиган асбоб-ускуналар, айrim ҳолларда, илмий-текшириш лабораторияларида ва ишлаб чиқаришда ишлатиладиган техник асбоблар бўлиши мумкин.

Физикадан лаборатория ишлари - физикага оид билимларни мустаҳкамлаш, касбга йўналтириш ва экспериментал тайёргарлик сифатини оширишдаги энг истиқболли методдир. Унинг ўз олдига қўйган энг асосий мақсадларидан бири - муайян ўлчаш методини ва ўлчаш натижаларини тўғри таҳлил ва талқин қилишга ўргатиш орқали ўқувчиларнинг экспериментал кўникумларини шакллантиришдан иборат.

Физикадан лаборатория ишларининг умумий масалалари сифатида қўйидагиларни таъкидлаш лозим: физика ўқитишидаги умумий масалаларнинг оптимал бажарилишига ёрдам бериш (фикрлашни ривожлантириш, билиш қобилиятларини шакллантириш ва бошқалар); физикадан билимлар тизимилигини таъминлаш, мавзулар, бўлимлар ва предметлараро боғланишларни ўрнатиш; физика курсининг энг муҳим масалалари бўйича билимларни умумлаштириш ва мустаҳкамлаш (чуқурлаштириш); политехник таълимни амалга оширишга ёрдам бериш (ўқувчиларни баъзи бир техник асбоблар билан таништириш, техникада учрайдиган физик катталикларни аниқлаш методларини ўргатиш ва бошқалар).

Физикадан лаборатория ишларини ўтказишда эса, қўйидаги мақсадлар назарда тутилади: а) ўқувчиларга физиканинг асосий қонунларини ва физик

ходисаларни чуқурроқ ўзлаштиришлариға ёрдамлашиш; б) ўқувчиларни илмий-тадқиқот ишларига ижодий ёндашишга, экспериментал методни түғри танлай билишга, физик катталикларнинг қийматларини ўлчашга ва уларни назария билан таққослашга, хулосалар чиқаришга ўргатиш; в) замонавий асбоб-усқуналар, ҳамда физик ўлчаш натижаларини математик жиҳатдан ишлаб чиқиш методлари билан таништириш.

Бу умумий мақсад, физикадан лаборатория дарсларида ўқувчиларнинг билим даражасига қараб, ҳар бир конкрет ҳолда турлича йўллар билан амалга оширилади.

Лаборатория ишларини бажараётган ўқувчилар олдига қўйиладиган масалалар қуйидаги уч хил кўриниттда. бўлиши мумкин: 1) физик катталикни ўлчашнинг энг маъқул методи ва ўлчаш асбоблари комплексини ўқувчиларга кўрсатиб берилади; 2) ўлчаш методи кўрсатилади, ўлчаш учун керакли асбобларни ўқувчининг ўзи танлаши лозим; 3) ўқувчидан муайян физик катталикни кўрсатилган аниқликда ўлчаш талаб қилинади.

Экспериментдан олинган маълумотлар ҳамма вақт маълум хатоликка эга бўлади. Бу хатоликнинг юзага келишига, асосан, тажриба шароити, ўлчаш усулининг ёки физик асбобларнинг номукаммаллиги сабаб бўлади. Экспериментатор сезги органларининг табиий ҳолда хатоликка йўл қўйиши ва ўлчов асбобларининг номукаммаллиги туфайли ҳар қандай ўлчашда физик катталикларнинг тақрибий қийматлари аниқланади. Ўлчаш аниқлиги, аввало ўлчов асбобларининг ўлчаш аниқлиги билан белгиланади. Физик катталикни асбобнинг ўлчаш аниқлигидан катта аниқликда ўлчаш мумкин эмас.


Ҳар бир лаборатория ишида, турли физик катталиклар турлича аниқликда ўлчанади. Бирор ўлчашнинг аниқлиги, бошқалариникига таъсир қиласи. Хатоликлар ҳисоблаб кўрсатилганда гина ўлчаш натижаси, яъни тажрибадан олинган маълумотлар, муайян маъно касб эта бошлайди. Шундай тарзда ишланган эксперимент натижасини назарий ёки жадвал маълумотлари билан таққослаб қўриш мумкин. Хатоликларни ҳисоблашнинг қатор усулларидан, айниқса конкрет тажрибанинг физик моҳиятини түғри ва яққол очиб берадиганини танлай билиш муҳимдир. Бу ижодий жараён ўқувчидан муайян экспериментал қўникмани, синчковликни, мантикий таҳлил малакасини талаб қиласи.

Физик практикумга доир ишлар фронтал лаборатория ишларига нисбатан кейинги босқичдаги қийин ишлар турига киради. Ҳаммадан аввал бу экспериментал тадқиқот масаласининг ўзидан иборат. Масаланинг назариясини мустақил ўрганиш ва такрорлаш, қурилмани йиғиши, тажрибани бир неча маротаба қайта бажариш, эксперимент натижаларини ёзиб олиш, баҳолаш ва уларнинг түғрилилк даражасини текшириб қўриш талаб қилинади.

Хар бир лаборатория иши илгари ўзлаштириб олинган маълумотларни қўллаш ва янги билимлар олишга имкон берадиган экспериментал масалаларни ҳал қилишни тақоза қиласди. Бу ишлар ўқувчиларни кенг тарқалган техник асбоблар ва махсус лаборатория асбоб-ускуналари, ҳозирги замон фан ва техникасида фойдаланиладиган ўлчаш методлари билан таништиради, ўлчов асбобларининг қўлланилиш чегарасини аниқлай олиш, ҳамда экспериментал қурилмани тушунган ҳолда мустақил йиғиш кўникма ва малакаларини ҳосил қиласди.

Физика табиат ҳақидаги фундаментал ва етакчи фанлардан биридир. Физика ўқитишининг умумий муаммолари ичидаги асосий, ҳал қилувчи ўринлардан бирини эгаллаган физикадан лаборатория ишларини такомиллаштириш муаммосини алоҳида ажратиб олиш лозим.

Физик экспериментнинг таълим жараёнидаги ўрни ва вазифаларини куйидаги 1-расмда тасвирланган схемада кўрсатишимиз мумкин:



1. - расм. Физик экспериментнинг таълим жараёнидаги ўрни
Физикадан лаборатория ишларини ташкил қилиш ва уни ўтказиш методикасига қўйиладиган дидактик талаблар қуйидагилардан иборат:

- Лаборатория ишларини муваффақиятли бажариш физикадан ўқув лабораториясининг моддий-техник таъминланганлигига боғлиқ. Замон талабларининг ўзгариши ҳисобига лаборатория ишларининг мазмуни, тузилиши ва техник жиҳозланишини ўзgartириб туриш, яъни замонавий асбоблар ва жиҳозлар билан алмаштириш;
- Лаборатория иши мавзусини танлашда, ўқувчиларнинг маъруза

курсидаги нисбатан қийин бўлимларни чуқур ўрганишлари ва назарияни амалиётга татбиқ этиш кўникмаларини эгаллашларини мақсад қилиб олиш ҳамда мутахассис тайёрлаш йўналишини хисобга олиш;

- Лаборатория дарсларини ўтказишида мавзу бўйича жиҳозларни машғулотга тайёрлаш бўйича муҳим ташкилий-методик ишларни амалга ошириш лозим: а) лаборатория ишлари мавзуларини оптималь танлаш ва уни ўтилган материалга мос равишда циклларга ажратиш; б) лаборатория хонасида ҳар бир иш учун алоҳида жой ажратиш ва уни жиҳозлаш; в) Лаборатория дарсларини ташкил қилишда эксперимент ўтказиш маданиятига риоя қилишини талаб этади (ишчи ўрнининг қулайлиги, тажрибага салбий таъсир кўрсатувчи факторларнинг бўлмаслиги, ишнинг замонавий техника билан таъминланганлиги, техника хавфсизлиги, техник эстетика ва б.); г) масалани танлашда назарий ҳолатлар билан узлуксиз тадқиқот ишлари бажарилишининг ўзаро алоқадорлигини таъминлаш учун цикл ишларининг изчиллиги (ўтган ишда олинган натижалардан кейингисини бажаришда фойдаланиш) ни хисобга олиш муҳим; д) лаборатория ишини англанган ҳолда бажариш учун методик кўрсатма ишланади.

- Физикадан лаборатория ишларини умумий хусусиятларига қараб, қуйидаги кўринишларга ажратиш мумкин: а) техник турдаги (ўлчашга оид) лаборатория ишлари, бу ишларни бажаришда ўқувчилар физик катталикларни ўлчаш методларини, берилган асбоблар ва уларни ишлата билиш кўникмаларини эгаллайдилар. Масалан, микроскоп, тарози, термометр, электрон секундомер, Омметр билан танишиш, ток кучини ўлчаш ва ҳ.к.; б) репродуктив турдаги лаборатория ишлари, бу турдаги ишларни бажаришга киришишда натижа қандай бўлиши кераклигини ўқувчи олдиндан билади, чунки мавзуни ўз ичига олган ҳодиса ёки жараён маъruzада муҳокама қилинган ва намойишли тажрибада кузатилган; в) репродуктив-тадқиқотчилик турдаги лаборатория ишлари, бу турдаги ишларни бажаришда ўқувчилар физик ҳодисаларнинг қўлланилиш қонуниятларини худди репродуктив турдаги сингари аниқ тасаввур қиласи, лекин уларга тажриба натижаси олдиндан аниқ эмас; г) тадқиқотчилик турдаги лаборатория ишлари, бу турда муаммо қўйилади, уни экспериментал ечиш методикасини ва керакли асбобларни танлашни

ўқувчининг ўзи ҳал қиласи. Бундай турдаги ишларга ўқувчиларнинг курс ва битирув малакавий иши каби илмий-тадқиқот ишлари киради.

- Машғулотларнинг ташкилий томонлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Физикадан лаборатория дарсларини қуйидаги шаклларда ўтказиш мумкин: а) фронтал; б) циклик (битта циклдаги лаборатория ишлари бўлим ёки катта мавзунинг мазмунини акс эттиради, ҳар бир циклнинг топшириқлари мураккаблашиб боради); в) мавзулар бўйича (олдиндан белгиланган график

асосида турли мавзуларда иш бажарилади); г) комбинациялашган (бирга кўшилган) лаборатория хонаси имкониятлари ва турли мавзуларга тегишли жиҳозларнинг мавжудлигига боғлиқ равишда юқорида санаб ўтилган шакллардан бири кўринишида ўтказилади.

Физик лабораториянинг экспериментал ишлари физикадан назарий ўрганилган қонунлар, ҳодисалар, жараёнларнинг кўргазмали намоён бўлишини кузатишга ва амалда қўлланилишини ўрганишга имкон беради.

Мазкур таълимда физикадан лаборатория машғулотларининг ўқитиши сифатини кўтариш ва ўқувчиларнинг экспериментал тайёргарлигини такомиллаштиришга ёрдам берувчи қуидаги ижобий жиҳатларни инобатга олиш тавсия этилади:

лаборатория ишларини бажариш жараёнида ўқувчилар илмий билиш методлари билан танишадилар, физик ҳодисаларнинг табиатига, уларни ўрганиш имкониятларига, амалда қўлланилишига ишонч ҳосил қиласадилар;

ўқувчиларнинг назарий ва амалий фикрлашларини ривожлантиришга шароит яратади, назариянинг реал моҳиятини англашга ўргатади;

лаборатория дарсларида маъruzалар, дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва бошқа манбалар билан мустақил ишлаш натижасида тўпланган маълумотлар умумлаштирилади;

ўқувчиларни лаборатория экспериментини ўтказиш методлари билан таништиради, назарий билимларни амалда қўллашга ўргатади, физик асбоблар билан ишлаш, мутахассисликка оид кўникма ва малакаларни эгаллашга ёрдам беради;

ўқувчилар ўлчаш хатоликларини аниқлашни ўрганадилар, тажриба натижаларини қайта ишлашда эса, компьютер технологияларидан фойдаланиш имкониятларига эга бўлиши мумкин;

экспериментал ишларни ташкил қилиш ва қўйиш, илмий-тадқиқот методлари билан таништириш, ўқувчиларда илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланиш (тадқиқотчилик) истагини уйғотади;

курилмалар билан ишлаш, ўқувчиларнинг билиш ва конструктив қобилиятларини, кузатувчанлик, диққат, сабр-тоқат, тасаввур қилиш ва бошқа сифатларини ривожлантиради; ўқувчиларда индивидуал ва жамоа бўлиб ишлаш маданияти, олдиндан тузилган режа асосида ишлаш кўникма ва малакалари шакллантирилади;

ўқитувчиларга, физика курсидан ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини мунтазам равишда текшириб бориш, ўқувчиларга эса ўз-ўзини назорат қилиш имкониятини беради.

6.1. Мактаб дарсликларида берилган лаборатория ишларини бажаришдаги муаммолар. Виртуал лаборатория ишлари.

Педагогик дастурий воситалар (ПДВ) - компьютер технологиялари ёрдамида ўқув жараёнини қисман ёки түлиқ автоматлаштириш учун мұлжалланған дидактик восита ҳисобланади. Улар таълим жараёнини самарадорлигини оширишнинг истиқболли шаклларидан бири ҳисобланиб, замонавий технологияларнинг ўқитиш воситаси сифатида ишлатилади. Педагогик дастурий воситалар таркибига: ўқув фани бўйича аниқ дидактик мақсадларга эришишга йўналтирилган дастурий маҳсулот (дастурлар мажмуаси), техник ва методик таъминот, қўшимча ва ёрдамчи воситалар киради.

Педагогик дастурий воситаларни қуйидагиларга ажратиш мумкин:

- ўргатувчи дастурлар - ўқувчиларнинг билим даражаси ва қизиқишлидан келиб чиқиб янги билимларни ўзлаштиришга йўналтиради;
- тест дастурлари - эгалланған билим, малака ва қўнималарни текшириш ёки баҳолаш мақсадларида қўлланилади;
- машқ қилдиргичлар - аввал ўзлаштирилган ўқув материалини тақорлаш ва мустаҳкамлашга хизмат қиласи;
- ўқитувчи иштирокидаги виртуал ўқув муҳитини шакллантирувчи дастурлар.

Бу бобда биз, ПДВ нинг оҳирги бандига киравчи ўқитувчи иштирокидаги виртуал ўқув муҳитини шакллантирувчи дастурлар хусусида тўхталиб ўтамиз. Виртуал ўқув муҳитини шаклантириш имкониятини берувчи дастурларга симуляторлар киради.

Ўқув жараёнида моделлардан фойдаланиш янги усул эмас. Қадим-қадимдан ўқув-ўрганиш мобайнида моделлардан фойдаланиб келинган. Симуляторлар ўқув жараёнини қарийб барча жабҳаларида: бошланғич таълимдан бошлаб олий ўқув юртларигача қўлланилиши мумкин. Кейинги вақтларда хаттоқи тиббиёт соҳасида ҳам симуляторлардан фойдаланилмоқда. Симуляторлардан фойдаланишнинг асосий сабабларидан бири уларнинг реал объектларга нисбатан жуда ҳам арzon мукобил эканлигидадир. Симуляторлар эса ҳақиқий асбоб-ускуна ва жиҳозларсиз виртуал ҳолатда бирор-бир физиковий жараённи моделлаштириш ҳамда виртуал лаборатория ишларини ўтказишига имконият яратади. Бу ўз-ўзидан нафақат катта миқдорда маблағлар тежалишига олиб келади, балки уларга умуман эҳтиёж ҳам туғдирмайди.

Симуляторларнинг қарийб ҳеч қандай молиявий маблағлар талаб этмаслиги маълум тадқиқотларни ўқувчилар томонидан юзлаб, керак бўлса минглаб маротаба қайта-қайта амалга оширилишига имконият яратади.

Симуляторлардан фойдаланишнинг яна бир афзаллик томони уларнинг хавфсиз эканлигидадир. Баъзи тадқиқотларни, масалан, ядро физикасига оид бўлган ҳодисаларни ўрганиш, амалга ошириш инсон ҳёти учун хавф туғдиради. Бундай тадқиқот катта миқдорда молиявий харажат талаб этибина қолмасдан, тадқиқотни олиб борувчилар учун ҳётига хавф ҳам туғдиради.

Симуляторлардан фойдаланиш жараёнида ўқувчилар маъруза вақтида ўрганган билимларини виртуал бўлсада, ҳётга тадбиқ қиласадилар. Ушбу тадқиқотлар жараёнида билимларини янада мустаҳкамлаш билан бир қаторда назарий ва амалий тадқиқотларнинг ривожланишига бевосита ҳисса қўшадилар. Бу ўз ўрнида ўқувчиларни фақатгина “tinglovchi” вазифасида қолмасдан, бевосита илмий-тадқиқот ишлари қатнашувчиларига айлантиради. Бу эса, ўз навбатида, ўқувчиларда ўқиш ва тадқиқотларга бўлган қизиқишлигини янада ортишига олиб келади.

Шунга қарамасдан, симуляторлардан фойдаланишнинг салбий томонлари ижобий томонларига нисбатан анча кучсиз ҳамда уларни бартараф этиш имкониятлари мавжуд. Шунинг учун улар симуляторлардан фойдаланишнинг қандайдир маънода чекланишига асосий сабаб бўла олмайди.


Бундай машғулотларни ташкиллаштириш учун таълим тизимида инқилобий ўзгаришга олиб келган СгосоёПе СНр8 компанияси томонидан яратилган дастурний таъминотлар ва Шегасий^е РНу8Ю8 дастурлари ҳақида бу бобда тўхталиб ўтамиз. Қуйида шу дастурний таъминотлар ҳақида маълумотлар берилган.

1

Crocodile Physics.


CrocodilePhysics. дастур муҳити физикавий жараёнларни моделлаштириш ва физиканинг механика, электр, оптика ва тўлқин ҳодисалари бўлимларига оид тажрибалар яратиш ва кузатиш имкониятини берувчи дастурдир. Бу дастур физик ҳодисаларни кузатиш, тажрибалар ўtkазиш ва турли мураккаблик даражасидаги жараёнларни моделлаштириш имкониятини беради. Ер шароитида ўtkазиш қийин бўлган тажрибаларни амалга ошириш ва кузатиш, тажрибада қатнашаётган физик катталикларнинг қийматини жуда яхши аниқлик билан ҳисоблаш имкониятини беради, физик

ходисада қатнашаётган физик катталик билан бошқа физик катталиклар ўртасидаги графикили боғланишни ҳосил қилиш, яратилған моделларни сақлаш ва қоғозга чоп этиш мүмкин.




1-Расм. **CrocodilePhysics**.дастурида яратилған айрим моделлар.

Ушбу дастур Crocodile ClipsLtd томонида 1994 йилдан бери такомиллаштирилиб келинмоқда. Дастурдан масала ечишда, виртуал лаборатория ишларини ва намойиш тажрибаларини ташкиллаштиришда көңг фойдаланса бўлади. Бу дастур таълим тизимида тўғри маънода инқилобий ўзгаришларга олиб келди. Ҳозирги кунда дастурдан 35 тадан ортиқ ривожланган давлат таълим муассасаларида




2-Расм. **CrocodilePhysics**.дастур муҳитининг ишчи столи



3-Расм. **CrocodilePhysics**.дастур муҳитида яратилған модел

кенгфойдаланиб келинмоқда


2 CrocodilePhysics. Бу дастур ўрта мактаб ўқувчи ва ўқитувчилари, лицей, коллеж ўқувчилари учун физика фаннини «Электр» қисмини чуқурроқ




4 Расм. **CrocodileTechnology**.дастур мұхитида яратылған моделлар

ўзлаштиришда ҳозирги замон ахборот технологиялари имкониятларидан фойдаланиш имконнини беради. Бундан ташқари, СгосоТПе Тесъполоду дастуридан электротехника, электр занжирлари назариясина үрганиш курсларыда ҳам фойдаланиш мумкин.

Дастур электрон конструктор бўлиб, у монитор экраныда электр схемаларини йиғиш жараёнини худди ҳақиқий тажрибадаги сингари имитация қилиш, электр катталикларни мультиметрда, амперметр ва вольтметрларда ўлчаш имкониятини беради.



5-Расм. **CrocodileTechnology** мұхитида яратылған аравача.



6-Расм. Яратилған моделларнинг 3D ва 2D аналоглари.

Масалан, дастурда:

1. Микропроцессорларни дастурлаш ва робототехникага оид моделларни 3^A күринишида симуляциялаштириш мүмкін.
2. Конструктор деталларининг тасвири ва ўлчов асбоблари схематик ва ҳақиқий күринишида берилганды;
3. Қаршиликдан оқиб ўтаётган ток қувватининг қиймати берилгандан номиналдан ортиб кетса, қаршилик (портлаб) куяды;
4. Күпгина жараёнлар ва уларнинг натижалари товушли эффектлар орқали ифодаланади.

Буларнинг барчаси, ўқувчи ўзи йўл қўйган хатоларини кўриши, муваффакиятсиз бажарилган тажрибанинг сабабларини аниqlашни ўрганиши ва электр схемаларини тажрибани ҳақиқий қурилмаларда бажаришдан олдин таҳлил қилиш қўникмаларини ҳосил қилиш имконини беради.


Ҳозирги кунда Европадаги нуфузли илмий даргоҳларда физик жараёнларни моделлаштиришда CrocodileTechnology дастуридан фойдаланилмоқда.

CrocicleTechnology 3D дастури ўз ичига электрон лойихани, PIC (*Peripheral Interface Controller*)ларни дастурлаш имкониятини, 3D ўлчамдаги механизмларни (механик мотор, тишли ва тишсиз механизмлар ва бошқа объектлар) ва 3D ўлчамдаги PCB элементларини моделлаштиришни олган.


Дастур орқали тармоқланган мураккаб электр занжирларни симуляциялаштириш ва моделлаштириш имкониятини беради.

Дастур имкониятлари жуда кенг бўлиб, ундан амалий машғулотларда (яъни масалалар ечишда) айниқса, виртуал лаборатория ишларини бажаришда кенг фойдаланиш мүмкін.

3. Yenka Electricity and Magnetism. Yenka Electricity and Magnetism дастури симулятор бўлиб, физиковий жараёнларни моделлаштириш ва физиканинг электродинамика ва электромагнетизм бўлимларига оид тажрибалар яратиш ҳамда кузатиш имкониятини берувчи дастурдир. Бу дастурдан дарсларда интерфаол электрон доскадан (Wacom) ва график планшет (Whitboard) дан фойдаланиб машғулотларни ташкил этиш мумкин, шунингдек мустақил иш сифатида шахсий компьютерда ишлатиш мумкин. Бу кучли дастур физиковий ҳодисаларни 3D кўринишда кузатиш, тажрибалар ўтказиш ва турли мураккаблик даражасидаги жараёнларни моделлаштириш имкониятини беради.



7- Расм. Yenka Electricity and Magnetism муҳитида яратилган моделлар Yenka Electricity and Magnetism оптималь дастур физик жараёнларни компьютерда моделлаштириш имконияти, тажрибада қатнашаётган физик катталикларнинг қийматини жуда яхши аниқлик билан ҳисоблаш имкониятини беради, физиковий ҳодисада қатнашаётган физик катталиқ билан бошқа физик катталиклар ўртасидаги графикли боғланишни ҳосил қилиш, яратилган моделларни сақлаш ва қоғозга чоп этиш мумкин.



8- Расм. **Yenka Electricity and Magnetism** дастур мұхитида яратылған шамол генераторининг ишлаш принципи түшунтирувчи (моделлаштирувчи) модел.

Үепкі Б1еe1г1С11у апё Мадде118ш дастурининг бундай имкониятлари физика фанини үқитищаңда ижобий үзгаришга сабаб бўлди.

4. Ръип ръу81С8. Ръип ръу8Ю8 дастури Швеция шахридаги Умео Университетининг ҳисоблаш фанлари кафедрасида Эмилем Эрнерфильдом томонидан яратылған. Дастур орқали физикани 2 ўлчовда (2^{\wedge}) “жонлантириш” имкониятини беради. Дастур орқали физикавий жараёнларни моделлаштириш ва ҳар хил физикавий жараёнларни кузатиш мумкин.



9- Расм. **Phun physics** дастурининг интерфейси Оддий ҳаракатлар орқали дастур мұхитида ҳаракатлана оладиган автоуловни яратиш мумкин, бунинг учун автоуловнинг корпуси конструкциясини чизган ҳолда автоуловга “моторча” қўйиб, “Play” кнопкасини босиши ўзингиз яратган автоуловнинг ҳаракатини кузатиш мумкин бўлади.

5. Веғтишпф8 оF Е1еe1гоп1c8. Дастур электрон конструктор бўлиб, у монитор экранидаги электр схемаларини йифиш жараёнини имитация қилиш имкониятини беради.

Комплекснинг асосий хусусиятларидан бири, унда реал физикавий жараёнларни жуда катта аниқликда имитация қилиш мумкин. Дастур имкониятлари жуда кенг бўлиб, ундан амалий машғулотларда яъни,

масалалар ечишда ҳам фойдаланиш мумкин. Айниқса виртуал лаборатория ишларини бажаришда бу дастурдан ижодий фойдаланиш мумкин.



10- расм. “Beginnings of Electronics” дастурининг интерфейси Электрон конструктор орқали:

- ўтказгичнинг қаршилигини унинг солиштирма қаршилиги, узунлигига ва унинг кўндаланг кесим юзасига боғлиқлигини текшириш мумкин;
- занжирнинг бутун ва бир қисми учун Ом қонунини;
- ўтказгичларни, конденсаторларни ва ғалтакларни кетма-кет ва параллел улаш қонунларини;
- электр занжирларда электр сақлагичларнинг ишлаш принципларини ўрганишда;
- электр иситгичларда иссиқлик ажралиш қонунларини ўрганишда;
- ҳар хил электр занжирларда кучланиш ва ток кучининг ўзгариш жараёнларини маҳсус ўлчагичлар (мультиметр ва икки каналли осциллографлар) орқали ўлчаш ва ўрганишда;
- ўзгарувчан токларнинг фазаларининг силжишини ўрганишда;
- ўзгарувчан ток занжирида актив, индуктив ва сифим қаршиликларнинг қийматларини аниқлашда ва қаршиликларнинг циклик частотага боғлиқлигини ўрганишда;
- Ўзгарувчан токларда қувватни аниқлашда ва ҳ.к. фойдаланиш мумкин.

6. РНЕТ дастур пакети. Физика йўналишида 2001 йилдаги Нобель мукофотининг лауреати К. Виман томонидан «Риу8Ю8 Ейисайоп Тесйпо1оду»

(РЬЕТ) сайти яратилган. РЬЕТ сайтида ҳар хил мавзуларга оид моделлар мавжуд бўлиб, улар ^а^а да яратилган. РЬЕТ сайтида тақдим этилаётган моделлар Ореп Зоигзе бўлиб хоҳлаган фойдаланувчи бепул фойдаланиши мумкин. РЬЕТ даги моделлар сони 100 дан ортиқ бўлиб улар физика,


математика, кимё фанларига оид моделлаштириш имкониятига эга дастурлардан иборатдир.



©2009 итИуер51Гу or CoOraciO. оғозе ГағП1:з reserved!

11-Расм. РНЕТ дастурининг умумий кўриниши.

Бу дастур давлат таълим стандартларига ва ўкув муассасаларида қўлланилаётган адабиётларга мос келганлиги билан муҳим педагогик қурол хисобланади.



12- Расм. РНЕТ дастурининг ичида мавжуд моделлар.

Юқорида келтирилган дастурий таъминотлардан фойдаланиш ўзининг самарасини беради. Компьютер моделларини ўкув жараёнларида қўллаш тамойиллари қўйидагилар:

1. Компьютер дастури тажрибани ўтказиш мумкин бўлмаган ёки тажриба кузатиб бўлмас даражада харакатланган пайтда қўлланилиши лозим.
2. Компьютер дастури ўрганилаётган детални аниқлашда ёки ечилаётган масаланинг иллюстрациясида ёрдам бериши керак.
3. Иш натижасида ўқувчилар модель ёрдамида ҳодисаларни характерловчи катталикларнинг ҳам сифатий, ҳам миқдорий боғланишларини кўра билишлари керак.

4. Дастан билан ишлаш пайтида ўқувчиларнинг вазифаси турли мураккабликдаги топшириқлар устида ишлашдан иборат, чунки бу ўз устида мустақил ишлашга имкон беради.

Юқорида кўрсатилган симуляторни физика дарсларида фойдаланиш шуни кўрсатадики, ўқувчиларга мустақил ҳолда ўраганишлари учун компьютер моделлари берилганда, ўқувчиларнинг ўзлаштиришлари паст бўлганлигини кўрсатди. Шу мақсадда диссертация ишимизда компьютер моделлари учун дидактик материаллар яратилди. Яратилган дидактик тарқатма материалларни диссертация ишининг якунидаги 2 -иловадан танишиш мумкин.

6.2. Намойишни тажрибалар ва унга қўйиладиган дидактик талаблар.

Намойиш эксперименти - дарс жараёнида физик ҳодисани маҳсус асбоблар ёрдамида ўрганиш қулай бўлган шароитда баён қилишдир. У ўқувчиларнинг ўрганилаётган материалга нисбатан қизиқишлирини орттиради ва мавзуни чукур эгаллашларини таъминлади. Бундан ташқари, мактабда политехник таълимни амалга оширишга хизмат қиласди, шунингдек ўқувчиларни замонавий техник қурилмалар ва асбобларнинг ривожланиш тамойиллари билан таништиришга имкон беради.

Тажрибаларни намойиш қилиш, ўқувчи онгига дунёning моддийлиги ва табиат қонунларининг объективлигини намоён қиласди. Физик тажрибалар ўқувчиларнинг эстетик тарбияси воситаси бўлиб ҳам ҳисобланади. Яхши тайёрланган тажриба (масалан, Фарадей тажрибалари ёки ўзгармас ток двигателининг ишлашини намойиш қилишга оид тажрибалар) ўқувчида кучли таассурот қолдиради, хотирада узок сақланади. Тажрибани ўқувчининг ўзи ўтказиши ҳам мумкин, бироқ кўпинча ўқитувчи томонидан намойиш қилиниши афзал кўрилади. Буни бир қатор сабаблар билан тушунтириш мумкин:

- 1) қабул қилиш ҳақиқийликни оддий акс эттирувчи эмас, шунинг учун ўқувчилар тажрибага нималар кераклигини ҳамма вақт ҳам аниқ кўра билмайдилар, ўқитувчи тажрибани ўтказиш вақтида ўқувчиларнинг диққатини тажрибага йўналтиради;
- 2) кўпгина намойишни тажрибалар қўпол бўлиб, ўқувчидан амалий тажриба ва пухта тайёргарликни талаб қиласди;
- 3) намойишни тажрибаларни ўқитувчи томонидан ўтказилиши дарс жараёнида кам вақт сарф қилишга имкон беради;
- 4) баъзи тажрибалар, масалан симоб билан ишлаш, электр токи билан боғлик қатор тажрибалар ўқувчилар учун хавфли ҳисобланади.

Намойиш эксперименти, кўпинча ўқитувчи томонидан ўқувчилар олдида бажарилиб, ўқувчиларнинг ҳодиса, жараён, қонун, тушунча, асбоб-

ускуналарнинг тузилиши ва ишлаш тамойили ҳақидаги тасаввурларини ривожлантиришга қаратилган бўлади. Намойишли эксперимент методикаси тажрибанинг энг яхши натижа берадиган даражада бажарилишини, техник жиҳатдан тайёргарлик, кам вақт сарф қилиб ўқувчиларга максимал таъсир кўрсатиш каби масалаларни ечишни ўз ичига олади. Хусусан у қуйидаги саволларни ҳал қиласи: тажриба қайси кетма-кетликда бажарилади?, тажрибанинг муҳим жойлари қандай ажратилади?, ўқувчилар кўзланган хуносаларга эришилари учун, нималарга эътибор қилиш керак?, тажрибанинг айрим қисмлари қандай тезликда бажарилади? тажриба неча марта бажарилади? ва ҳоказо.

Намойиш экспериментини ўтказиш техникаси замирида тажрибанинг самарали қўйилишини таъминловчи восита ва амаллар ётади. Тажриба қурилмаси ўқув хонасининг ихтиёрий жойидан яхши кўринадиган бўлиши керак. Ўқитувчи томонидан қуйидаги талабларга риоя қилинганда тажрибанинг самарадорлигига эришиш мумкин: мазмундорлик, ишончлилик, кўргазмалилик, кўринишли, асослилик, қисқа вақтлилик, гўзаллик (дидлилик), ҳиссиётлилик, техника хавфсизлигига риоя қилиш. Тажрибаларнинг ишончли бўлиши деганда, ўқитувчи намойиш қиладиган хар бир тажрибанинг кўзланган ижобий натижани бериши тушунилади.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, агар тажриба ижобий натижани бермаса, ўқитувчи ўқувчилар олдида ўз обрўсини йўқотиб қўйиши мумкин. Намойиш тажрибаларининг содда бўлишини талаб қилиш, физикани ўрганишда мослик тамойилига тўғри келади. Экспериментал қурилмаларда кўрсатиладиган ҳодиса ва жараёнлар, ўқувчиларга тушунарли ёки аввалги назарий ҳамда амалий тайёргарлик асосида тушунтириш мумкин бўладиган даражада кўрсатилиши керак. Тажрибаларни такрорлаш зарурлиги шу нарса билан тушунтириладики, физика ўқитиши асосида ётувчи эксперимент, ўқувчилар кўз олдида фақат бир марта кўрсатилиши етарли эмас, аксинча агар ўқитувчи, ўқувчилар бу тажрибани эсдан чиқариб қўйганликларини ёки унинг моҳиятини нотўғри талқин қилаётганликларини сезиб қолса, тажрибани қайта такрорлаши лозим. Тажрибани қайта такрорлашда, ушбу экспериментни характерлайдиган ўзига хос хусусиятни таъкидлаб ўтиш керак.

Намойишли тажрибалар, албатта, яхши тушунтириш билан параллел олиб борилиши лозим, чунки ҳиссий қабул қилишлар, ўз-ўзидан тўғри тасаввур ҳосил қилишга кафолат бера олмайди. Кузатиш жараёнида ўқувчилар предмет ёки ҳодисанинг муҳим белгиларига дикқат қила олмасликлари мумкин. Натижада физик ҳодиса ёки жараён ҳақида тўлиқ, аниқ бўлмаган ва ҳатто нотўғри тасаввур ҳосил бўлиши ҳам мумкин. Қабул қилиш фақат сезги органларининг фаолияти билан чегараланмайди. Сезги

билин фикрлаш ҳамоҳанг бўлгандағина ҳақиқий дунёни тўғри англаш имконияти туғилади.

Юқорида айтилганлардан кўринишича, экспериментларни ташкил қилиш, ўтказиш ва уларни намойиш қилиш учун ўқитувчи эгаллаши лозим бўлган қуйидаги кўникма ва малакаларни санаб ўтиш мумкин:

- ўқувчиларнинг физик ҳодисаларни кузатиш ва ўрганиш жараёнидаги билиш фаолиятларини бошқариш;
- физик ҳодисаларни кузатиш, тадқиқот методини сифат ва миқдор жиҳатидан ўрганиш, назарияга кириш, назария хуласаларини тасдиқлаш, физик қонунларнинг амалиётга татбиқи каби масалаларнинг ечимини экспериментлар ёрдамида топиш;
- тажрибани муваффақиятли намойиш қилиш, лаборатория экспериментини тўғри ва аниқ ўтказиш учун физик асбоблар билан ишлаш, қурилмани йиғиш ва маълум талабларга риоя қилган ҳолда ишни бажариш.

Асбобларни билиш деганда эса қуйидаги кўникма ва малакалар тушунилади: 1) асбобнинг номи, унинг қайси физик катталикни ўлчашга мўлжалланганлиги, ишлаш тамойили ва асосий белгиларини билиш; 2) мазкур асбобни ташқи кўриниши жиҳатидан бошқа асбоблардан ажратা олиш; 3) асбобнинг техник имкониятлари, ундан фойдаланиш характеристикасини билиш; 4) асбобни ишлата олиш ва уни бошқа асбоблар билан мувофиқлаштириш кўникмаларига эга бўлиш; 5) керакли натижани олишга имкон берувчи шартларни билиш; 6) оддий таъмирлаш ишлари, майда деталларни алмаштириш, меъёрдан четлашган ҳолларда тузатиш кўникмаларига эга бўлиш.

Қурилмани йиғиш кўникмаси, лаборатория ва намойиш эксперименти техникасини эгаллаганлик даражасини акс эттиради. Бу ўринда, физик экспериментни амалга ошириш жараёнига қўйиладиган талабларнинг бажарилиши ва самарадорликни оширувчи воситалардан унумли фойдаланиш муҳим ҳисобланади.

Амалиётда қурилмаларни йиғишнинг маълум қоидалари ишлаб чиқилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат: ^{а)} қурилмани фикрий конструкциялаш, тузилиш схемаларини чизиш, асбобларни блокли жойлаштириш схемаси, ёрдамчи расмлар; ^{б)} тажрибага керакли асбобларни танлаш; ^{в)} қурилмани йиғиш: лаборатория столида асбобларни мантиқий кетма-кетлик тартибида жойлаштириш, қурилма элементларини бирлаштириш (намойишли тажрибаларда қоида бўйича қурилма қия ёки вертикал текислиқда йигилади, энг муҳим асбоблар олдинги қаторда бўлиши тавсия этилади); ^{г)} турли воситаларни ҳисобга олган ҳолда тажрибага қўйиладиган талабларнинг бажарилишини текшириш; ^{д)} тажрибани намойиш қилишда, бажариладиган

амаллар кетма-кетлигини ишлаб чиқиттт.

Үқув экспериментининг вазифаларини ва экспериментал кўникмалар тизимида кирувчи амаллар таркибини батафсил қараш, физик экспериментлар соҳасидаги масалаларни ечишга, бўлажак физика ўқитувчиси олий таълим муассасасида ўқиши даврида тайёрланган бўлишини таъминлашга имкон беради. Бу масаланинг долзарблиги, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг амалга оширилаётганлиги, таълим мазмуни ва ўқитиш методларининг янгиланиши, ўқитувчининг педагогик маҳоратига қўйиладиган талаблар ўзгариши билан боғлиқ равища янада ортади.

Ўқувчиларнинг физикадан лаборатория ишларини бажаришдаги фаолиятларини кузатиш уларнинг экспериментал тайёргарлигига қатор камчиликлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Бу фактор, бир қанча тадқиқотларда ҳам таъкидланган. Ўқувчилар (ўқитувчилар ҳам) лаборатория ишларини қўйишда, Германия, Жанубий Корея давлатларидан олиб келинган ва мамлакатимиздаги «Е^ХО^ШО» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлаб чиқарилаётган лаборатория жиҳозлари билан ишлашда қийинчиликларга дуч келмоқдалар, яъни уларнинг экспериментал тайёргарликлари етарли эмасликлари сезилиб қолмоқда. Ушбу факторлар физика ўқитувчиларининг экспериментал тайёргарликларини такомиллаштириш жараёнида ҳал қилиниши керак бўлган қуйидаги масалаларни кўрсатишга имкон беради:

Биринчидан, ўқувчининг экспериментга нисбатан тадқиқот ва ўқитиш методи сифатида онгли муносабатда бўлишини ва қизиқишини тарбияламоқ лозим. Ўқувчи - экспериментнинг ўқув жараёнидаги вазифасини билиши ва унинг ўқувчиларни тарбиялаш, ҳамда уларга чуқур ва пухта билим беришдаги ролини англаши керак.

Иккинчидан, ўқитувчи томонидан ўқувчига айни бир тажрибани қўйишнинг турлича вариантлари кўрсатилса, ўқувчи уларнинг ичидан энг оптималини танлаш имкониятига эга бўлади. Тажрибаларни қўйишнинг хилма-хиллиги, ўқитувчидаги физика кабинети базаси имкониятидан (ўқитувчи баъзи содда асбобларни қўлда ясашига ҳам тўғри келиши мумкин) келиб чиқиб, тажриба жиҳозларини танлаш ва қурилмани мустақил йиға олиш кўникмаларининг шаклланишига ёрдам беради. Бу йўналишда мунтазам ишлаш, ўқувчиларнинг конструкторлик қобилиятини, ўқув экспериментини қўйишга ижодий ёндашишларини тарбиялашга имкон яратади.

Учинчидан, ўқувчиларда ҳар бир тажрибанинг мақсадини дафтарга ёзиш, тажриба қурилмасининг схемасини фойдаланилаётган асбобларнинг параметрларини кўрсатган ҳолда аниқ чизиш кўникмаларини шакллантириш лозим. Бу уларнинг келгусидаги амалий ишларида (жумладан, педагогик

амалиётда) тажрибаларни мустақил ва ижодий ташкил қилишлари учун замин яратади.

Тўртингидан, ўқувчилар замонавий мактаб жиҳозларининг, физик асбобларнинг асосларини ўрганишлари ва улардан белгиланган вазифасига қараб фойдаланиш кўникмаларини эгаллашлари лозим. Бу масала, кўплаб мактаб асбобларидан кенг фойдаланиладиган умумий физика практикумларида, физика ўқитиш методикаси ва мактаб физик экспериментлар техникасидан лаборатория машғулотларида, электротехника ва радиотехникадан амалий машғулотларда ечилади. Ўқитувчиларнинг юқорида саналган ўқув предметларини ўқитишда ҳамкорлик билан ишлашлари ижобий натижалар беради.

Бешинчидан, физика ўқитувчиларида асбоблардаги носозликларни аниқлаш ва уни бартараф қилиш, баъзи бир асбобларни мустақил конструкциялаш ва уларни қўлда ясаш, бунга ўқувчиларни жалб қилиш кўникмалари уларнинг ўқувчилик йилларидаёқ шаклланган бўлиши лозим. Бу кўникмаларнинг шакллантирилиши ўқитувчига лаборатория ишлари ва намойишли тажрибаларни ўтказиш жараёнида етишмаётган бирор асбобни бошқаси билан алмаштиришда ҳамда лаборатория ишларини замонавийлаштиришда ҳамма вақт ёрдам беради.

Хозирги вақтда таълим системасига виртуал ўқитиш воситалари, хусусан компьютерда бажариладиган виртуал лаборатория ишлари кенг жорий қилинмоқда. Уларнинг экспериментал кўникмаларни шакллантиришдаги бир қатор ютуқларини санаш мумкин. Лекин, виртуал лаборатория ишларини бажариш жараёнида ўқувчи пассив фаолиятда бўлади. Шунинг учун, бу лаборатория ишларини анъанавий бажариладиган лаборатория ишлари билан мумкин қадар параллел олиб бориш ижобий самара беради.

5-Назарий машгулот

8-Мавзу: Физика дарсларида буюк аждодларимиз илмий меъросидан фойдаланиш

Режа:

1. Фан тараққиётига, жумладан физика фанига ўзларининг улкан ҳиссаларини қўшган қомусий олимлар: Абу Али Сино, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Умар Ҳайём, Насриддин Тусий, Абу Райхон Беруний, Мирзо Улуғбек, Гиёсиддин Жамшид Коший, Аҳмад ал-Фарғоний, Розий, Абу Наср Форобий, Қозизода Румий, Муҳаммад Али Қушчи ва бошқалар илмий меъросидан фойдаланиш бўйича умумий кўрсатмалар.



Таянч тушунчалар: илмий меърос, алгоритм, алгебра, тилшунослик, геодезия, минерология, фармакология.

Иbn Сино илмий меъросидан физика дарсларида фойдаланиш: Марказий Осиё халқлари маданиятини ўрта аср шароитида дунё маданиятининг олдинги қаторига олиб чиққан буюк мутафаккирлардан бири Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Сино бўлиб, у Европада Авиценна номи билан машҳурдир. Кўп манбаларда Ибн Сино, аввало, табиб сифатида талқин этилади, ҳолбуки табобат унинг илмий соҳалари орасида энг муҳимларидан биридир, холос. Ибн Сино асарларининг асосий қисми Яқин ва Ўрта Шарқнинг ўша давр илмий тили ҳисобланган араб тилида, баъзилари форс тилида ёзилган. Унинг бизга маълум бўлган катта асари “Китоб уш-шифо” (“Шифо китоби”) 22 жилдан иборат бўлиб, 4 та катта бўлимини мантиқ, физика, математика, метафизикага доир масалалар эгаллаган. У натурал сонлар устида бажарилган арифметик амалларни ва квадратга қўтариш амалининг тўғрилигини 9 ёрдамида текшириш усулини ўйлаб топган, $(a \pm b)^2 = a^2 + b^2$ формулани геометрик исботлаган.

Ал-Хоразмий илмий меъросидан физика дарсларида фойдаланиш: Хоразм илмий мактабининг илк кўзга қўринган намояндаси Муҳаммад Хоразмий ҳозирги замон ўнлик саноқ системасини кашф этди, натурал сонлар устида тўрт арифметик амаллар бажариш алгоритмини фанга

киритди, квадрат тенгламаларни ечиш усулларини кашф этди, "Зижи" ("Астрономия") китобида синуслар ва тенгенслар жадвалини катта аниқликда келтиради). Ал-Хоразмий томонидан ўнлик позицион системасининг кўлланиши Арифметика фанининг шаклланишида, шунингдек унинг «Ал-жабр ва ал-муқобала» китоби Алгебра фанининг шаклланишига асос бўлган. Америкалик шарқшунос Д.Сартон таъбири билан айтганда «Ал-Хоразмий барча замонларнинг энг улуғ математикларидан бири» эди. Шарқ олимлари орасида фақат унинг номи ва асарлари "алгоритм" ва "алгебра" каби замонавий илмий атамаларда агадийлаштирилди. Инсоният ундан, математика фанига қўшган буюк хизматлари учун ҳамиша қарздор бўлиб қолаверади.

Умар Ҳайём илмий меъросидан физика дарсларида фойдаланиш: Умар Ҳайём 1048 йил 18 майда Нишопурда дунёга келган. У машхур файласуф, математик, астроном ва шоир бўлган, алгебра фани ривожига ҳам катта ҳисса қўшган. Бутун дунё уни буюк файласуф ва шоир сифатида танийди. Ньютон бином ёйилмасининг умумий формуласини кашф этган, кубик тенгламаларни ечишнинг геометрик назариясини ривожлантирган, геометрияда параллеллик аксиомасига оид муаммо бўйича чуқур изланишларни олиб борган ва уни ҳал қилишга жуда яқин келган.

Насриддин Ал-Тусийнинг (Азарбайжон ҳудудида 1201-1274 йилларда яшаб ижод қилган) илмий меъросидан физика дарсларида фойдаланиш: Тригонометрия соҳасида хизмати катта бўлган, учбурчакларнинг барча ҳолларини таҳлил қилган, ихтиёрий учбурчакларни ечишнинг энг қийин ҳолларига тўхтаб ўтган, сўнгра сферик тригонометрия асослари, жумладан сферик учбурчакларни ечиш усулларини тизимли баён қилган, бу асар тригонометрияни астрономиядан ажратди ва тригонометрияни алоҳида фан сифатида ривожлантириди, Ньютон биноми ёйилмасини исталган п натурал сон учун исботлаган.

Абу Райҳон Беруний илмий меъросидан физика дарсларида фойдаланиш: Ал-Беруний 973 йилнинг 4 октябрида Хоразмдаги Кат шахрида туғилган. У йирик энциклопедист-олим, мутафаккир ҳамда тарих, география, тилшунослик, астрономия, математика, механика, геодезия, минерология, фармакология, геология ва бошқа соҳалардаги кўплаб илмий изланишлар муаллифидир. Беруний ўз даврининг деярли барча илмидан боҳабар бўлган.

“Геодезия” ва “Маъсад” қонунлари асарларда астрономия, география, тригонометрияга оид жуда кўп маълумотлар келтирилган, хусусан, ички чизилган мунтазам кўпбурчаклар (3, 4, 5, 6, 8, 10 бурчаклар) нинг томонларини ҳисоблаш ва уларни ясаш усуллари келтирган, ватарлар билан

уларни тортиб турувчи ёйлар орасидаги боғланишга оид теоремалар, иккиланган бурчак синуси, ярим бурчак синуси ҳақидаги теоремаларни ва ихтиёрий бурчаклар учун косинуслар теоремасини исботлаган, синуслар ва тангенслар жадвалини тузган ва бунда чизиқли ва квадратик интерполяциялаш методларидан фойдаланишни кўрсатган, π сони учун 3,1417 қийматни топган.

Мирзо Улугбек илмий меъросидан физика дарсларида фойдаланиш: Тригонометрик жадваллари 10 та ўнли хона аниқлигига ҳисобланган, унинг синус ва косинуслар жадваллари минут оралиқ билан тузилган, “Зиж” китобида бир градуснинг синусини ҳисоблаш учун алоҳида рисола ёзган.

Фиёсиддин Жамшид Ал-Коший илмий меъросидан физика дарсларида фойдаланиш: Фиёсаддин ал-Коший (Жамшид ибн Масъуд ибн Маҳмуд Фиёсаддин ал-Коший (кўпроқ Фиёсаддин ал-Коший исми билан машҳур, XIV- XV асрда яшаган). Атоқли математик ва астроном. Асли Эроннинг Кошон шаҳридан бўлиб, бошланғич математик маълумотни шу ерда олган. XV- аср бошида Улугбекнинг таклифи билан Самарқандга келган; бу ерда Қозизода Румий билан бирга Улугбек расадхонаси ва мадрасаси қурилишига раҳбарлик қилган. “Айлана ҳақида рисола” китобида π сонини 17 та хона ўнли рақамигача аниқликда топган, 1 нинг синусини ҳисоблаган, энг катта аниқликда тригонометрик жадвал тузган, Ньютон биноми формуласини ундан аввал $p = 9$ бўлгандаги биномиал коэффицентларни ҳисоблаган.

Ал-Фарғоний илмий меъросидан физика дарсларида фойдаланиш: Аҳмад ал-Фарғоний (тўлиқ исми Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир ал-Фарғоний (тажминан 797, Фарғона - 865, Миср) - астрономия, математика, география ва бошқа илмий йўналишларда фаолият кўрсатган ўзбек қомусий олими. Шарқда Ал-Фарғоний, Европада Алфраганус тахаллуслари билан машҳур. Унинг ҳаёти ва илмий фаолияти тўғрисида бизга жуда оз, у ҳам бўлса, узук-юлуқ маълумотлар етиб келган. "Астурлоб ясаш ҳақида" номли асарида сферик проекция ҳақида ва унинг хоссаларини баён қилган.

Розий илмий меъросидан физика дарсларида фойдаланиш: Розий (тўлиқ номи Абу Бакр Муҳаммад ибн Закариё ар-Розий (865.28.8 - Рай - 925.26.10) — шарқнинг қомусий олими, табиб ва мутафаккири. Ўрта аср Европасида лотинча Разес номи билан танилиб, табобат соҳасида ўз даврининг Жолинус (Гален)и деб саналган. Шунингдек, кимё, ботаника, математика, астрономия, мантиқ ва фалсафа каби фанларни чуқур ўрганганд; адабиёт ва мусиқа билан ҳам шуғулланган. Розий бир қанча вақт Рай ва Бағдод шифохоналарини бошқарган. У Ўрта Осиё, жумладан, Бухоро илм аҳллари билан илмий

мулоқотда бўлган. Кўз касаллигига учраб, умрининг охирида кўр бўлиб қолган).

Абу Наср Форобий илмий меъросидан физика дарсларида фойдаланиш: Абу Наср Форобий (873-950) туркий қабилалардан бўлган ҳарбий хизматчи оиласида, Сирдарё қирғоғидаги Фороб-Ўтрор деган жойда туғилган. Форобий бошланғич маълумотни она юргида олди. Сўнг Тошкент (Шош), Бухоро, Самарқандда ўқиди. Кейинроқ ўз маълумотини ошириш учун араб халифалигининг маданий маркази бўлган Бағдодга келди. Тахминан 941 йилдан бошлаб Форобий Дамашқда яшаган. Форобий ўрта аср даври табиий-илмий ва ижтимоий билимларининг қарийб барча соҳаларида 160 дан ортиқ асар яратган. Форобий қадимги юонон мутафаккирлари - Платон, Аристотел, Эвклид, Птолемей, Порфирийларнинг асарларига шарҳлар ёзган. Айниқса, Аристотел асарлари (“Метафизика”, “Этика”, “Риторика”, “Софистика” ва б.) ни батафсил изоҳлаб, қийин жойларини тушунтириб бера олган, камчиликларини кўрсатган, айни вактда бу асарларнинг умумий мазмунини очиб берувчи маҳсус асарлар яратган. Форобий шарҳлари Ўрта ва Яқин Шарқ илғор мутафаккирларининг дунёқарашини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Қозизода Румий илмий меъросидан физика дарсларида фойдаланиш: XV аср бошларида Мовароуннахрда шуҳрат қозонган улкан математик ва астрономлардан бири, Улуғбекнинг устози Қозизода Румийдир. Қозизода аслида Бурса (Туркияning шимоли-ғарби) да таваллуд топган. Улуғбек Самарқандда 1417-1420 йилларда мадраса таъсис этиб, Қозизодани у ерда раис ул-муаллимин насабига тайинлайди ва аксарият ҳолларда унинг дарсларида ўзи ҳам иштирок этади.

Али Қушчи илмий меъросидан физика дарсларида фойдаланиш: Али Қушчи - фалакиётшунос ва риёзиётчи олим, Улуғбек илмий мактабининг атоқли намоёндаларидан бири, унинг яқин шогирди. Амир Темур қароргоҳи бошлигининг ўғли. Али Қушчи бошланғич маълумотни Самарқандда олади (Қ.Румийда таҳсил кўради), ўз маълумотини ошириш учун 1414 й. да Эроннинг Кирмон шаҳрига боради ва у ердаги мадрасада З йил таълим олади, айниқса табиий фанларни, хусусан фалакиёт, риёзиётни пухта ўрганади, 1417 йили Самарқандга қайтади. Бу вактда Самарқандда Улуғбекмадрасаси курилаётган эди. Али Қушчи шу мадрасада ҳам таълим олишни давом эттиради, Қ.Румий ва F.Кошийлардан илм сирларини ўрганади.

6-Назарий машғулот

10-Мавзу: Физика дарсларини кузатиш ва таҳлил қилиш
Режа:

1. Физикадан очиқ дарсларни кузатиш, илғор педагогик тажрибаларини ўрганиш, муҳокама қилиш ва баҳолаш.
2. Физика дарсларини кузатишдан қўзланган мақсадлар. Очиқ, кўргазмали, намунавий, ҳисобот дарслари ва уларга қўйилган талаблар асосида дарсни таҳлил қилиш.
3. Дарсни баҳолаш мезонлари:

Таянч тушунчалар: очиқ дарс, педагогик тажриба, кўргазмали, дарс таҳлили.

10.1. Физикадан очиқ дарсларни кузатиш, илғор педагогик тажрибаларини ўрганиш, муҳокама қилиш ва баҳолаш.

Дарс жараёни самарадорлиги ўқитувчининг дарсга пухта тайёрланиш билан белгиланади. Эътиборсизлик билан режалаштирилган ва пухта тайёрланмаган, ўқувчилар имкониятлари билан уйғунлашмаган дарс самарасиз бўлиши мумкин. Шунинг учун биринчи навбатда ҳар қандай ўқитувчи дарсга пухта тайёргарлик кўриши лозим.

Республика Халқ таълим вазирлигининг 2010 йил 24 майдаги 122-сонли буйруғи билан Халқ таълими тизимида умумтаълим муассасаларида дарсларни кузатиш ва таҳлил қилиш бўйича тартиб жорий этилди.

Ушбу тартиб қуидагиларни ўз ичига олади.

1. Умумий қоидалар: Ушбу тартиб «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Ўзбекистон Республикаси қонунлариiga мувофиқ умумтаълим мактабларида ўқитувчиларнинг дарсга тайёргарлигини ошириш, таълим тизими раҳбарларининг масъуллигини оттирийттга. қаратилган. Мазкур тартиб барча турдаги бошланғич ва умумтаълим муассасалари раҳбарияти ҳамда ўқитувчиларнинг дарсларга тайёргарлигини ташкил этишга қўйилган талаблар бўлиб, республика бўйича таълим муассасалари учун умумтаълим беришни такомиллаштиришга қаратилган ва бажарилиши мажбурийдир.

2. Дарс кузатиш ва таҳлил қилишнинг асосий мақсади ва вазифалари: Мақсад: ўқитувчига амалий - методик ёрдам бериш, ўқитувчи масъулиятини ошириш, дарс самарадорлигига эришиш.

Вазифалар:

— дарс кузатувчилар томонидан мактабда ўқитувчи ишига баҳо бериш;

- дарс жараёнининг дарс ўтиш этапларига мослигини кузатиш, кузатувчилар томонидан дарс ўтаётган ўқитувчига амалий - методик ёрдамлар беришга эришиш;
- илгор тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш;
- ўқитувчилар назарий билимларининг амалиётга мутаносиблигини таҳлил қилиш;
- ўқитувчиларни ўзаро бир - бирларининг педагогик усул ва услубарини ўрганишга даъват қилиш орқали таълим самарадорлигини ошириш.

3. Ўқитувчиларнинг дарсларга тайёргарлиги бўйича тавсиялар

Ўқитувчининг дарсга тайёргарлик даражаси тегишли фан метод бирлашмаларида кўриб чиқилиб, таклиф ва тавсиялар асосида мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича директор ўринbosарлари томонидан тасдиқланади.

Ўқитувчи дарсга тайёргарлик кўришида қуйидагиларга эътибор қаратиши лозим:

- дарсга тайёргарлик кўриш жараёнида ўқитувчи мавзувий режалаштириш, дарс ишланмаси, турли дидактик тарқатма материаллар ва кўргазмали куролларни тайёрлаш;
- дарсга Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларига мос равища аниқ мақсад қўйиш;
- дарс ўтадиган хонани тайёрлаш, досканинг тозалиги, бўр, латта ёки маркерларни тайёрлаш, АҚТ тайёрлигига эътибор қаратиш;
- мавзунинг илмийлиги ва изчиллиги, оддийдан мураккабга томон йўналтирилиши, кўргазмалилик ва берилаётган билим, янги ахборотларнинг ҳаётийлигига, жонли ва равон тилда очиб берилишига эътибор қаратиш;
- ўқув дастури асосида мавзуга ажратилган соатларнинг мослиги, ўқувчининг ёши ва шахсий-психологик хусусиятини ҳисобга олиб, уларни ўйлашга, изланишга ундаши, ижодкорлик, услугбий маҳорат, илгор педагогик ва новаторлик тажрибаларидан фойдаланиш.

10.2. Физика дарсларини кузатишдан кўзланган мақсадлар. Очиқ, кўргазмали, намунавий, ҳисбот дарслари ва уларга қўйилган талаблар асосида дарсни таҳлил қилиш.

Дарсларни таҳлил қилиш тартиби

1. Дарсларнинг кундалик режалари, баённомалари мактабнинг ўқув-тарбия ишлари бўйича директор ўринbosарлари томонидан тасдиқланади.
2. Дарснинг кундалик режалари ҳамда дарс таҳлиллари учун алоҳида дафтар юритилиб, саҳифаланади ва шнурланиб, таълимнинг бошқарув идораси раҳбарининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланади.
3. Ўқув йили давомида ҳар хафтада ўқитувчилар томонидан камида бир

соат, мактаб раҳбарлари ва ўринбосарлари, туман халқ таълими бўлими методистлари томонидан камида 4 соат, халқ таълими бошқаруви идоралари раҳбарлари томонидан камида 2 соат дарс таҳлил қилиниши лозим.

4. Дарс таҳлиллари дафтарлари ҳар ойда камида бир марта таълимнинг бошқарув идоралари раҳбарлари томонидан ўрганилиб, ишлаб чиқариш йиғилишларида муҳокама қилинади ҳамда тегишли таклиф ва мулоҳазалар қайд қилиб борилади.

5. Дарснинг кундалик режалари ва дарс таҳлиллари дафтарлари тегишли мактаб ва таълимнинг бошқарув идоралари архивида 3 йилгача сақланади.

Дарс кузатиш ва таҳлил қилиш кетма-кетлиги

- 1) дарс кузатувчининг мақсади;
- 2) дарс жараёнини кузатиш ва таҳлил қилиш;
- 3) дарс жараёнида ўқитувчининг дарс ўтиш этапларига амал қилиш;
- 4) дарс самарадорлиги ва ўқитувчининг иш фаолиятини янада яхшилашга оид дарс кузатувчининг таҳлиллари ҳамда таклиф ва мулоҳазалари.

Дарснинг таҳлилини қуидаги турларга бўлиш мумкин:

Илмий таҳлил; Методик таҳлил; Дидақтиқ таҳлил; Умумпедагогик таҳлил; Психологик таҳлил.

Илмий таҳлил — берилаётган билимларнинг илмий-назарий жиҳатини, ўқувчи бажараётган мустақил ишнинг мақсадга мувофиқлигини аниқлаш демакдир.

Дарс кузатувчи, ҳар бир раҳбар дарснинг илмий таҳлилида қуидагиларга эътибор бериши мақсадга мувофик:

1. Ўқитувчининг илмий жиҳатдан (ўзи мутахассис бўлган фанни илмий асосда чукур билиши) қуролланганлиги.
2. Шу кунги дарсга илмий жиҳатдан тайёргарлик ҳолати.
3. Ўз мутахассислигига оид энг янги илмий-назарий ахборотлар билан қуролланиб бориши.
4. Дарс жараёнида илмий қоида ва таърифларнинг тўғри баён этилиши ҳамда илмий атамаларнинг ўқувчиларга сингдириб бориши.
5. Дарсда таълимнинг ўзига хос хусусиятларининг ҳисобга олиниши.
6. Дарслик материалларининг қўшимча адабиёт материаллари билан бойитилиши.
7. Ўқувчи бажараётган лаборатория, амалий ҳамда мустақилишларнинг илмий йўналиш бўйича мақсадга мувофиқлиги.
8. Ўқувчилар хулосасининг илмий жиҳатдан тўғри, қисқа ва мукаммал баён этилиши ҳамда уни ўқитувчи томонидан назорат қилиниши.
9. Дарс давомида, янги мавзуни баён этиш жараёнида таълим- тарбия билан боғланиши.

10. Ўқитувчи ва ўқувчилар нутқининг илмийлиги.

Методик таҳлил — ўқитувчининг дарс жараёнида қўллаган усулларининг мақсадга мувофиқ эканлиги таълимнинг турига ва ўзига хос хусусиятларига қараб белгиланади. Ўқув материалларини ўқувчиларга баён қилиш ва тушунтириш жараёнида қўлланилган усулларнинг шу материалга мослиги ёки мос эмаслиги методик таҳлил давомида аниқланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўқитувчи дарсда қўллаган усулларнинг самарадорлиги, ранг-баранглиги, намунавийлиги унинг ўтган, янги мавзу материалини ўқувчиларнинг қай даражада ўзлаштириб олганликлари билан белгиланади. Шу боисдан ҳар бир дарс кузатувчи (ўқитувчи, директор, ўқув ишлари буйича директор ўринбосари, назоратчи ёки методист) дарс таҳлилиниң бу турига алоҳида эътибор билан қарashi лозим.

Дарс методларини таҳлил қилишда куйидагиларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир:

1. Дарс жараёнидаги ўқитувчи ва ўқувчилар фаолиятининг ташкилий шаклларига кўра: а) ҳикоя усули; б) оғзаки баён усули; в) сухбат усули.

. Уқувчилариинг ўзлаштиришига кўра: а) ўқитувчиларнинг сўзлаш усули; б) кўрсатмали қуроллардан фойдаланиш усули; в) дарслик, контурли карта, диаграмма ёки жадваллар билан ишлаш усули; г) лабаратория асбоблари билан ишлаш усули; д) техника воситаларидан (информатика, электрон ҳисоблаш техникаси, кинофильм, диафильм, радио, телевизор кабилар) фойдаланиш усули; е) синф доскасидан, география, тарих ёки зоологияга тегишли бўлган турли карталардан фойдаланиш усули кабилар.

Дидактик таҳлил — таълим турлари самарадорлиги, уни белгиловчи қонунлар ва қоидаларнинг дарсда қанчалик тўғри ҳамда мукаммал бажарилганлигини таҳлил қилиш демакдир.

Дарсни дидактик жиҳатдан таҳлил қилишда куйидагиларга эътибор бериш ўринли бўлади:

- Ўқитувчи баёнининг синф ўқувчилари жамоасига тўла тушунарли бўлиши ва бу баённинг изчил равишда ўқувчи онгига етиб бориши.
- Ўқитувчи фикрининг маънавий-маърифий тарбия талабига мос бўлганлиги.
- Барча ўқувчиларни ўқитувчининг бераётган материалини онгли равишда ўзлаштиришлари.
- Ўқитувчи баёнида ривожлантирувчи ва муаммоли таълимнинг мавжудлиги.
- Ўқитувчи фикрининг изчиллиги.
- Дарс жараёнида ёки янги мавзуни баён қилишда қўргазмали қуроллардан, тарқатма материаллар ва техника воситаларидан фойдаланишининг мақсадга

мувофиқлиги ёки номувофиқлиги.

• Экскурсия, тажриба, лаборатория ва амалий ишларнинг мақсадга йўналтирилганлиги.

• Дарслик билан ишлашнинг тўғрилиги.

• Мисолларнинг таълим-тарбия бирлигига мослиги.

• Дарснинг маълум бир тизимда олиб борилиши кабилар.

Педагогик таҳлил — дарсдаги ҳамма жиҳатларнинг қисқа ва енгил кўринишидаги таҳлилидир.

Дарсни умумий педагогик жиҳатдан таҳлил қилганда қуидагиларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир:

1. Ўқув ёки синф хонасининг дарс ўтишга тайёргарлик ҳолати (дарс жиҳозлари).

2. Ўқув ёки синф хонасининг санитария- гигиена ҳолати.

3. Дарс мавзуси ва унинг таълимий, тарбиявий мақсади.

4. Ўқитувчининг мазкур дарсга илмий-методик ва педагогик жиҳатдан тайёрланганлик даражаси.

5. Ўқитувчининг дарсни ташкил этиш ва дарс босқичларидан тўғри фойдаланиши.

6. Ўқитувчининг ўқувчилар олдида (таълим-тарбия беришида) педагогик жиҳатдан намунали шахс даражасига кўтарила олганлиги.

7. Ўқувчилар билимига қўйиладиган баҳонинг адолатли ва изоҳли бўлиши.

8. Ўқувчиларнинг дарсдаги фаоллиги, интизоми, мустақил фикр юритиши ҳамда мазкур фан асосларини ўзлаштириб олганлик даражаси.

9. Ўқувчиларнинг дарсга муносабати ва ҳурмат билан қараганлиги.

10. Ўқитувчининг дарсдаги бошқарувчилик роли ва иш услуби.

11. Ўқитувчининг дарс мавзусини таълим- тарбияга боғлаши.

12. Дарс жараёнида ёки янги мавзуни баён қилишда ўлкашунослик материалларидан фойдаланиши.

13. Дарсда ўқувчиларнинг сифат ўзлаштириши.

14. Ўқитувчининг дарсдаги таълимий ва тарбиявий мақсадига тўлиқ эриша олганлиги.

15. Ўқитувчининг илмий, методик ва умумпедагогик жиҳатдан ёрдамга эҳтиёжи кабилар.

Психологик таҳлилда:

I. Дарснинг аниқ мақсад ва вазифаларга боғлик равища тузилишига психологик баҳо бериш.

а) дарснинг мавзуси, мақсади ва вазифалари; б) дарснинг тузилиши ва унинг психологик жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги.

II. Дарснинг мазмунига психологияк жиҳатдан баҳо бериш:

а) ўқув материалларининг сифати (тасвириловчи, тушунтирувчи, кўргазмалилик, аниқлик, мавхумлик ва умумлашганлик даражаси); б) ўқувчининг билиш фаолиятини ривожлантириш, ўқув ахборотини идрок этиши; в) мазкур материал ўқувчилар билиш фаолиятининг ёш хусусиятларига, уларнинг ҳаётий тажрибаси ва билимлари даражасига мос келиши; г) ўқитувчининг мураккаб ўқув материалини мазкур ёшдаги ўқувчиларининг идрок этиши учун қулай, тушунарли ва қизиқарли уюштириш (баён қилишнинг равшанлиги ва оддийлиги, ёрқин мисоллар, ўхшатишлар, қиёслашларнинг мавжудлиги, кўргазмали материаллардан фойдаланиши, ҳаёт билан боғлаши); д) ўрганилаётган материалнинг тарбиявий таъсири (ахлоқий, эстетик ва ҳ-к.). Ўқитувчи унинг тарбиявий имкониятларини қай даражада амалга оширади.

Дарс таҳлиллари усууллари

Дарс кузатиш ва таҳлил қилиш орқали ўқувчиларнинг умумий тайёргарлиги, билим олишдаги фаолияти, ўқув фанига бўлган қизиқиши, диққат билан ишлиши, матн, харита, жадвал, асбоблар билан мустақил ишлай билиши, ўқувчига бўлган муносабати аникланади. Шу билан бирга ўқитувчининг фаолияти ҳам таҳлил қилинади. Чунончи, ўқитувчининг ўқув дастури материалларини билиш даражаси, янги мавзуни тушунтириш жараёнида асосий фикрни ажратиб олиши, илмийлик ва соддалик, кўргазмалилик тамойилларига риоя қилиши, дарс мақсадини тўғри қўйиши, дарс жараёнини тўғри режалаштириши, дарсда ҳамкорликка эриша олиши, билим ва кўнилмаларни ўзлаштириши назорат этиши, ўқувчилар билан якка ва жамоада ишлашни ташкил эта билиши. дарс мобайнида вақтдан унумли фойдаланиши ва педагогик муомала маданиятини эгаллаганлик даражаси каби жиҳатлар инобатга олинади.

Ўқитувчининг дарсини бир неча марта кузатиш ва таҳлил қилиш, унинг педагогик маҳорати, иш тизими, ўқувчиларининг ўзлаштириши, билим даражаси каби соҳавий ва касбий лаёқати юзасидан хулоса чиқариш имконини беради.

Таъкидлаш жоизки, умумий ўрта таълим мактаб ўқитувчиларининг дарсларини таҳлил қилишда кўпинча кузатувчилар дарсга яхлит тизим сифатида қарамай кўпроқ ташки жиҳатларига баҳо берадилар, дарснинг мазмун-моҳияти хусусида юзаки мулоҳаза юритадилар. Шунингдек, дарс таҳлилида ўқитувчининг кўргазмали қўлланмадан фойдаланиши, дидактик карточкалар билан ишлиши ва ҳоказолар айтилади-ю, аммо улардан нима максадда, қайси вазиятда фойдаланилгани, қанчалик самара берганлиги, вақт тақсимотига тўғри амал қилинганлиги, ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган-олмаганлиги каби масалалар тўғрисида фикр юритилмайди.

Бундан ташқари яна бир жиддий камчилик ўқитувчининг ўзини-ўзи таҳлил қилишига эътибор қаратмаслиkdir. Ўзини-ўзи таҳлил қилиш тамойили ўқитувчининг ўз фаолиятидаги ютуқ ва камчиликларини аниқлаш ва бартараф этишга оид мақсадли йўлни белгилаб олишига асос бўлади.

Ўқитувчилар аксарият ҳолларда дарс жараёнида қуидаги хато ва камчиликларга йўл қўядилар. Жумладан бу:

- дарс мақсади билан ўқувчиларни таништирмаслик;
- интерфаол методлардан самарасиз фойдаланиш;
- дарс жараёнида барча ўқувчиларнинг иштирокини таъминлай олмаслик;
- ўқувчилар билан якка ва жамоа тартибда ишлашга эриша олмаслик;
- ўқувчиларнинг мустақил ишлашини таъминламаслик:
- ўқувчилар бажарган ишларини вақтида баҳоламаслик;
- ўқитувчи нутқининг равон, таъсирчан эмаслиги;
- мавзуни амалиёт билан боғлаб тушунтирмаслик;
- мавзуни илмий ва амалий нуқтаи-назардан тушунтиришга эътибор бермаслик;
- синф доскаси, дарслик, ўқувчи дафтари, қўшимча адабиётлардан фойдаланишнинг тизимли йўлга қўйилмаганлиги;
- ўқувчиларга бериладиган саволларнинг муаммоли тарзда тузилмаганлиги кабилар.

Дарслар аниқ мақсад асосида кузатилиши ва таҳлил қилиниши лозим. Шундагина натижа самарали бўлади ва ўқув жараёни юзасидан аниқ хуроса чиқариш имконини беради. Дарс таҳлилида изчилликнинг, аниқ бир мақсаднинг йўқлиги, дарсга тасодифан қатнашиш, дарсни чуқур таҳлил қила олмаслик, ўқитувчига амалий ёрдам кўрсата олмаслик каби жиҳатлар дарслар сифатининг ва савиясининг пасайиб кетишига олиб келади.

Дарсларни таҳлил қилиш фақатгина методик аҳамиятга эга бўлмай, балки мактабда ўқув-тарбия жараёнига раҳбарлик ва назоратнинг муҳим шаклларидан биридир. Ўқитувчи дарсини кузатиш ва таҳлил қилиш амалиётининг тизимли амалга оширилиши дарсларни қиёслаш ва йўл қўйилган хатоларнинг бартараф этилганлигини аниқлаш имкониятини беради.

Ўқитувчиларнинг ўзаро дарс кузатилиши тажриба алмашинув жараёни бўлиб, дарс ўтаётган ўқитувчи бор маҳоратини ишга солиб, юқори ишchanлик билан фаолият кўрсатса, таҳлил қилувчи ўқитувчи эса таклиф ва мулоҳазалар бериш орқали тажрибасини бойитади, методик малакасини оширади.

Дарс таҳлили ўқув машғулотини кузатиш, ўрганиш шаклида олиб борилади. Шу ўринда савол туғилади. Ўқитувчининг дарси ким томонидан кузатилиши лозим. Қандай мақсад билан кузатилади ва таҳлил қилинади. Ўқитувчининг дарси вилоят ХТБ, туман халқ таълими бўлими, таълим муассасалари

раҳбарлари, ходимлари, методистлар ва ўқитувчилар томонидан кузатилади ва таҳлил килинади.

Дарсни кузатувчи қандай дарс турлари борлигини билиши лозим

Улар қу йидагилар:

1. Аралаш дарс.
2. Янги билимларни ўзлаштириш дарси.
3. Ўзлаштирган билимларни мустаҳкамлаш дарси.
4. Умумлаштириш ва системалаштириш дарси.
5. Амалий кўникма ва малакаларини шакллантириш дарси.
6. Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини текшириш дарслари.
7. Янги педагогик технологияларни ўзлаштириш ва амалиётга қўллаш дарси.

Дарс-ўкув жараёнининг жуда кўп таълим-тарбия қирраларини ҳал қилувчи асос ҳисобланади. Шунга кўра дарсни кузатувчи ва таҳлил қилувчилардан маҳсус тайёргарлик кўриш талаб этилади.

Дарсни таҳлил қилиш қуйидаги босқичларда амалга оширилади.

- Дарсни кузатишга тайёргарлик.
- Дарснинг боришини кузатиш.
- Ўз-ўзини таҳлил қилишни таъминлаш.
- Дарс таҳлили ва таклифлар бериш.

Дарсни таҳлил қилишда қуйидагиларга эътибор қаратиш тавсия этилади.

1. Дарсни кузатишдан олдинги тайёргарлик:
 - дарсни кузатишдан кўзланаётган мақсад ва вазифаларни шакллантириш;
 - кузатиладиган дарсни аниқ белгилаб олиш;
 - дарс кузатиш тузилмасини тайёрлаш;
 - керакли материалларни тайёрлаш, ўқитувчи билан сухбатлашиш.
2. Дарснинг мақсадларини таҳлил қилишда:
 - ўкув фани ва мавзунинг ўзига хос томонлари, ўқувчилар ёши ва билим даражасини эътиборга олинган ҳолда таълим-тарбия мақсадининг ўринли ва асосли қўйилганлиги;
 - ўқувчиларнинг тайёргарлиги ўрганилаётган мавзу бўйича дарслар тизимидағи айнан шу дарсни ўрганилиши ҳисобга олган ҳолда мақсад қўйилишининг тўғрилиги ва асосланиши;
 - дарс асосий ғоясининг тўғри қўйилиши ва ўқувчиларга дарс мақсадининг етказилиши, мақсадга эришиш даражаси.
3. Дарс тузилмаси ва дарснинг ташкил қилинишини таҳлил қилишда:
дарс тузилмасининг дарс мақсадларига мослиги; дарс тўғри ва структурасининг пухта ўйланганлиги; дарс босқичларининг мантиқий кетма-

кетлиги ва бир-бiri билан боғлиқлиги; ўқитиши шакларининг тўғри танланганлиги; дарс режасининг мавжудлиги ва унинг ўқитувчи томонидан бажарилишини ташкил қилиши; дарс жихозлари.

Дарслар қўйидаги босқичларда ташкил этилиши мумкин:

1. Дарснинг мавзусини таърифлаш.
2. Дарснинг мақсадини тушунтириш.
3. Ўтган дарсда уйга берилган вазифаларни текшириш.
4. Янги материални баён қилиш ва ўқувчиларнинг мустақил ишлашини таъминлаш.
5. Ўтилган ўқув материалларини такрорлаш ва уни машқ ёки амалий ишлар билан мустаҳкамлаш.
6. Ўрганилган материалларни сухбат тарзида такрорлаш.
7. Ўқувчилар билимини текшириш ва баҳолаш (дарс давомида такрорлаш ёки уй вазифасини текшириш пайтида ҳам амалга оттиритт мумкин).
8. Дарсни яқунлаш.
9. Уйга вазифани бериш ва уни тушунтириш.

10.3. Дарсни баҳолаш мезонлари

Дарс мазмунини таҳлил қилишда:

- дарс мазмунининг Давлат таълим стандарти талабларига мослиги;
 - материалларнинг тўлиқлиги ва тушунарлиги;
 - баён қилинаётган материалнинг илмий даражаси;
 - дарснинг тарбиявий йўналиши, тарбиявий таъсир даражаси;
 - дарснинг ҳаёт, меҳнаттарбияси ва касбгайўналтириш билан боғланиши;
 - ўқувчилар томонидан янги билимларни қабул қилишдаги қийинчиликларни бартараф этиш;
- янги материалнинг асосий гоясини ажратиш. Янги тушунчаларни шакллантириш. Таянч билимларнинг муҳимлигини кўрсатиш. Ўқувчиларнинг мустақил ишларини таҳлил қилишда:
- машқ ва топшириқларнинг хусусиятлари, мустақил ишларнинг турлари, мураккаблик даражаси. ўқувчилар тайёргарлик даражасининг ҳисобга олинганлиги;
 - ўқитувчи томонидан тушунтириш ишларининг олиб борилиши, ўқитувчининг ёрдами. Янги материалнинг ўзлаштирилганлик даражаси;
 - янги мавзуни олдинги мавзулар билан боғланганлиги. Такрорлаш (ташкил қилиш шакллари. усуллари, ҳажми).

Дарс ўтиш методикасини таҳлил қилишда:

- ўқитишининг метод, восита ва усулларини танлашда ўқув материалининг мазмуни, дарс мақсадлари, синфнинг имкониятларига мос танланганлиги ва

асосланганлиги;

- ўқитувчи томонидан дарснинг ҳар бир босқичида метод, усулларни тўғри қўллаганлиги, ишлатилаётган метод ва усулларнинг хилма-хиллиги;
- кўргазмали қуроллар, тарқатма материаллар, техника воситаларидан самарали фойдаланганлиги;
- ўқитувчининг методик қуролланганлиги ва педагогик маҳоратини баҳолаш.

Ўқувчилариинг дарсдаги интизоми ва иш фаолиятини таҳлил қилишда:

- синфга умумий баҳо бериш. Синф ўқувчиларининг диққати ва фаоллиги. Фанга бўлган қизиқиши, уларнинг дарс босқичларидағи лаёқати;
- ўқувчилариинг мустақил ўқув фаолиятини ташкил қилиш. Ўқув фаолияти шаклларидан фойдаланишнинг самарадорлиги ва мақсадга мувофиқлигини баҳолаш;
- умумтаълим ва маҳсус кўникма ҳамда малакаларни шакллантириш. Ягона талабларнинг бажарилиши;
- иқтидорли ва бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар билан якка тартибда ишлаш. Умумий ва якка ишлаш фаолиятини биргаликда олиб бориш;
- синфнинг интизоми ва интизомни сақлаш усуллари.

Ўқитувчининг ўқувчилар билан мулоқотини таҳлил қилишда:

педагогик этикаси, нутқи, ахлоқий ва психологик иқлимининг ташкил этилиши.

Ўқувчилар билимини баҳолаш: ўқувчиларга берилган билим, кўникма ва малаканинг сифати; мустаҳкам ва чуқур билим берилиши ва материалларнинг асосий томонларини кўрсата олиши, амалий кўникмаларни эгаллаганлик даражаси; текшириш турлари. Баҳоларнинг жамланганлиги.

Уй вазифасини таҳлил қилишда: уй вазифасини беришдан мақсад ва ҳажми; синфда бажарилган иш билан уйга берилган вазифанинг ҳажми; уйга берилган вазифанинг хусусияти (ижодий, такрорлаш, мустаҳкамлаш, ривожлантириш); уй вазифасини беришда ўқитувчининг изоҳи.

Дарсни баҳолаш мезони

Дарсни баҳолаш мезони		балл	изоҳ
Ўқитувчиларнинг дарсга тайёргарлиги			
1.	Дарс ишланмаси, кўргазмалари ва унинг сифати	4	
2.	Ишланмада мавзунинг ДТС талаблари ва тарбиявий мақсадларини кенг ёритилиши	4	
3.	Ўқитувчининг дарс мавзусини илмий-услубий ва педагогик жиҳатдан ўзлаштирганлиги	4	
4.	Ўз мутахассислигига доир янги илмий, назарий, ахборотлар билан қуролланганлиги	4	
5.	Дарсда компьютер ёки техника воситаларидан фойдаланиш	3	
6.	Дарслик материалларидан ташқари қўшимча адабиётлардан фойдаланиш	4	
Ўқитувчининг дарсни ташкил этиши			
1.	Дарсда вақтни тўғри тақсимлаш	4	
2.	Дарсда кўргазмали қуроллардан ўринли фойдаланиш ва унинг самарадорлиги	4	
3.	Дарс жараёнида ўқувчиларни Ватанга муҳаббат, садоқат, миллий қадриятларимизга хурмат билан қараш руҳида тарбиялаш	4	
4.	Ўқитувчининг дарсда янги материалнинг ўқувчилар томонидан тўлиқ ўзлаштирилишига эришиши	4	
5.	Дарсларда методлардан фойдаланиш самарадорлиги	4	
6.	Ўқитувчининг турли услублардан самарали фойдаланиши	4	
7.	Ўқувчиларнинг мустакил ишлари ва эркин фикрлаш қобилиятини ўстиришини ташкил эта билиши	4	
8.	Дарсда дарслик ва қўшимча адабиётлардан фойдаланиши	4	
9.	Ўқувчи билан ўқитувчи ўртасида муомала маданияти	4	
10.	Ҳар бир ўқувчига дифференциал ёндошуви	3	
11.	Ўқувчилар билимини рейтинг асосида тўғри баҳолаши	4	
12.	Уй вазифаларининг бажарилишини назорат қилиш аҳволи	4	
13.	Дарсда муаммоларнинг қўйилиши ва ҳал қилиниши	3	
14.	Ўқувчининг нутқ маданияти ва уни ривожлантирилиши	4	
15.	Ўтилган мавзуларни тақрорланиши ва янги мавзу билан боғлиқ олиб борилишининг мақсадга мувофиқлиги	3	
16.	Бутун дарс давомида ўқувчиларнинг билим эгаллаш фаолиятини тўғри ташкил этилиши	4	
17.	Дарсда ўқувчилар дафтарлари билан ишлашнинг аҳволи	3	
18.	Ўқувчиларнинг назарий билимларини амалиётга қўллай билишига эътибор қаратилишининг ўргатилиши	3	
19.	Синф ўқувчиларининг фаолияти	3	
20.	Фанлараро боғланиш ва уни қўллай олиш услуби	3	
21.	Ўқувчиларда ўқиш учун масъулият ҳиссини тарбиялашга эришганлиги	4	
Изоҳ	100-85 балл бўлса «5»баҳо, 84-75 балл бўлса «4» баҳо, 74-60 балл бўлса «3» баҳо, 60 баллдан кам бўлса «2» баҳо билан баҳоланиши ҳам мумкин.		

Физика фанлари бўйича намунавий дарсни баҳолаш мезони

1.	Дарс босқичлари бўйича амалга ошириладиган ишлари	Бериладиган
2.	Дарс мақсади ва вазифаларини белгилаш усули. Дарс жараёнида тарбиявий мақсадларнинг амалга оширилиши ва унинг дарс мавзуси билан узвийлиги	2 баллгача
3.	Синф хонаси, дарс жиҳозлари, дарс мавзусига тегишли кўргазмали қуролларнинг тайёрлиги. психологик ва гигиеник талабларнинг бажарилиши	2 баллгача
4.	Дарсда техник, АҚТ ва кўргазмали қуроллар, дидактический материаллардан фойдаланиши, уларнинг дарс самарадорлигини оширишдаги аҳамияти	2 баллгача
5.	Дарсда билим олишга онгли равища ёндошишини оширувчи усуллардан фойдаланиши, дарснинг қўшимча манбалардан фойдаланишга йўналтирилиши	2 баллгача
6.	Дарсда ўқувчилар хотирасини мустаҳкамлашга қаратилган усуллардан фойдаланилиши ва унинг натижада билим олиш жараёнини мустаҳкамлаши. Дарслик билан дарс жараёнида ўқувчиларни ишлатиши.	2 баллгача
7.	Ўтилган мавзуни текшириши ва такрорлашни қайта алоқалар орқали тўғри ташкил этилганлиги. Ўқувчилар билимини текширишда уларнинг саводхонлигига ва нутқига эътибор қаратиши.	2 баллгача
8.	Янги мавзуни ифодалашда педагогнинг нутқ маданияти, илмийлиги, тизимлилиги. тушунарли бўлиши, мавзуни очиб бериши, ўз фанини билиш даражаси	3 баллгача
9.	Дарс давомида реакция, тош лампалар ва формулаларнинг тўғри талқин қилиниши	2 баллгача
10.	Дарс мавзусини ва ўтказиладиган лаборатория машғулотини аниқ, равон ва содда тушунтирилиши	2 баллгача
11.	Ўқувчилариинг дарс жараёнида мустақил ишлашларини ташкил этилиши ва билим олишда фаолликнинг ташкил этилиши.Лаборатория ёки амалий машғулотнинг бажарилишида ўқувчиларнинг ўзлари бажаришларини	2 баллгача
12.	Дарс жараёнида методик, педагогик усул ва методлардан фойдаланиш маҳорати	2 баллгача
13.	Дарсни якунлаш усулларидан тўғри фойдаланиши, дарснинг мақсад ва вазифаларини ўқувчилар онгига	2 баллгача

14.	Уй вазифасини бериш услуби. Ўкувчилариинг баҳосини таҳлил этиб, ифодалаб бериши	2 баллгача
15.	Хавфсизлик чораларининг кўрилганлиги (куруқ ва суюқ моддаларнинг сақланишига амал қилинганлиги, биринчи ёрдам кўрсатишнинг тайёrlиги) Ўқитувчи томонидан дарс давомида хавфсизлик қоидаларига амал қилиниши	2 баллгача
16.	Машғулотни бажариш учун асбоб схемасининг тушунтирилиши	2 баллгача
17.	Ишни хulosалаш ва ишлатилган асбоблар, реактивларнинг ҳолатига аҳамият берилиши	2 баллгача
18.	Уй вазифасини бериш услуби, дарсни якунлаш усувларидан тўғри фойдаланиши, бажарилган лаборатория ёки ёки амалий машғулотларнинг бажарилиши ва жараённинг реакция тенгламаларини ёзилишидаги хато, камчиликларни тўғри таҳлил қилиш ҳамда дарснинг мақсад, вазифаларини ўқувчилар онгига етказилиши	2 баллгача
	ЖАМИ:	35 балл

4.2
модул

АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ: ФИЗИКА ФАНИ МАЗМУНИ, УНИ ЎРГАНИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА МЕТОДЛАРИ

Ишнинг мақсади: Ўқувчиларни физика ўрганишда замонавий технологиялар ва методлардан фойдаланишга ўргатиш

Амалий машғулот топшириқлари

1. Илмий изланиш методларига (кузатиш, тажриба, таққослаш, аналогия, анализ ва синтез, умумлаштиритт, абстракциялаш, конкретлаштириш ва классификациялаш) мисоллар.
2. Ўқитиш методларининг (изоҳли-кўргазмали, намойиш, китоб билан ишлаш, репродуктив, эвристик (ўқув кашфиёти), муаммоли вазият, тадқиқот ва лойиҳалар методи, муайян вазиятларни ўрганиш (кейс- стади) методи, маъруза, ҳикоя, оғзаки йўл-йўриқ бериш, тушунтириш, сұхбат методлари, амалий машғулот, лаборатория иши) фойдаланиб мавзуни ёритиши.
3. Хулоса чиқариш методларини (индукция, дедукция ва аналитик метод) қўллаш бўйича таклифлар.
4. Таълим методларини танлаш бўйича тавсиялар.

Назорат саволлари:

1. Илмий изланиш методлари деганда нимани тушунасиз?
2. Ўқитиш методларининг қандай турларини биласиз?
3. Таълим методлари деганда нимани тушунасиз?
4. Дарс самарадорлигини оширишда қайси методлардан фойдаланишни қулайроқ деб ҳисоблайсиз?



2-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ: ЎҚУВЧИЛАРДА КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ФАНЛАРАРО БОҒЛАНИШЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Ишнинг мақсади: Ўқувчиларда компетенцияларни шакллантиришда фанлараво боғланишлардан фойдаланиш.

Физика фанининг бошқа фанлар билан узвий боғлиқлиги. Физика билан бошқа умумтаълим фанлари орасидаги боғланишларга доир мисоллар

Физика курсининг бошқа ўқув предметлари билан боғланиши:

Физика курсининг бошқа ўқув предметлари билан боғланишини амалга оширишдан асосий мақсад: билимнинг системалиигини таъминлаш; табиат ҳодисалари ва уларнинг бир-бiri билан боғланганлиги ҳақидаги тасаввурларни ўқувчилар онгидаги шакллантириш; ўқувчиларда ҳодисалар, тушунчалар ва назариялар орасидаги боғланишларни ўрната олиш маҳоратини шакллантириш; ўқитишда политехник йўналишни кучайтириш; ўқувчиларда асосий табиат қонунларининг умумийлиги ва табиий билимларнинг турли соҳалардаги аҳамияти ҳақидаги тасаввурларни ҳосил қилиш.

Физика курсининг математика билан боғланиши: Тақрибий ҳисоблашлар 6-7 синфда ёк қўлланилади. 8-синф лаборатория машғулотларида ўлчаш хатоликларини аниқлаш тавсия этилади. Механикани ўрганишда тригонометрик функция, квадрат тенглама ва бошқа математик амаллардан кенг фойдаланилади. Физика курсида газ қонунларини ўрганиш жараёнида газнинг ҳолатини ва уларнинг ўзгаришини таҳлил қилишда графиклардан кенг фойдаланилади. График услубнинг аналитик услубдан бир қанча афзалликлари бор: графика физик жараённинг боришини кўрсатади, ҳодисанинг динамикасини кўргазмали равишда очиб беради. График услуб, ҳаракат графиги, турли муҳитларнинг электр ўтказувчанлиги, деформация ва бошқалар асосида ёритилади. Математик тушунчаларни ўз ўрнида ва тўғри ишлатиб бориш лозим. Масалан, физик формулаларни ноъмалум катталикларни аниқлашда, формулада бўлиш, кўпайтириш амали, пропорционаллик тушунчаси ишлайди. Физика курсини ўрганиш давомида ўқувчилар математик формулалар реал боғланишларни акс эттиришини ва улар бу боғланишлардан келиб чиқишини кўриб боришлари лозим. Предметлараро боғланиш предметлар ҳақидаги билимларни мустаҳкамлайди, фанга қизиқиши орттиради.

Физика курсининг кимё билан боғланиши: Физика ва кимё курслари учун умумий бўлган кўпгина тушунча ва катталиклар мавжуд. Атом тузилиши ҳақидаги ўқув материали қуйидагича тақсимланган: электрон қобиқнинг хоссалари ва тузилишига оид ҳодисалар кимё курсида ўрганилиб

(нурланишдан ташқари), электрон қобиқнинг тўлиб бориши, атом ядросининг тузилиши ва хоссалари физика курсида ўрганилади.

Физика курсида токнинг кимёвий манбалари ўрганилаёиганда кимё курсида рух ва бошқа материалларнинг кислоталар билан ўзаро таъсирлари кўриб чиқилади. Шунинг учун ток манбаларидаги электролитлар ҳақида гапирганда уламинг кимёвий формулаларини ҳам ёзиб кўрсатиш мумкин. Электролитик диссоциация ва электролиз ҳодисаларини ўрганишда ўқувчиларнинг кимёдан олган билимларини қўллаш ва уни тушунтириш қатъий мослашишни талаб этади. Бу ерда физика курси учун учта масала мухимдир: кислота, ишқор ва тузларнинг диссоциацияланиш жараёни, электролитларнинг электр ўтказувчанлик механизми ва электролиз вақтида содир бўладиган жараёнлар.

Физика билан кимёнинг боғланишини синфдан ташқари машғулотларда ҳам амалга ошириб борилади. Масалан, моддаларнинг физик ва кимёвий хоссаларини ўргатишида физика-кимё фанларининг боғлиқлиги эслатилиши лозим.

Физика курсининг биология билан боғланиши: Физика ва биология курслари орасида ўзаро боғланишни ўрнатиш йўллари қуйидагича:

- ўсимлик, ҳайвон ва инсон ҳётига таъсир қиласиган ҳодиса ва қонуниятларни ўрганиб, бу таъсирларни тушунтириб бориш;
- атмосферанинг пастки қатламларидаги турли кўриниттга. эга бўлган электромагнит нурланишларни ўрганиш ва уларнинг органик дунёга таъсирини тушунтириш;
- биология дарсларида ўқувчиларни ўсимлик, ҳайвон ва инсоннинг ўсиши ва ривожланишига таъсир қилувчи физик ҳодиса ва қонуниялар билан таништириш (капиллияр ҳодисалар, буғланиш, намлик, иссиқлик алмашуви, фотосинтез ва х.к.);
- биологияда қўлланиладиган тадқиқотларнинг физик услубларини ва физик асбобларни ўрганиш.

Физика ва биологиядан комплекс тажриба ва лаборатория ишларини ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Турли қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг (сабзавот, дон...) зичлигини ва ҳажмий массасини аниқлашга, хар хил тупроқларнинг иссиқлик ўтказувчанликларини солишишига мўлжалланган лаборатория ишларини бажариш фойдалидир.

Синфдан ташқари машғулотларда физика билан биологиянинг боғланишини кўрсатиш имкониятлари катта. Масалан, биофизика тўгарагини ташкил қилиб, унда қуйидагича масалаларни кўриб чиқиш мумкин: «Тупроқнинг иссиқлик хоссаларини ўсимликларнинг ўсишига таъсири». «Уруғга электр майдон таъсир эттириб экилганда ҳосилдорликка таъсири».

Физика кечалари уюштириб унда жонли табиатдаги физикани ўрганиш, табиатта экскурсия, она юрт бўйлаб саёҳатлар ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Физика курсининг меҳнат таълими билан боғланиши: Ўқувчиларни меҳнат дарсларида олган билимларидан физикани ўрганишда фойдаланиш йўллари қуидагича: 1) ўқувчиларни ўқув устахоналаридағи иш тажрибаларида физик ҳодисаларни, қонунларни ва уларни техникада қўлланишларини тушунтиришда, муаммоли вазиятлар ҳосил қилишда, физик билимларнинг қўлланишини намойиш қилишда фойдаланиш; 2) меҳнат дарсларида олинган натижаларга асосланган масалалар ечиш; 3) физика тажрибаларида техника объектларидан фойдаланиш; мактаб устахоналарида кузатишлилар ташкил қилиш (уй вазифаси сифатида).

Физика ўқитувчиси ўқув йили бошида мактаб устахонаси ва уларнинг жиҳозланиши олиб бориладиган ишлар билан танишиб чиқиши ва унга асосан боғланишни амалга ошириш режасини тузиб олиши лозим. Меҳнат таълими ўқитувчиси ҳам дарсларда физик ҳодиса ва қонунлардан кенг фойдаланиб бориш имкониятига эга. Унда кўриладиган ва қилинадиган ишларнинг кўп қисми физик қонуниятларга асосланади (ишқаланиш, қаттиқ жисмларнинг хоссалари ва ҳ.к.).

Предметлараро боғланишни амалга оширишнинг дидактик асослари Предметлараро боғланишни амалга ошириш педагогика фани олдида турган мухим муаммолардан биридир. Йирик илмий тадқиқотлар ва мураккаб техника масалаларини ҳал қилиш бир неча фанларнинг биргаликда комплекс қидириш ишлари натижасида амалга оширилади. Амалиёт эҳтиёжлари натижасида фанларнинг интеграцияси ва дифференцияси вужудга келди. Бу эса ёш авлодни ўқитиши мазмунида ўз аксини топиши лозимлигини кўрсатади. Буни предметлараро боғланиш орқали амалга оширилади.

Предметлараро боғланишни амалга ошириш орқали ўқувчиларнинг билим даражасининг ортишига, илмий дунёқарашининг тўғри шаклланишига, фикрлаш қобилиятларининг, ижодий қобилиятларининг ривожланишига, бутун ўқув жараёнини такомиллаштиришга шароит яратилади.

Предметлараро боғланиш политехник таълимни амалга оширишда ҳам катта рол ўйнайди. Чунки жуда кўп технологик жараёнларни бир неча фанлардан олинган билимлар асосида тушиниш мумкин. Демак. ўқувчилар ишлаб чиқариш тамойилларини тушунадиган бўлишларига предметлараро боғланишни амалга ошириш орқали эришилади. Масалан, электролиз орқали электролитик сирлаш ишларини факат физика ва кимёдан олган билимларни комплекс қўллаш орқали тушуниш ва тушунтириш мумкин.

Гўшт ва сут маҳсулотларини кўпроқ олиш ҳайвонлар физиологияси ва физик омиллар (ҳаракат, намлик, ёритилганлик, электр ва магнит майдон,

электромагнит нурланиш,...) ҳақидаги билимларни комплекс қўлланишни талаб этади.

Педагог олимларнинг ва мактаб ўқитувчиларининг олиб борган ишларига асосан предметлараро боғланишларни қўйидаги йўналишларда амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

1. Ўқув предметларининг шундай кетма-кетлигини танлаш лозимки бир предметни ўрганиш иккинчисини ўрганишга асос яратсин.
2. Тушунча ва маҳоратни амалга оттириттда. изчилликни таъминлаш.
3. Умумий тушунчалар, қонунлар, назарияларни тушунтиришда бирликни таъминлаш.
4. Умумий тушунча ва малакаларни шакллантиришда умумий ёндошишни амалга ошириш. Масалан, кўпгина ўқув предметларига умумий бўлган китоб билан ишлаш малакаси, ўлчаш, ҳисоблаш, график ва бошқа малакалари ўқувчиларда шакллантиришга умумий ёндошишни амалга ошириш.
5. Ўқувчиларнинг илмий дунёқарашларини шаклиантириш.
6. Турли фанларда қўлланадиган тадқиқот услубларининг умумийлигини кўрсатиш (масалан, физика, химия ва биологиядаги тадқиқотда кузатиш ва тажрибалар).
7. Турли предметларда бир тушунчанинг такрорланишини йўқотиш (бу ўқувчиларнинг ўқишга бўлган муносабатларига салбий таъсир кўрсатади).

Предметлараро боғланишни амалга ошириш усуллари асосан қуйидагилардан иборат: 1) бир предметда ўрганилган ҳодисани бошқа предметда аввалроқ ўрганилган ҳодиса билан боғланишини қўрсатиш; 2) бир предметда ўрганилган билимга бошқа предметдан билим олишда суяниш; 3) предметлараро боғланишга хос масалалар ечиш; 4) предметлараро боғланишга хос лаборатория ишларини бажариш.

Предметлараро боғланишни амалга ошириш имконини туғдирувчи ўқув машғулотларининг шакллари қуйидагилардан иборат: 1) предметлараро боғланиш элементига эга бўлган дарс; 2) предметлараро боғланишга хос семинар ва анжуманлар; 3) комплекс экспкурсиялар. Масалан, физика ва биологиядан табиатга экспкурсия; 4) предметлараро боғланишга хос лаборатория практикуми; 5) тадқиқот элементига эга бўлган мактаб участкасида тажриба ва кузатиш ишлари.

Кўпгина тушунчалар бир неча ўқув предметлари учун умумий ҳисобланади. Масалан, "модда" ва "майдон" тушунчалари табиий илмий фанлар учун умумийдир. Модда физика, кимё ва биологиянинг ўрганиш объектидир. Майдон материянинг бир кўриниши сифатида физикада ўрганилиб, кимё ва биологияда ундан фойдаланилади.

Турли фанлар бу тушунчаларнинг турли жиҳатларини ўрганади. Физика модда ва майдоннинг тузилишини, уларнинг физик хоссаларини, уларда содир бўладиган жараён ва ҳодисаларни ўрганади; кимё моддани кимёвий боғланиш сифатида кўриб чиқади, кимёвий элементларнинг хоссаларини, кимёвий реакцияларнинг қонунларини ўрганади; биология атом ва молекулаларнинг тирик ҳужайра даражасидаги мураккаб бирикмаларини, оқсил бирикмаларини, яъни тирик ҳужайралар ҳосил қилувчи бирикмаларни ва уларнинг хусусиятларини ўрганади. Шунга мос равишда "модда" тушунчаси мактаб физика, кимё ва биология курсларида ҳам ўз аксини топган. Агар физика, кимё ва биология курсларини ўрганиш жараёнида "модда" ва "майдон" тушунчаларини шаклланлириш кетма-кетлиги тўғри танланса, турли предметларда уларни тушунтиришнинг бир хиллиги таъминланса, бу тушунчалар ўқувчилар онгидаги тўғри шаклланиб боради.

Битиравчи синфларда битириш имтиҳонларидан олдин "модда ва майдон - материянинг икки кўринишидир" мавзусида умумлаштирувчи маъруза ёки умумлаштирувчи семинар ўтказиш мақсадга мувофиқ. Бунда ўқувчиларнинг модда ва майдон ҳақидаги турли синфларда турли предметларни ўрганиш жараёнида олган билимлари умумлаштирилади ва тартибга келтирилади.

Предметларо боғланишни амалга оширишга асосланган семинарни ўтказиш режасини шу масала киритилган предметлар ўқитувчилари биргаликда тузадилар, ўтказиш вақтини аниқлайдилар. Ўқитувчилар ўз дарсларида ўқувчиларни семинарга тайёрлаб борадилар, консультациялар берадилар. Ўқитувчилар мавзу юзасидан маъруза ва рефератлар тайёрлайди. Агар семинарга иккита предмет бўйича билимни умумлаштириш масаласи киритилган бўлса, ҳар бир предметга бир соатдан вақт ажратилади. Семинар режаси икки ҳафта аввал эълон қилинади. Семинар режаси ва тавсия этилган адабиётлар рўйхати кўринадиган жойга илиб қўйилади. Консультация жадвали тузиб қўйилади.

Семинарни ўқитувчилардан бири олиб боради. Ҳар бир ўқитувчи ўз предметига оид маъруза ва чиқишлиарга баҳо қўйиб боради. Бу семинарда ҳар бир предметда дарсда ўтилганлар умумлаштирилади ва тартибга солинади.

Физикани бошқа фанлар билан боғлаб ўтиш дарсларида компетенцияларни шакллантириш ва ўқувчиларни касбга йўналтиришга қаратилган тадбирлар.

Физика ва математика фанларидан ўзаро алоқанинг муҳим шаклларидан бири физик мазмундаги математик масалаларни ечишдир. Бир пайтда ҳам физикага, ҳам математикага тааллуқли бўлган масалаларни ечиш(харакатга, зичликга доир) фойдалидир. Физика фани математиканинг

арифметика ёки алгебраик ифодалари билангина боғланиб қолмасдан, балки геометрия билан ҳам узвий боғлиқдир. Жисмларнинг шакли тўртбурчак, квадрат, доира, учбурчак, кўпбурчак, шар, куб, тўғри бурчакли параллелепипед ва ҳ.к. кўринишларида бўлиши мумкин. Бунда албатта, уларнинг ўлчамларини аниқлаш геометрияда олинган билимлардан фойдаланиш орқали амалга оширилади.

Айрим мавзуларни ўрганишда фанлараро компетенцияларни шакллантириш имкониятлари мавжудлиги кўрсатилган. Жумладан, тупроқдаги намликни ўлчаш учун нам тупроқнинг массаси ўлчаб олиниб, сўнгра қуритилган тупроқ массаси ўлчаниб ундаги сув миқдори топилади. Бунда тарозида модда массасини ўлчашдан фойдаланилади. Кўпгина қишлоқ хўжалик экинларининг сифатини уларнинг зичликларини ўлчаш орқали аниқлаш мумкинлиги айтилади.

Халқимизда кўриниши бир хил, лекин қўл билан чамалагандага оғирроқ бўлган қовун ширин чиқиши ҳақида гаплар бор. Демак, ширин қовуннинг зичлиги, бошқасига қараганда каттароқ бўлишини тажрибалар ёрдамида бажариб кўриш мумкин. Худди шундай зичлиги катта бўлган картошкадаги крахмал миқдори бошқаларига қараганда кўпроқ бўлиши тажрибада аниқланиши мумкин. Бу билан олинган билимлардан кундалик турмушда учрайдиган муаамоларни ҳал этиш, яъни компетент инсонни шакллантириш вазифаси бажарилади.

Букилган қўл ёрдамида, ёзилган қўлга нисбатан кўп юк кўтариш мумкинлиги ва унинг сабаби қўлнинг ричакга ўхшаб ишлаши билан тушунтирилади. Ерга ишлов беришда плуг, борона, трактор ғилдирагининг ерга берадиган босими, ўроқлар ва ер ковловчи мосламалар ҳам босим орқали ўргатилади.

Температура мавзусини ўрганилганда уй ҳайвонларининг температуралари келтирилади. Экинлар экиш учун ердаги ҳарорат, ўсимлик, ҳайвонот дунёси учун Қуёш нурларининг аҳамияти, шунга кўра озуқаларнинг энергия бериши физика ва биология фанларини чамбарчас алокада олиб борилишини тақозо қиласи. Инсон организмида доимий равища озиқ моддаларнинг оксидланиши рўй бериб туради. Бунда “Ёқилғи”

сифатида углеводлар ва ёғлар, ҳамда бироз оқсиллар ишлатилади. Организмда 1г оқсил ва углевод оксидланиши натижасида 17 Ж энергия ажралади. 1г ёғ оксидланганда эса -38 Ж энергия ажралади. Мазкур маълумотлардан фойдаланиб ўқувчи учун, жисмоний ёки ақлий меҳнат билан шуғулланадиган инсонлар учун бир суткада истеъмол қилиши учун керак бўладиган озиқ-овқатларни ҳисоблашни масала қилиб бериш мумкин. Бу билан шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириш компетенцияларининг элементлари шакллантирилади.

Физика фанини ўқитища. меҳнат таълими жараёнида олган билим, кўникум ва малакаларидан, меҳнатни ўқитища эса, физикада олган билимларидан фойдаланиш имкониятлари қўп. Масалан металл қирқувчи қайчи, турли омбирларнинг ишлаш тамойили “ричаг”ларда, ёғочга ёки металлга ишлов бериш учун буюмни сиқиб маҳкамлайдиган исканжалар “винт”да, қудуқдан сув чиқаришда фойдаланидиган асбоби “чиғириқ”да, болға ва болталарнинг сопларини маҳкамлашда “пона”да, устахонага келган юкларни тушириш ва ортишда “қиятекислик”даги моментлар қоидасига биноан бўлиши тушунтирилади.

Металларга эгов ёки металлар билан ишлов берилганда қизиб кетиши ички энергия ўзгаришига мисол тариқасида келтирилади. Газламаларни дазмол воситасида текислаш, иссиқлик таъсирида материаллар хоссаси ўзгаришини кўрсатади. Ёғоч, металл ёки газламадан буюмлар тайёрланганда уларда ўлчов лентаси, штангенциркул воситасида ўлчов ишлари олиб борилади. Бу асбоблар физикада узунликни ёки масофани ўлчашда ишлатилади. Қайчилар, арра, болта ва бошқа қирқувчи асбобларнинг пичоқларини ўткирлаш босимни орттириш учун бажарилишини тушунтириш билан ҳам фанлар аро компетенциялар шаклланади.

Амалий машғулот топшириқлари

1. Физика фанининг бошқа фанлар билан узвий боғлиқлиги. Физика билан математика, астрономия, химия, биология, информатика, чизмачилик, география, иқтисодий билим асослари ва бошқа умумий ўрта таълим фанлари орасидаги боғланишларга доир мисоллар.
2. Физикани бошқа фанлар билан боғлаб ўтиш дарсларида компетенцияларни шакллантириш ва ўқувчиларни касбга йўналтиришга қаратилган тадбирлар.

Назорат саволлари:

1. Ўқувчиларда компетенцияларни шакллантириш деганда нимани тушунасиз?
2. Умумтаълим фанлари орасидаги боғланишларга нималарни айта оласиз?
3. Физикани бошқа фанлар билан боғлиқлигини тушунтиринг.

3-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ: ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ФИЗИКА ФАНИДАН ЎЗЛАШТИРГАН БИЛИМ, КҮНИКМА ВА КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ БАҲОЛАШ ВА МОНИТОРИНГИНИ ЙУРИТИШ

Ишнинг мақсади: Ўқувчиларнинг физика фанидан ўзлаштирган билим, кўникма ва компетенцияларини баҳолаш ва мониторингини юритиш методларини ўрганиш

Амалий машғулот топшириқлари

1. Ўқувчининг ўқув фаолияти мониторингини олиб бориш мезонлари.
2. Физикадан тестларни тузишга қўйилган талаблар ва уларнинг турлари.
3. Тест топшириқлари ва унинг асосий шакллари
4. Физика фанидан тузилган тест топшириқларини ечиш бўйича йўл-йўриқлар.
5. Экспресс-тестларни ўтказиш бўйича тавсиялар.
6. Ўқувчилар ўзлаштирган билим ва кўникмаларини баҳолашнинг замонавий дастурий воситалари.
7. **Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепсиясининг мақсадли кўрсаткичлари. Ўқитувчи фаолиятига рағбат ва жарима ёки ўқитувчи салоҳиятини ошириш усуслари. (Nova-3)**

Назорат саволлари:

1. Ўқувчининг ўқув фаолияти мониторинги деганда нимани тушунасиз?
2. Физикадан тестларни тузишга қўйилган талаблар нималардан иборат?
3. Тест топшириқларининг қандай шаклларини биласиз?
4. Экспресс-тестлар деганда нимани тушунасиз?
5. Ўқувчилар ўзлаштирган билим ва кўникмаларини баҳолашнинг замонавий дастурий воситаларини санаб беринг.

4-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ: ФИЗИК МАСАЛАЛАР ТУРЛАРИ, УЛАРНИ ЕЧИШ МЕТОДЛАРИ

Ишнинг мақсади: Физик масалалар турлари, уларни ечиш методларини ўрганиш

1. Умумий ўрта таълим мактаб физика курсида ечиладиган масалаларнинг турлари

Физикадан масалалар ечиш жараёнида ўқувчиларнинг мантиқий фикрлашлари кенгаяди, ижодий қобилиятлари ривожланади. Физик ҳодисаларнинг туб моҳиятини кенгроқ тушунадилар, физикадаги қонунларнинг амалда қўлланилишини чуқурроқ англайдилар. Кўпгина физик ўлчов асбобларининг вазифаси, тузилиши, ишлаш принциплари билан танишадилар, улар билан ишлаш кўникма ва малакаларига эга бўладилар. Шунингдек, масалалар ўқувчиларда меҳнатсеварлик, журъатлилийк, иродава характерни тарбиялади.

Кўпгина методик адабиётларнинг таҳлилига кўра, мантиқий хулосалар, математик амаллар ва физикадаги қонунлар ҳамда методларгаа сосланган ҳолда ёки эксперимент ёрдамида ечиладиган муаммо, одатда физик масала дейилади. Физик масалада қўйилган муаммони ҳал этиш, масала ечишдан иборатдир.

2. Физикадан масалалар ечиш методлари

Масалаларнинг классификацияси: Физикадан масалалар
тўпламларида берилган ҳамма масалаларни турли асосларга кўра классификацияланади. Масалан, масалаларнинг мураккаблик даражасига кўра, содда масалалар, қийинроқ масалалар, масала шартида, дарсликда ва дарсда кўриб чиқилган масалаларда тавсифланганига нисбатан камроқ таниш бўлган ҳолат тавсифланган масалалар, ўқувчилар янги билимлар олиш учун фойдаланиш мумкин бўлган масалалардир.

Масалалар мазмунига қараб, механикага, молекуляр физикага, электрга доир ва ҳакозо бўлиши мумкин. Бундай бўлинеш шартли эканини биламиз, Чунки кўпинча битта масаланинг шартида физиканинг бир неча бўлимларидағи маълумотлардан фойдаланилади. Шунингдек, политехник мазмунга эга бўлган, ижодий қобилиятларни ривожлантиришга қаратилган, тарихий характердаги маълумотларни ўз ичига олган масалаларга классификатцияланади.

Ечиш усулларида кўра масалалар: сифат, экспериментал, график ва ижодий масалаларга бўлинади. Бундай бўлинеш ҳам шартлидир, Чунки экспериментал масалаларни ечишда ҳам оғзаки мулоҳазалардан ҳам, графикдан ҳам, ҳисоблаш ишларидан ҳам фойдаланамиз. Бироқ бу масалаларнинг ҳар бири мазмун ва мураккаблик жиҳатидан хилма-хилдир. Бу масалаларнинг ечимлари аниқ бир мақсадга қаратилган бўлиб, ечилиш усулларида эга.

Сифат масалалар: Физик қонунларга, физик формулаларга таянган ҳолда, мантиқий фикрлаш орқали ҳал қилинадиган масалалар сифат масалалар дейилади. Бундай типдаги масалаларда арифметик ҳисоблаш ишлари бажарилмайди.

Сифат масалаларнинг методик афзалликлари кўпдир. Физик қонунларга асосланган, мантиқий хулосалар чиқаришдан иборат бўлган бу масалаларни

ешиш методи, фикрлашнинг ажойиб мактаби бўлиб хизмат қилади. Сифат масалалар ўқувчиларга физик ҳодисалар ва уларнинг қонуниятларини аниқ тушунтириб беради, назарий билимларни амалда қўллашга ўргатади, ҳисоблаш масалаларига нисбатан тўғри муносабатни тарбиялади, ҳар қандай масалани ечишни, унинг физик мазмунини таҳлил қилишни бошлашга ўргатади. Дарсда ўтилган материални мустаҳкамлаш мақсадида сифатга оид масалалар берилади. Физиканинг гидродинамика бўлимида асосан сифат масалалар ечилиши бизга маълум. Бу бўлимда миқдорий масалалар деярли ечишмайди. Сифат масалалар тематикаси, мазмуни ва мураккаблиги жиҳатдан хилма-хилдир, яъни сифатга оид содда ва мураккаб масалалар бўлади. Сифат масалаларнинг намуналари ва уларни ешиш методлари адабиётда тўлиқ келтирилган.

Экспериментал масалалар: Назарияни амалиёт билан боғлашнинг энг самарали усулларидан бири экспериментал масалалар ечишdir. Экспериментал масалаларнинг характерли хусусияти шундаки, уларни ешишда лаборатория ёки намойиш экспериментлардан фойдаланилади. Экспериментал масалаларни ечиш жараёнида ўқувчиларнинг фаоллиги ва мустақиллиги ошади. Чунки улар масала ешиш учун керакли маълумотларни дарсликдан, масалалар тўпламидан тайёр ҳолда олмасдан, балки ўзлари бажарадиган физик ўлчашлардан оладилар.

Экспериментал масалаларнинг яна бир афзаллиги шундаки, бу масалаларни етарлича фикрламасдан туриб ечиб бўлмайди, яъни тажрибада содир бўладиган ҳодисаларни ўқувчилар кенг муҳокама қилиб олишлари керак. Чунки экспериментал масалаларда, лаборатория ишларида гидравликанни излабди, ишни бажариш тартиби ҳам кўрсатилмайди. Керакли асбоб-ускуналар, материаллар берилиб, топилиши керак бўлган маълумот сўралиши билан кифояланади. Юқорида айтганимиздек ўқувчилар қатор фикр ва мулоҳазалардан, экспериментда қандай физик ҳодиса ётганини, қандай физик қонунидан фодаланилаётганлигини билиб оладилар. Ваниҳоят, экспериментал масалада топилиши керак бўлган физик катталик учун охирги ифодани келтириб чиқарадилар. Ифодани таҳлил қилиб, масалани ешиш учун керакли катталикларни бевосита ўлчаш йўли билан оладилар. Айтилганларни қуйидаги содда экспериментал масалада кўрайлик: Масштабли чизғич, штангенциркул ва секундомердан фойдаланиб, штативга маҳкамланган математик маятникнинг тебраниш даврини аниқланг.

Ўқитувчилар баъзи лаборатория ишларини ва масалалар тўпламларидағи масалаларни экспериментал масала қилиб беришлари, ёки ижодкор ўқитувчилар ўзлари экспериментал масалалар тузиб, ўқувчиларга ешиш учун тавсия қилишлари мумкин.

График масалалар: График масалаларнинг умумтаълим ва политехник аҳамияти каттадир. График масалаларни ешиш жараёнида ўқувчилар физика фани асосларини чуқур ўзлаштирадилар. Дарсда график масалаларни ешиш жараёнида ҳамда уй вазифаларини мустақил бажариш жараёнида ўқувчилар физика ва математика фанларининг ўзаро боғлиқликларини амалда қўрадилар.

График масалалар ҳам, ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятларини ривожлантиради. Физика курсининг барча бўлимларида амалий аҳамиятга эга бўлган график масалалар бор. Энг содда ҳолда иккита физик катталикларнинг

боғланиш графикидан иборат бўлган масалалар график масалалар дейилади. График баъзи ҳолларда масаланинг шартида берилади, баъзи ҳолларда графикларни масала шартига таяниб олинган натижалар асосида ясаш керак бўлади. График масалаларни ечишнинг алгоритми қуидагича: физик катталиклар орасидаги боғланиш графиги берилган бўлса, графикни синчиклаб ўқиб тушуниб, алоҳида қисмдаги боғланишнинг характеристерини ўрганиш лозим. Чизмадаги масштабдан фойдаланиб, графикдан изланаётган катталикларнинг абсица ва ордината ўқларидағи қийматларини топиш керак.

Боғланиш графиги берилмаган ҳолларда масаланинг шартига ёки масаладан олинган натижага кўра график ясалади. Бунинг учун координата ўқлари чизилади, уларда ҳар бир физик катталикка мос келувчи маълум масштаблар танланади, керак бўлса жадваллар тузилади, шундан кейин координата ўқлари жойлашган текисликка тегишли абсица ва ордината ўқларига мос нуқталар қўйилади. Бу нуқталарни бирлаштириб, физик катталиклар орасидаги боғланиш графиги ясалади ва уни таҳлил қилиб хulosалар чиқарилади. Физикани ўқитишида график методининг аҳамиятини ҳамда графикка тегишли машқ ва масалаларни ўқиб билиш мумкин.

Физикадан ижодий масалалар: Ечилиш алгоритми номаълум бўлган масалаларни «ижодий масала» лар деб аталиши келишиб олинган. Бундай масалаларнинг шартлари никобланган бўлади: берилганлари етишмайди, берилганлари ортиқча бўлади, ёки масаланинг ечилиши учун керак соҳадан физик маълумотлар мутлақо берилмайди. Физикадан ижодий масалаларни ечишда биринчи босқичда ҳодисани тушунтириш талаб қилинади, яъни нега деган саволга жавоб бериш керак бўлади. Иккинчи босқичда қўйилган талабларга жавоб берадиган ҳақиқий ҳодисаларни амалга ошириш, яъни қандай қилиш керак деган саволга жавоб берилади.

Амалий машғулот топшириқлари

1. Умумий ўрта таълим мактаб физика курсида ечиладиган масалаларнинг турлари
2. Физикадан масалалар ечиш методлари

Назорат саволлари:

1. Умумий ўрта таълим мактаб физика курсида ечиладиган масалаларнинг турлари ҳақида гапиринг.
3. Физикадан масалалар ечишнинг қандай методларини биласиз

5-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ: ФИЗИКАДАН ЛАБОРАТОРИЯ ИШЛАРИ ВА НАМОЙИШ ТАЖРИБАЛАРИНИ ЗАМОНАВИЙ ЖИХОЗ ВА ВОСИТАЛАР ЁРДАМИДА ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Ишнинг мақсади: Физикадан лаборатория ишлари ва намойиш тажрибаларини замонавий жиҳоз ва воситалар ёрдамида ташкил қилиш ўрганиш

Амалий машғулот топшириклари

1. Физика ўқитишида лаборатория ишларининг ўрни ва роли. Лаборатория жиҳозлари ва улар билан ишлаш.
2. Мактаб дарсликларида берилган лаборатория ишларини бажаришдаги муаммолар.
3. Виртуал лаборатория ишлари.
4. Намойишли тажрибалар ва унга қўйиладиган дидактик талаблар.
5. **8-9 синф физика дарсликларига киритилган янги лаборатория машгулотлари билан танишиш.**
6. **2019-2020 ўқув йилида 8-синф физика ўқув дастури ва дарслигига 5 та лаборатория иши ва 2 та амалий машғулотлар, 9-синф физика ўқув дастури ва дарслигига еса 6 та лаборатория иши ва 2 та амалий машғулотлар киритилган (Пояс-4)**

Назорат саволлари:

1. Физика ўқитишида лаборатория ишларининг ўрнини тушунтириб беринг.
2. Намойишли тажрибаларни тушунтириб беринг.

6-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ: ФИЗИКА ФАНИДАН СИНФДАН ВА МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ИШЛАРНИ КОМПЕТЕНЦИЯВИЙ ЁНДАШУВ АСОСИДА ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ЎТКАЗИШ ЙЎЛЛАРИ.

Ишнинг мақсади: Физика фанидан синфдан ва мактабдан ташқари ишларни компетенциявий ёндашув асосида ташкил қилиш ва ўтказиш йўлларини ўрганиш

Физикадан синфдан ташқари ишлар, уларнинг мақсади, вазифаси ва шакллари

Ўқувчиларга таълим-тарбия беришда ва уларни ривожланишида физикадан уюштириладиган синфдан ташқари ишларнинг аҳамияти каттадир.

Физикадан синфдан ташқари ишлар деганда, дарсдан ташқари шароитда, бевосита физика ўқитувчисининг раҳбарлигида, режа асосида маълум мақсадни кўзлаб, ўқувчиларнинг ҳоҳишлирини ҳисобга олган ҳолда уюштириладиган машғулот назарда тутилади.

Синфдан ташқари ишларни уюштиришда ўқувчиларнинг таълим олиши, тарбияланиши ва ривожланишига алоҳида эътибор қаратилади. Бу ишлар бир неча ташкилий элементлардан (мақсади, вазифаси, мазмуни, шакли, хили, ташкил этиш методи) ташкил топади.

Физикадан синфдан ташқари ишларнинг мақсадини белгилашда куйидагилар ҳисобга олинади:

- ўқувчиларнинг билим даражаси;

- ўқувчиларнинг билишга қизиқиши;
- унинг ўқув меҳнат фаолиятидаги ўзига хос хусусиятлари;
- ақлий тараққиёт даражаси;
- шахс сифатида шаклланиш даражаси;
- касбга йўналтириш.

Синфдан ташқари ишларнинг мақсадларидан келиб чиқсан ҳолда вазифалари белгиланади. Улар синфдан ташқари ишнинг мазмунига кўра қуидагиларга бўлинади:

- ўқувчилар илмий дунёқарашини ривожлантириш;
- ўқувчиларни умумий таълим олиш йўналишини ривожлантириш;
- ўқувчиларнинг умумтехникавий ривожланишини таъминлаш;
- ўқувчиларнинг шахсий қобилиятини ривожлантириш;
- ўқувчиларда амалий кўникма ва малакаларни шакллантириш;
- касбга йўналтириш вазифаси.

Бу дидактик вазифаларга мос ҳолда, синфдан ташқари ишлар ташкил этилади. Ўқувчиларнинг синфдан ташқари ишларининг мазмунини танлаш мухим аҳамиятга эга.

Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчилари физикадан ҳали чуқур ва мустаҳкам билимга эга эмаслигини, мустақил ишлаш қобилияти ҳам етарли шаклланмаганлиги ҳамда уларнинг ёш хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда синфдан ташқари ишларнинг мавзуси ва мазмунини танлашда унинг илмийлигига эмас, балки унинг амалийлигига асосий эътибор қаратиш керак. Академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари билан ўтказиладиган синфдан ташқари ишларни мавзу ва мазмунини белгилашда аввалом бор уларнинг илмийлигига ҳамда ўқувчиларнинг бўлажак касбларини ҳисобга олган ҳолда ёндашиш зарур.

Ўқувчиларни меҳнатга онгли муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш таълим-тарбия жараёнининг вазифаларидан биридир. Бу масалани ҳал этишда синфдан ташқари ишларнинг аҳамияти мухимдир. Синфдан ташқари машғулотлар давомида уюштириладиган тажриба ва кузатишлар умумий меҳнат ва амалий кўникмалар ҳосил қилишда катта имкониятга эга.

Синфдан ташқари уюштириладиган ишларнинг қайси тури бўлишидан қатъий назар ўқувчиларда эстетик дидни ривожлантириш борасида ҳам ўқитувчи иш олиб бориши зарур. Шунингдек, машғулотлар жараёнida ўқувчиларни табиатга, табиат гўзаллигига муҳаббат хиссини уйғотишни ҳам ўқитувчи ёдидан чиқармаслиги керак.

Ўқувчиларни ватанпарварлик ва байналминаллик руҳида тарбиялаш борасида ҳам физикадан уюштирилган синфдан ташқари ишлар катта имкониятга эга. Буюк мутафаккирларимиздан Ибн-Сино, Беруний, Улугбек ва бошқаларнинг қилган ишларини, уларнинг ҳаётларидан лавҳаларни ёки бўлмаса XX асрда физика соҳасида У.Арипов, С.Азимов, Р.Бекжонов ва бошқа ватанимиз олимлари қилган ишларни синфдан ташқари ўтказиладиган тадбирларда кўрсатиш, деворий газеталарда маълумотлар бериш яхши самара беради. Шунингдек, кейинги пайтларда ватанимиз физик олимлари бошқа

мамлакатлар олимлари билан ҳамкорликда ишлаб эришаётган ютуқлари ҳақида, бу ютуқлар турли миллат вакилларининг ҳамкорликдаги ишининг натижалари эканлигини ўтказиладиган тадбирлар орқали ўқувчилар онгига етказа олсак мақсадга эришган бўламиз.

Мактабларда ташкил этиладиган ҳамда ўтказиладиган синфдан ташқари машғулотлар ўқувчиларнинг умумий таълим ва политехник савиясини ошириш, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ижодий ташаббускорлигини ошириш учун кенг имкониятлар очиб беради. Шунингдек, ўқувчиларнинг физика дарсига бўлган қизиқишини орттиради. Синфдан ташқари ишлар ўқувчиларнинг қизиқишлигини ҳисобга олган ҳолда ташкил қилинади.

Физикадан ташкил этиладиган синфдан ташқари ишлардан бири түгараклардир. Физикадан түгаракларни нафақат мактабда, шунингдек академик лицей, касб-хунар колледжларида ҳам ташкил этилса, нур устига айло нур бўлади.

Тұғарак - бу синфдан ташқари ишнинг мунтазам шаклидир. Үнда аввалдан тайёрланған дастур асосида ўкувчилар қўшимча маълумотлар тўпламини оладилар, мавжуд билим ва кўникмаларини чукурлаштирадилар, ҳамда мустаҳкамлайдилар. Физика тўғараклари тартибли равишда ўтказиладиган машғулот ҳисобланади.

Тўғарак аъзолари ўзгармас бўлиб, тўғарак аъзоларининг умумий мажлисларида қабул қилинган дастур ва жадвал бўйича ишлайди. Ўқитувчига дарсга нисбатан синфдан ташқари машғулотни ўтказиш қийинроқ синфдан

ташқары иш үқитувчидан катта ижодий ташаббускорликни ва амалий тайёргарликни талаб қиласы. Физика үқитишидаги илғор методлар, янгиликтар синфдан ташқары машгулотларда пайдо бўлгани тасодифий эмас.

Физикадан ўтказиладиган түгарақ ишининг энг қиматлиси шуки, бунда ўқувчилар ўз билимларини амалда қўллашни ўрганадилар, ҳаётга ишлаб чиқариш меҳнатида иштирок этишга тайёрланадилар.

Физика тўғарагининг мазмуни масаласи энг муҳим ҳисобланади. Кўпинча ўқитувчи тўғарак учун қандайдир қисқа, техник соҳаларни - авиамодель, радиотехника, кинотехника ва хоказоларни танлайди. Физика ўқитувчиси раҳбарлик қиласидан тўғарак иши ўқувчиларнинг тўғарақдаги ишини физикани ўқитиш билан тўлароқ боғлаш имконияти бўлиши учун кўпроқ физика ва техника тематикаси бўйича олиб борилади. Физика- техника тўғарагини ташкил этиш билан ўқитувчи ўқувчиларнинг шахсий қизиқишиларини ҳисобга олиши, режалаштираётган тўғарак фаолиятини улар билан бирга ташкиллаштириши, мавзуларнинг замонавийлиги катта аҳамият касб этади. Маълумки, ўқувчиларни автоматика, радио, ядро энергияси, ярим ўтказгичлар, ракета-техникаси, космонавтика информатика каби масалалар қизиқтиради. Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган тўғарак ишлари ўқувчиларни айниқса, қизиқтиради.

Фронтал лаборатория ишлари, физикадан практикум ишлари, экспериментал масалалар, ўкув фильмларидан фойдаланиш синфдан ташқари машғулотлар орқали киритилган, яъни физика хонасини электр симларини

ўтказиб жиҳозлаш, қўнғироқларни автоматик чалиш, ёритиш тизимини ўчириш ва улашни автоматик бошқариш, мактабни радиолаштириш, радиоузел орқали чиқиб ўқувчиларга мурожаатлар қилиш ва ҳ.к.

Тўгарак ғояларини ўқувчилар яхши тушуниб олишлари, тўгарак олиб борилаётган иш мавзусини яхши ўрганишлари учун мактаб физика тўгарагининг бош мавзуси келажаги бор, узокроқ муддатга (бир йилга ёки бир неча йилга) мўлжалланган бўлиши керак. Физикадан тўгарак мактаб раҳбарининг буйруғига биноан ташкил этилади.

Ўқув йили бошида физика ўқитувчиси мактабда физикадан тўгарак ташкил этилаётганлигини, тўгаракнинг бир неча тематикаси, ўтказилиш куни, ўтказилиш вақти, хонаси ҳақида бир неча кун аввал эълон ёзиб қўяди. Тўгарак аъзолари 10-15 кишидан иборат бўлиши керак. Ўқитувчи ўқувчилар қизиқишини ҳисобга олиб, мавжуд бўлган тўгарак дастурларидан ўқувчилар хоҳиши билан бирини танлайди.

Ўқитувчи ўқувчилар билан тўгаракни қайси куни қандай вақт оралиғида ўтказилиш кераклигини келишиб олишади. Тўгарак техниканинг сўнгги ютуқлари асосида ташкил этилиши шунга асосан физика ва техника тўгараги номи берилиши ҳам мумкин. Бу ҳолда тўгарак дастури физика, космонавтика, информатика, радиотехника, электротехниканинг сўнгги ютуқлари асосида ташкил этилади ва ўтказилади.

Кўйида физикадан ташкил этилган ва ўтказилган бир неча тўгараклар дастурини келтирамиз.

Физика ва ҳарбий техника тўгараги. 10-синф.		
№	Тўгарак ўтказиладиган иш мазмуни	Соат
1.	Кириш.	1
2.	Ҳарбий машқлар ва ўйинлар.	3
3.	Ҳарбий машғулотлар, механика қонунлари.	5
4.	Куруқликда армия ва физика.	4
5.	Физика ҳамда ҳарбий денгиз флоти	4
6.	Физика ва реактив ҳаракат	4
7.	Физика ва космонавтика	5
8.	Иссиқлик двигателлари ва ҳарбий техника	4
9.	Физика ва алоқа хизмати	3
10.	Якунловчи машғулот	1

Физикадан масалалар ечиш бўйича тўгарак. (11-синф).

№	Тўгарак ўтказиладиган иш мазмуни	Соат
1.	Кириш	2
2.	Кинематика бўлимига доир масалалар ечиш	2
3.	Динамика бўлимига доир масалалар ечиш	4
4.	Импульс ва энергиянинг сақланиш қонунларига доир масалалар ечиш	2

5.	Механик тебраниш ва тўлқинлар бўлимига доир масалалар ешиш	2
6.	Молекуляр-кинетик назариясига доир масалалар ешиш	2
7.	Идеал газ ҳолат тенгламасига доир масалалар ешиш	2
8.	Термодинамик иш бўлимига доир масалалар ешиш	2
9.	Электростатика бўлимига доир масалалар ешиш	2
10.	Узгармас ток қонунларига доир масалалар ешиш	4
11.	Магнит майдонига доир масалалар ешиш	2
12.	Электромагнит тебранишлар ва тўлқинларга доир масалалар ешиш	2
13.	Ёруғликнинг тўлқин хоссаларига доир масалалар ешиш	2
14.	Ёруғликнинг квант табиатига доир масалалар ешиш	2
15.	Атом ва ядро физикасига доир масалалар ешиш	2
16.	Тўгарак ишларини яқунлаш	1

Физика кечалари - бу мактабда синфдан ташқари ишни авж олдириб бориши учун кўп меҳнат талаб қиласидиган самарали тадбирлардан биридир.

Физик кечалар физиканинг турли соҳалари бўйича ўқувчилар билимларини чуқурлаштириш ва кенгайтиришга хизмат қиласиди. Кўпчилик ўқувчиларни иштирок этиши талаб қилинади. Айрим ўқувчилар докладлар, бошқалари тажрибалар тайёрлайдилар, учинчилари деворий газета чиқарадилар, тўртингчилари кеча ўтказиладиган зални безаш билан шуғулланадилар, бешинчилари меҳмонларни кутиш билан ва хоказолар билан шуғулланадилар. Кечани ўтказишга ўқувчиларнинг кўп тайёргарлик кўриши уларнинг жамоа бўлиб бирлашишларига ёрдам беради. Бу жамоа синфдан ташқари ишларнинг юқори шакли - физика тўгаракларининг ядрои бўлиб қолади.

Ҳамма оммавий тадбирлар сингари физика кечалари яхши ўйлаб кўришини, аниқ ташкил этишини талаб қиласиди. Кечанинг мавзуси, унинг айрим босқичларининг кетма-кетлиги, давомийлиги, зални безатиш, докладларнинг мазмуни, демонстрацион тажрибалар, асбоблар, моделлар танлаш, деворий газеталар чиқариш - буларнинг ҳаммаси аниқ ишланган ва тайёрланган бўлиши керак. физика кечаларининг мавзулари турлича бўлади.

Кеча физика курсининг қандайдир бўлимига ёки мавзусига, фан ва техниканинг катта ютуғига, ажойиб саналарга (радио куни, космонавтика куни), ватанимиздаги ва чет элдаги улуғ физикларнинг ҳаёти ва фаолиятига, тўгарак ишларининг натижаларига, шунингдек, тажрибаларга, парадоксларга, кизиқарли физикага бағишлиланган бўлиши мумкин.

Физика бўлимларига бағишлиланган кечалар ўқувчилар билимини чуқурлаштириш воситаси бўлиб хизмат қиласиди. Қуйида 7-синфдан ўтказилган “Ассалом физика” кечасининг қисқача мазмуни ҳамда 9-синф ўқувчилари билан “Зухро юлдузи” ва “Она замин” командалари ўртасидаги беллашувнинг мазмуни берилади.

Қуйида “Ассалом физика” кечасининг қисқа матни берилади.

1- ўқувчи: Стол устида турган физик асбоблардан мензуркани топинг,

вазифасини тушунтиринг.

2- ўқувчи: Мензуркани қўлига олади ва унинг ҳажмини, ўлчашдаги вазифасини тушунтиради.

1- ўқувчи: Киши танасининг ҳарорати қандай асбоб билан ўлчанади?

2- ўқувчи: Термометр кашф этилгунга қадар тана ҳарорати қўл билан аниқланган, кейинчалик эса термометр билан ўлчанади деб термометрни кўрсатади.

1- ўқувчи: Кучни қандай асбоб билан ўлчанади, уни топинг ва қаерларда ишлатилишини тушунтиринг?

2- ўқувчи: куч динамометр билан ўлчанади. У мускул кучларини аниқлашда, икки жисм орасидаги тортишиш кучини аниқлашда ишлатилади. Шунга ўхшаш саволлар давом эттирилади. Савол-жавоб, мунозараларда ким кўпроқ балл йигса, шу ўқувчи ғолиб хисобланади.

Командаларга тайёрланган саволлар.

- Металлни болға билан тез-тез уриб иситиш мумкин. Бу механикавий иш нимага сарф бўлади?
- Қувват бирликларини айтинг?
- Чойнак қанча кўп иситилса ундаги сув шунча секин қайнайди. Нимага шундай?
- Электромагнит индукция ҳодисасини ким қачон кашф қилган?
- Дараҳт баргига тупроқдан илдиз орқали кўп миқдордаги сув узлуксиз келиб туради. Бу сув қаерга кетади?
- Буғ турбиналарида сув буғининг қандай тур энергиясидан фойдаланилади?
- Сиз иссиқлик двигателларининг қандай турларини биласиз?

Албатта, саволлар ва жавоблар оралиғида бадиий қисм, ашула, ўйин, интермедиялардан фойдаланилади.

Физик танловлар ва масофавий таълим интернет ресурслари.

Республикамида ташкил қилинган www.soboi.uz сайтидаги онлайн танлов. “Квант” (Россия), “Математика, физика ва информатика” илмий оммабоп журналлари саҳифаларида.

Таълим-тарбия ҳам шунга ҳамоҳанг бўлмоғи керак. Акс ҳолда, фарзандларимиз - ёшларимиз янги даврга мос ҳаётий мўлжалларини белгилашда чалғиши, жадал ривожланаётган ахборот маконида ўзларига керакли манзилни тополмай адашиши ҳеч гап эмас. Тобора ҳал этувчи кучга айланиб бораётган ёшлар таълим-тарбияси масаласи ўқитувчи-педагог зиммасига юқлатилган бўлиб, айнан ўқитувчи ўқувчиларда мустақиллик, фаол фуқаролик позициясига эга бўлиш, ташаббускорлик, медиаресурслар ва ахборот-коммуникация технологияларидан ўз фаолиятида оқилона фойдалана олиш, онгли равишда касб-хунар танлаш, соғлом рақобат кўникмаларини шакллантиради.

Шуни таъкидлаш жоизки, мактабда синфдан ташқари ишлар қанчалик яхши ташкил этилса, ўқувчилар фаоллиги шунчалик ошиб боради, улар

мустақил фикрлашга ўрганадилар, энг мұхими у ёки бу фанга қизиқышлари ортади, айниңса иқтидорли ўғыл-қызылар бириң-кетин күзге ташлана борадилар. Бу, ўз навбатида иқтидорли болаларни аниқлаш ва улар билан алоҳида иш олиб бориша ўқитувчига катта ёрдам беради.

Физикадан олимпиадаларга тайёргарлик күриш ва ўтказиш ҳам синфдан ташқари ишлардан бири ҳамда мұхими ҳисобланади. Бириңчи марта фан олимпиадасини ўтказиш XX асрнинг 60-йилларида бошланиб физика-математика фани хиссасыга түғри келган. Бу иш ўзини оқлагандан кейин секин-аста бошқа фанлардан ҳам олимпиадалар ўтказила бошланди.

Олимпиадалар бир неча босқичдан иборат бўлиб, аввал мактаб лицейда сўнг туман миқёсида кейин шаҳар ёки вилоят миқёсида, сўнгра республика миқёсида ва ниҳоят халқаро миқёсда ўтказиладиган бўлди. Олимпиада ўтказилишидан аввал ўқувчилар билимини баҳолаш учун ҳайъат аъзолари тайинланади. Олимпиада вақтида ўқувчилар билимини ҳайъат аъзолари бир неча усууллар билан синаб қўради.

I навбатда масалалар ечиш орқали, II навбатда амалий тайёргарлигини кузатиш мақсадида лаборатория ишларини бажариш ҳамда тушунтириб беришлари орқали ва ниҳоят тест саволларига жавоб бериш орқали синаб қўрилади. Ҳар бир ҳолат учун алоҳади-алоҳида балл қўйиб борилади, натижада қайси ўқувчи кўпроқ балл тўплаган бўлса, шу ўқувчи ғолиб деб танланади. Ўринлар шу асосда кетма-кет тақсимланади.

Физикадан олимпиадага тайёргарлик күриш ва ўтказиш ҳам ўқитувчидан катта маъсулият, меҳнатни талаб қиласи. Ўқитувчи аввал параллел бир неча синфдан физикадан билими чуқур бўлган бир неча ўқувчини ажратиб олади, яъни 7-синфдан, 8-синфдан, 9-синфдан, 10- синфдан, 11-синфдан физикага қизиқкан бир неча ўқувчини ажратиб олади. Ҳар бир синф ўқувчиларига алоҳида-алоҳида кўрсатмалар беради, тушунмаган мавзуларини тушунтириб беради, уйга топшириқлар беради, хафтада, бир марта назорат қиласи. Ўзида бир бўлган физикага доир адабиётларни ўқиб ўрганишлари учун олиб келиб беради. Ўқувчилар адабиётларни ўқиб олимпиадага тайёргарлик кўра бошлайдилар.

I тур олимпиада, яъни мактаб миқёсида олимпиада ўтказиш муддати I чорак охирига, яъни 4-10 ноябрларда ўтказилади. Бунда мактаб физика ўқитувчиларидан бири ҳайъат раиси бўлади. Раис бошчилигида олимпиада учун масалалар танланади. Қайси куни олимпиада ўтказилиши эълонлар доскасига ёзиб қўйилади.

Ўқувчиларни бир синфга йиғиб, ўқийдиган синфига қараб варианtlар тарқатилади. Маълум муддатдан кейин ишлар йиғиб олинади. Ишларни физика ўқитувчилари текшириб аввалдан келишилган шартга асосан баллар

кўйилади. Энг юқори балл олган ўқувчилар исми, шарифлари ва ишлари мактаб раҳбари буйруғи асосида туман олимпиадасига юборилади. Голиб ўқувчи билан ўқитувчи янада жиддийроқ тайёргарлик кўра бошлайди. Туман олимпиадаларини ўтказиш январ ойларига тўғри келади. Бу ерда олимпиада икки турда назарий ва амалий билимларини синаш орқали ўтказилади. Сўнгра шу асосда вилоят ва республика олимпиадалари ўтказилади. Республика олимпиадаларида умумий тўпланган балл барча балларнинг 75 % ортиқ балл тўплаган ўқувчиларга ўрин берилади ва халқаро олимпиадада қатнашиш тавсия этилади.

Хулоса қилиб, айтганда физикадан ўтказиладиган синфдан ташқари машғулотларнинг барчаси ўқувчиларни физика ва техника фанларига қизиқшини орттиришга хизмат қиласиди.

Амалий машғулот топшириқлари

1. Физика фанидан синфдан ва мактабдан ташқари машғулотлар ташкил қилиш методикаси.
2. Виртуал физик танловлар ва масофавий таълим интернет ресурслари. Республикаизда ташкил қилинган ^^.собо.уз сайтидаги онлайн танлов. “Квант” (Россия), “Математика, физика ва информатика” илмий оммабоп журналлари саҳифаларида.

Назорат саволлари:

1. Физика фанидан синфдан ва мактабдан ташқари машғулотлар ташкил қилиш деганда нималарни тушунасиз?
 2. Физик танловлар ва билимлар беллашувига оид методлариз ҳакида гапиринг.
- 2- АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ :ФИЗИКА ЎҚИТИШДА ИҚТИДОРЛИ
ЎҚУВЧИЛАР БИЛАН ИШЛАШ ВА УЛАРНИ ТУРЛИ ТАНЛОВЛАРГА
ТАЙЁРЛАШ МАСАЛАЛАРИ.

Ишнинг мақсади: Физика ўқитишида иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш ва уларни турли танловларга тайёрлаш масалалари

Иқтидорли болалар - табиатнинг энг ажойиб неъматларидан биридир. Иқтидорли бола бу қобилиятли боладир. Давр ва жамият ўзига хос ижодий иқтидорга эга бўлган шахсларга қизиқиш билдирганлиги сабабли ҳозирги вақтда иқтидорли болаларни аниқлашга эҳтиёж юқори. Иқтидорли болаларни аниқлаш ва улар билан ишлашни ташкил қилиш ҳозирги даврда таълим тизими олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир.

Иқтидорли болалар одатда кучли хотира, нутқ ва абстракт тафаккурга эга бўлади. Иқтидорли болалар кўп савол беришлари, маълумот ва тажрибаларни синflарга ажратса олишлари, тўпланган билимлардан кенг фойдалана олишлари билан тенгдошларидан ажralиб турадилар, улар луғат ва энциклопедияларни бажонидил ўқийди, ақлий фаолиятни ривожлантирувчи масалаларни яхши

кўради . Иқтидорли болани одатда тест, савол-жавоб, кузатув, сухбат, анкета методлари, ностандарт масалалар, қизиқарли, мантиқий ва мураккаб масалалар бериш орқали аниқланади. Бундан ташқари ғарб мамлакатларида бола иқтидорини аниқлови турли хил психологик тестлардан фойдаланилади.

Иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш биринчи масала бўлса, кейинги масала бу - иқтидорни ривожлантириш, шакллантириш, ўқувчига мос иш режасини тузишидир. Бу эса ўқитувчидан катта меҳнат ва касбий тайёргарликни талаб қиласи. Узлуксиз таълимнинг асосий вазифаси бола иқтидорини ўз вақтида аниқлаш ва ривожлантиришидир. Бола иқтидорини ривожлантириш , шакллантириш ва уни иқтидорли шахсга айлантира олиш ўқитувчининг иқтидорли бола билан ишлай олиш хусусиятларига баглиқ. Булар- ўқитувчининг мотивацион тайёргарлиги , қизиқувчанлиги, ўз иттифа содиклиги, фаол изланувчанлиги, меҳнатсеварлиги, инсон фаолиятининг барча соҳаларини билиши, иқтидорли бола психологиясини тушунишидир. Янгиликларга интилиш, борлиқнинг сир-синоатларини очиш, ўрганишга интилиш мактаб партасидаёқ туғилади. Шунинг учун айнан мактабдан фан ва техниканинг турли соҳалари билан қизиқувчи болаларни аниқлаш, уларнинг орзу ва режаларини амалга оширишига, ўқувчиларнинг имкониятларини тўлароқ ёйишларига, уларнинг фан ва ҳаётдаги изланишлар йўлига чиқишига ёрдам бериш жуда муҳимдир.

Хар бир бола иқтидор эгаси бўлиб туғилади. Бу иқтидорни юзага чиқариш фақат алоҳида шахс учун эмас, балки жамият ва унинг тараққиёти учун зарурдир. Шунинг учун замонавий малакали педагогларга қўйиладиган асосий талаблардан бири иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш, иқтидорни керакли йўналишда ривожлантириш учун ижодий ёндашиш ва уни юзага чиқариш учун зарур шарт- шароитни яратиш, ўқувчи ёшлар руҳиятини тушуна олиш ва малакали ёрдам бера олишдир.

Иқтидор - бу: Ақлий салоҳият ёки интеллект, билим олишга бўлган қизиқиши ва салоҳиятининг, ўзига бўлган ишончнинг юқорилигидир.

- 1 Иқтидор - интеллектуал имкониятлар ва талабчанлик мажмуидир.
- 2 Инсоннинг сифат жихатдан янги погонага кўтарилишини ва унинг ўзига хос фаолиятини таъминловчи умумий хусусиятдир.
- 3 Инсон фаолиятини юқори даражаларга олиб чиқувчи ички имкониятлар мажмуюи.

Иқтидор - инсон руҳиятининг бутун ҳаёти давомида тизимли ривожланадиган психиканинг имконияти бўлиб, инсоннинг бошқаларга нисбатан ноанъанавий ва фавқулодда натижаларга эришишини таъминлайди. Иқтидор инсоннинг барча имкониятларини ва фикрлашини ҳаётнинг янги талабларини ҳал қилишга ва янги шароитларга мослашишга йўналтиради.

Иқтидор турлари:

Бадиий иқтидор;

Умумий интеллектуал иқтидор;

Етакчилик иқтидори;

Амалий иқтидор;

Иқтидор белгилари:

Маълум бир фаолият турига бўлган қизиқишининг барқарорлиги;

Кам ҳаракат натижасида юқори кўрсаткичларга эришиш;

Муаммоларга ўзгача ёндашиш ва уларни ҳал қила олиш.

Умумий ақлий иқтидор турлари:

Салоҳият;

Иқтидор;

Билим олишга эҳтиёжнинг юқорилиги;

Ноанъанавийлик.

Иқтидорни ривожлантириш йўллари:

Дарсларда ижодий фикрлашни ривожлантириш;

Дарсдан ташқари вақтда ижодий фаолиятнинг ривожланиши;

Таълим муассасидан ташқари вақтда ижодий фаолиятнинг ривожланиши;

Қўшимча машғулотларда ижодий фаолиятнинг ривожланиши.

Иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш шартлари:

Доимий равишда уларнинг билишга бўлган қизиқишиларини йўналтириш;

Билиш жараёнига ижодий тус бериш;

Ўқувчи энг юқори натижага эришиши мумкин бўлган йўналишни танлашга кўмаклашиш.

Иқтидорли ўқувчиларни фаолиятини ривожлантириш лойиҳаси

- Ўқувчиларнинг муносабатга киришиш қобилиятини ривожлантириш;
- Ўқувчиларда хорижий тилларни ўрганишга бўлган қизиқишини кучайтириш
- Ўқувчиларда ўз-ўзини баҳолаш қобилиятини кучайтириш
- Ўқув фаолиятига қизиқиши кучайтириш
- Хорижий тилларни мукаммал ўзлаштириш
- Ўқувчиларда оғзаки ва лексик қўникмаларни ривожлантириш

Иқтидорли ўқувчилар билан фаолият юритиш турлари:

Иқтидорли ўқувчилар гуруҳини ташкил қилитт;

Илмий-тадқиқот фаолияти билан шуғулланиш;

Қизиқишлар бўйича тўгараклар ташкил этиш;

Факультатив дарслар ташкил этиш;

Танловлар ва олимпиадаларда иштирок этиш;

Шахсий режа асосида фаолият юритиш;

Индивидуал консультациялар ташкил этиш;

Илмий-амалий конференцияларда қатнашиш;

Иқтидорли ўқувчилар билан ишлашда ўқитувчи:

Зийрак ва зукко бўлиш;

Иқтидорли болалар психологиясини яхши билиши хамда уларнинг талаб

ва қизиқишини ҳис қила олиши;

Таълим соҳасида тажрибага эга бўлиши;

Юқори интеллектуал салоҳият эгаси бўлиши;

Маҳоратли ва дунёқараш кенг бўлиши;

Иқтидорли болаларни ўқитиш билан боғлиқ хар қандай мажбуриятни бажара олиши;

Табиатан фаол ва киришимли бўлиши;

Изланувчан ва доимо ўз устида ишлаши;

Ижодий фикр юритиш, ноанъанавий дунёқарашга эга бўлиши зарур.

Ҳозирги кунда таълим соҳасида катта ютуқларга эришилаётганлиги барчамизга маълум. “Таълим тўғрисидаги қонун” ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш, уларнинг иқтидорини тўғри йўналтириш белгилаб берилган. Шу маънода академик лицейда таҳсил оладиган ўқувчиларни илм- фанга йуналтириш, иқтидорли ва истеъдодли ўқувчи ёшларнинг иқтидори ва истеъдодини янада шакллантириш борасида кенг амалий ишлар амалга оширилмоқда.

Иқтидорли ўқувчилар билан ишлашда, уларга фанлар бўйича амалий ёрдам беришда муаммолар ҳам йўқ эмас. Иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш тажрибасига асосланган ҳолда муаммоларни ҳал қилишда қуйидаги вазифаларни бажариш самарали натижа беради.

Иқтидорли ўқувчилар билан ишлашдаги муаммолар

Иқтидорни аниқлай олмаслик;

Услубий адабиётларнинг мавжуд эмаслиги;

Иқтидорли ўқувчилар билан ишлашда вақтнинг етишмаслиги;

Ўқувчиларнинг ўта бандлиги;

Маълум бир фан бўйича билимларнинг чукур ўргатилишининг моҳиятини ўқувчи томонидан тўғри баҳолай олинмаслиги

Иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш юзасидан тавсиялар

Назарий билимларни амалда қўллай олиш учун керакли кўрсатмаларни бериш; Иқтидоридан келиб чиқсан ҳолда фанлар бўйича “Иқтидорли ўқувчилар мактаби” ни ташкил этиш Иқтидорли ўқувчилар билан ишлашни узвий, узлуксиз тизимда ташкил этиш. Ўқув-лаборатория машғулотларини ўтказиш учун моддий-техник база яратиш. Иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш учун олимпиада талаблари асосида дастур яратиш. Иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш учун олимпиада талаблари асосида тестлар базасини яратиш.

Амалий машғулот топшириклари

1. Иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш, саралаш ва уларга табақалашган таълим бериш йўллари, шакллари ва усуллари, уларни фанлар бўйича ўтказиладиган олимпиадаларга тайёрлаш методикаси.

2. Физика фанини ўқитишда фойдаланиш тавсия этиладиган қўшимча адабиётлар, ўқув-услубий қўлланмалар, таълим сайтлари ва порталларидағи электрон ресурслар таҳлили.

3. Физикадан қийинчилик даражаси турлича бўлган масалаларни танлаш, уларни ечиш ва намуналар келтириш.

Назорат саволлари:

1. Физика фанини ўқитишида иқтидорли болаларни қандай ажратиб оласиз?
2. Иқтидорли болаларга қандай топшириклар берасиз?

4.2
МОДУЛ

КҮЧМА МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-кўчма машғулот

11-Мавзу. Лаборатория иши: Ток манбанинг ЭЮК ва ички қаршилигини аниқлаш

Ишнинг мақсади: тўлиқ занжир учун Ом қонунини ўрганиш.

Керакли асбоб ва жиҳозлар: ток манбаи, амперметр, вольтметр, турли хил актив қаршиликлар, калит ва улаш симлари.

Назарий қисм

Берк электр занжирида электр токи бўлиши учун унда эркин ҳаракатланувчи заряддан ташқари, албатда уни узлуксиз тартибли ҳаракатга келтириб турувчи ташқи кучлар бўлиши керак. Бу ташқи куч ўтказгич ичидаги зарядни кўчириттада. иш бажаради. Электростатик табиатига эга бўлмаган бундай кучларни электр юритувчи куч (ЭЮК) деб аташ қабул қилинган. Ташқи кучларнинг электр юритувчи кучи деб бирлик зарядни берк занжир бўйлаб кўчиришда бажарилган ишга миқдор жиҳатидан тенг бўлган катталикка айтилади. Таърифга кўра:

$$\varepsilon = A/q. \quad (1)$$

Бунда ε - ЭЮК, A - ташқи кучнинг бажарган иши, q - заряд миқдори.

Тўлиқ занжир учун Ом қонунини электр юритувчи куч орқали қўйидагича ифодалаш мумкин:

$$I = \varepsilon / (R + r).$$

(2)

Бу ерда ε - ташқи қаршилик, R - манбанинг ички қаршилиги. У ҳолда (K+r) - берк занжирнинг тўлиқ қаршилиги. (2) ифодага кўра берк занжирдаги ток кучи занжирдаги ЭЮКнинг шу занжир тўлиқ қаршилигига нисбатига тенг. (2) ифодага кўра манбанинг ЭЮК и

$$\varepsilon \sim IR + IR - \text{Уташки} + \text{Уманба}. \quad (3)$$

Курилманинг тузилиши ва ишлаши: Манбанинг ЭЮКи ва ички қаршилигини ҳисоблаш мақсадида қўйидаги электр занжирини тузамиз (1-расм). Занжир ток манбаи, вольтметр, амперметр, калит ва турли хил электр қаршилигига эга бўлган ўтказгичлардан ташкил топган. Калит ёрдамида манбага ўтказгичларнинг ҳар бири алоҳида уланади ва ҳар бир ҳол учун амперметр ва вольтметрнинг кўрсатишлари қайд қилинади. Ток манбаига қаршиликли ўтказгич уланган ҳол учун занжирнинг бир қисми ва тўлиқ занжир учун Ом қонунини қўйидагича ёзамиз:

$$R_1 = U_1 / I_1 \quad I_1 = \varepsilon / (R_1 + r) \quad (4)$$

Ток манбаига R_2 қаршиликли ўтказгич уланган ҳол учун ҳам занжирнинг бир қисми ва тўлиқ занжир учун Ом қонунини ёзамиш:

$$R_2 = \frac{U_2}{I_2} \quad I_2 = \varepsilon / (R_2 + r) \quad (5)$$

(3) ва (4) ифодаларни биргаликда ечиб манбанинг ЭЮК ва ички қаршилигини ҳисоблаш учун қўйидаги ифодаларни ҳосил қиласмиш:

$$\varepsilon = \frac{I_2 \cdot U_1 - I_1 \cdot U_2}{I_2 - I_1} \quad \text{ва} \quad r = \frac{U_1 - U_2}{I_2 - I_1} \quad (6)$$

Ток манбанинг ЭЮКи ва ички қаршилигини аниқлаш қурилмасининг умумий кўриниши 2-расмда тасвирланган. Курилманинг асосий қисми ток манбай (БП-42/2А), амперметр, вольтметр, турли хил электр қаршиликлари ва калитдан иборат. Курилмада ишлатиладиган амперметр, ўлчаш чегаралари - 5А, 500 мА, 50 мА ва вольтметр, ўлчаш чегаралари - 3 В, 15 В, 30 В ни ҳамда ток манбай берадиган кучланишнинг номинал қийматини (« 5 В гача) инобатга олиб фойдаланиладиган қаршиликларнинг номинал қийматларини 100 Ом дан 500 Ом гача оралиқда олиш мақсадга мувофиқдир.

Ишини бажарииш тартиби

- Лаборатория ишининг йўриқномаси билан танишиб бўлгач, қурилмани ишга тушириш учун ўқитувчидан рухсат олинг.
- 1-расмда тасвирланган электр занжирини тузинг.
- Калит ёрдамида электр қаршилиги К га teng бўлган биринчи ўтказгични ток манбаига уланг ҳамда амперметр ва вольтметрнинг кўрсатишларини қайд этинг.
- Қаршилиги κ га teng бўлган иккинчи ўтказгични ток манбаига уланг. Бу ҳол учун ҳам амперметр ва вольтметрнинг кўрсатишларини қайд этинг.
- (6) ифодада келтирилган формулалар ёрдамида манбанинг ЭЮК ва ички қаршилигини ҳисобланг.
- Тажриба натижалари асосида қуйидаги жадвални тўлдиринг:

№	I ₁ , мА	U ₁ , в	I ₂ , мА	U ₂ , в	ε , В	ε , В	r, Ом	r, Ом
1								
2								
3								



- 1 - ток манбаи;
- 2 - амперметр;
- 3 - вольтметр;
- 4 - калит;
- 5 - турли хил актив қаршиликлар.

Назорат учун саволлар

1. Электр токи деб нимага айтилади? Электр токининг мавжуд бўлиш шартларини тушунтиринг.
2. Электр занжирида қандай кучларга ташқи кучлар дейилади?
3. Манбанинг ЭЮК и деб нимага айтилади?
4. Қаршиликда кучланишнинг тушиши деганда нимани тушунасиз?
5. Занжирнинг бир қисми учун ва тўлиқ занжир учун Ом қонунини тушунтиринг.
6. Манбанинг ички қаршилиги деганда нимани тушунасиз?

2-кўчма машғулот

12-Мавзу. Лаборатория иши: Ёритилганликнинг ёруғлик кучига боғлиқлиги

Ишнинг мақсади: Ёритилганликнинг ёруғлик кучига боғлиқлиги ўрганиш.

Керакли асбоб ва жиҳозлар: ток манбаи, амперметр, ёруғлик кучи турлича бўлган лампалар, чизгич, фотоэлемент ёки люксметр, калит ва улаш симлари.

Назорат учун саволлар

1. Ёритилганлик деб нимага айтилади?
2. Ёруғлик кучи деб нимага айтилади?
3. Ёритилганликнинг ёруғлик кучига боғлиқлик ифодасини ёзинг ва тушунтиринг?
4. Фотоэлемент деганда нимани тушунасиз?
5. Люксметр қандай асбоб?
6. Нормал дарс тайёрлаш учун хонанинг ёритилганлиги қанча бўлиши керак?
- 7.

3- кўчма машғулот

13- Мавзу. Иssiқлик ҳодисаларига доир намойиш экспериментлари (МКН ва термодинамика)

Иssiқлик ҳодисаларига доир намойиш экспериментларини (МКН ва термодинамика) ўтказиш ҳамда уларнинг физик моҳиятларини тушунтириш.

Намойишли тажриба иши

Идеал газ молекулалари иссиқлик ҳаракатининг температурага боғлиқлигини ўрганиш

Мавзу: Идеал газ босимининг температурага боғлиқлигини ўрганиш.

Мақсад: Идеал газ молекулаларининг иссиқлик ҳаракатини кузатиш модели қурилмаси асосида газ босими ва молекулалар ҳаракат тезлигининг температурага боғлиқлигини кузатиш.

Назарий муқаддима

Модда тузилишининг молекуляр кинетик назарияси хар бири тажрибада тасдиқланган учта қоидага асосланади:

- модда заррачалардан (молекулалардан) ташкил топган;
- заррачалар эса доим тартибсиз (иссиқлик) ҳаракат қилади;
- заррачалар ўртасида ўзаро таъсир кучлари мавжуд.

Бу қоидалар асосида газлар молекуляр кинетик назариясининг асосий тенгламаси келтириб чиқарилади. Ушбу тенгламага асосан идеал газ босими газ молекулаларининг иссиқлик ҳаракатининг ўртача квадрат тезлигига, концентрациясига ва молекуланинг массасига боғлиқ бўлиб у қўйидагича ифодаланади:

$$P = \frac{1}{3} n m_0 v^2 \quad (1)$$

Газ молекулаларининг ўртача кинетик энергияси асосан газнинг температурасига боғлиқ бўлиб, бу боғланиш қўйидаги қўринишга эга:

$$E_k = \frac{3}{2} k T \quad (2)$$

(2) ифодага кўра молекуляр кинетик назариянинг асосий тенгламаси қўйидаги қўринишга келади:

$$P = n k T \quad (3)$$

Демак, газнинг босими газ молекулаларининг концентрациясига ва абсолют температурасига тўғри пропорционал бўлади. Худди шунингдек газ молекулаларининг ўртача квадратик тезлиги газ температурасига тўғри пропорционал, яъни

$$v^2 = \frac{3}{m_0} k T \quad (4)$$

Қурилманинг тузилиши ва ишлаши: 1-расмда газ молекула- ларининг иссиқлик ҳаракатини кузатиш қурилмаси моделининг умумий қўриниши тасвирланган. Бу қурилма газ босими ва молекулалар ҳаракат тезлигининг температурага боғлиқлигининг амалий исботини кузатишга ҳамда газ молекулалари тартибсиз иссиқлик ҳаракатининг манзарасини тасаввур этишга ёрдам беради.


Қурилмани ток манбаига улашдан олдин унинг корпусида ўрнатилган

калитни (2) OFF ҳолатига, тебранувчи мембранага берилувчи кучланишни ўзгартирувчи мурват (5)ни эса соат милига тескари йўналишдаги охирги ҳолатига қўйинг. Қурилмани итттга. тушириш учун номинал қиймати 110 В ёки 220 В ўзгарувчан кучланишли (1-расмдаги қурилмани 110 В ёки 220 В кучланишли ток манбаига алмаштириш калитидир) ток тармоғига ёки номинал қиймати 6 В га тенг бўлган автоном ўзгармас ток манбаига уланг. Калитни ОК ҳолатига ўтказсак, қурилманинг ток манбаига уланганлигини кўрсатувчи светоиндикатор (4)нинг ёнгандигини кўрамиз. +урилмадаги (5) мурватни соат милини айланиш йўналишида бироз бурсак, пастки мембрана (9) тебранма ҳаракат қила бошлади.

Бу мембранадан туртки олган металл шарчалар ҳаракатга келиб, цилиндр бўйлаб ҳаракатланувчи юпқа вазнсиз поршени вертикал юқорига силжитади. Мурват яна соат мили айланиш йўналишида бурасак, пастки мембрана тебраниши тез лашиб ўз навбатида металл шарчаларнинг ҳам ҳаракати тезлашади. Натижада шарчалар кучли зарбларини поршенга узатиб уни вертикал бўйлаб кўпроқ силжитади. Бу пайтда биз поршень ва мембрана орасидаги металл шарчаларнинг жуда қизиқарли ҳаракат манзарасини кузатамиз. Шарчаларнинг бундай ҳаракати бизга газ молекулаларининг қўзга кўринимас тартибсиз иссиқлик ҳаракатини тасаввур этишга ёрдам беради.

Газнинг ҳар бир молекуласи идиш деворига урилиб, жуда қисқа вақт ичида деворга маълум бир куч билан таъсир қиласди. Молекулаларнинг деворга тартибсиз урилишлари натижасида деворнинг бирлик юзасига барча молекулалар томонидан таъсир этадиган куч, яъни босим вақт ўтиши билан тахминан 2-расмда кўрсатилгандек ўзгариб туради.

Бунга сабаб, биринчидан газ молекулаларининг ҳаммаси ҳам бир хил тезликка эга эмас, шунинг учун амалий масалалар қаралаётганда газ молекулаларининг ўртача квадратик тезлиги олинади, иқкимчидан вақт бирлиги ичида идиш деворларига урилаётган газ молекулаларининг сони ҳар доим ҳам бир хил бўлавермайди. Бу хulosаларнинг амалий исботини қурилма ишлаётган бир пайтда металл шарчаларнинг тартибсиз зарбалари туфайли поршеннинг бир хил вазиятда турмасдан, балки унинг цилиндр шкаласининг маълум бир ҳолати атрофида кўтарилиб-тушиб туриши мисолида кузатиш мумкин.



- 6- катланувчи тоңа вазнсиз поршень.
 7-
 8-

1 - расм.

1 - қурилмани ток манбаига улаш сими.
 мани ишга туширувчи калит.
 илмани автоном (6 В) мабаига улаш клеммалари.
 илманинг ток манбаига уланганлигини кўрсатувчи светоин- дикатор.
 5 - қурилмадаги тебранувчи мембранага берилувчи кучланишни ўзгартирувчи мурват.
 даражаланган ёпиқ цилиндрсимон шиша.

цилиндр бўйлаб ҳара-

поршень ўқи.

металл шарчаларни ҳаракатга келтирадиган тебранувчи мембрана.


9-

олекулалар ҳаракатини тасвирловчи металл шарчалар.


* қурилмани 110В ёки 220В

кучланишли ток манбаига алмаштириш калити.

Мурватнинг соат мили йўналишидаги буралишини газ температурасининг ошишига мос келувчи параметр деб, вазнсиз поршеннинг юқорига кўтарилишини эса газ босимининг ошишига мос келувчи параметр деб қабул қилиш мумкин. Температуранинг кўтарилиши натижасида газ молекулаларининг ўртача квадратик тезлиги ошиб, айни пайтда бу газ босимининг ҳам ортишига олиб келади. Натижада 2-расмда тасвирланган босимнинг вақтга боғлиқлик графиги юқорига томон сурилади. Буни биз вазнсиз поршеннинг даражаланган шиша цилиндр бўйлаб юқорига кўтарилиб боришида кузатишимииз мумкин (3-расм



Бизнинг сезги органларимиз табиатан тўғридан-



3-расм

тўғри модда. молекулаларини (заррачаларини) кўриш имкониятига эга эмас. Юқоридаги қурилма бизга газ молекулаларининг кўриниши, ҳаракатланиш манзараси, уларнинг сиртларга берувчи таъсирлари тўғрисидаги билимларни ўзлаштиришга амалий ёрдам беради.

Назорат учун саволлар

1. Идеал газ деб нимага айтилади?
2. Босим деб нимага айтилади?
3. Молекуляр кинетик назариянинг асосий тенгламаси ифодасини ёзинг ва тушунтиринг?
4. Концентрация деб нимага айтилади?
5. Газ молекулаларининг ўртача квадратик тезлиги ифодасини ёзинг ва тушунтиринг?

4- кўчма машғулот

14-Мавзу. Ўзгармас ток ва турли муҳитларда электр токига доир намойиш экспериментлари


Ўзгармас ток ва турли муҳитларда электр токига доир намойиш экспериментларини ўтказиш ҳамда уларнинг физик моҳиятларини тушунтириш.

Электролитларнинг электрокимёвий эквивалентини ва бир валентли ион зарядини аниқлаш

Керакли асбоб ва жиҳозлар: Ўзгармас ток манбаи, электрон тарози ва секундомер, реостат, электролитик ванна, мис купорасининг эритмаси, иккита мис электродлар, ўзгармас ток амперметри, улаш симлари.

Ишнинг мақсади: электролиз қонунларини ўрганиш. Миснинг электрокимёвий эквивалентини аниқлаш орқали Фарадей сони ва электроннинг зарядини аниқлаш.

Қисқача назария: Кислоталар, тузлар ва ишқорларнинг эритмаларидан электр токи ўтишини қараб чиқайлик. Амалда тоза дистилланган сув диелектрик ҳисобланади. Буни қуйидаги тажрибада кўрсатиш мумкин: чўғланма лампа билан кетма-кет қилиб уланганичига металл пластинкалар



туширилган ва дистилланган сув солинган ваннани калит орқали ток манбаига уланса, лампа ёнмайди (1-расм).

Агар томизғич ёрдамида сувли ваннага бир нечта томчи кислота солинса

лампа ёруғ бўлиб ёнади. Бундан кўринадики, кислотанинг сувдаги эритмалари токни яхши ўтказар экан. Бу ҳодисанинг сабабини қараймиз. Сув молекуласи табиий дипол ҳисобланади. Олайлик, сувда хлорид кислота HCl молекуласи жойлашган бўлсин. Бу молекула H^+ ва Cl^- ионларидан ташкил топган. Улар Кулон кучлари таъсирида бир-бирини ушлаб туради.

Сув электр зарядларининг ўзаро таъсирини тахминан 80 марта сусайтиришини эсга оламиз. Сув молекулалари хаотик ҳаракатланиб, хлорид кислота молекуласига ҳамма томондан урилади, натижада HCl молекуласи ионларга парчаланади. Сувдаги ҳар хил исмли зарядланган ионлар бир-бирига тортишади ва баъзан улар бирикиб яна қайтадан молекула




ҳосилқилиши мумкин. Шунинг учун кислота сувга солингандаги нафақат молекулаларнинг ионларга ажралиши эмас, балки унга тескари жараён, яъни ионларнинг бирикиб нейтрал молекула ҳосил қилиш ҳодисаси ҳам кузатилади:

Эритувчи таъсирида молекулаларнинг ионларга парчаланиш ҳодисаси электролитик диссоциация деб аталади. Молекулалар умумий сонининг қанча қисми парчаланганини кўрсатувчи сон диссоциация даражаси дейилади. Эритмаларда ҳаракатланувчи заряд ташувчилар фақат ионлар ҳисобланади. Диссотсиация вақтида водород ва ҳамма металларнинг ионлари мусбат зарядланган бўлади. Заряд ташувчилар фақат ҳаракатланувчи ионлардан иборат бўлган суюқ ўтказгич **электролит** деб аталади.

Электролитлар иккинчи жинс ўтказгичларга мансуб бўлиб, ионли ўтказувчанликка эга бўладилар. Уларга ток ҳосил қилувчи зарядли эркин зарралар - ионлар электролитлар диссотсиация ҳодисаси туфайли пайдо бўлади. Электролитдаги қарама-қарши ишорали ионлар тартибсиз иссиқлик ҳаракатида бўлади. Агар электролитда ташқи электр майдони ҳосил қилинса, майдоннинг кучи (е - ионнинг заряди) таъсирида ундаги ионлар тартибли ҳаракатга келади ва электролитда электр токи пайдобўлади. Шунинг учун электролитларнинг электр ўтказувчанлигини ионли ўтказувчанлик дейилади. Электролитдан ўзгармас электр токи ўтганда, электролит таркибидаги моддаларнинг электродларда ажралиб чиқиш ҳодисаси электролиз деб аталади.

Ваннага сулфат кислотанинг сувдаги эритмаси солинган бўлсин. Сулфат кислотанинг молекуласининг диссотсиацияси қуйидаги тенглама кўринишида рўй беради:



Ваннага иккита электрод киритамиз. Ток манбайнинг мусбат қутбига уланган электродни анод, манфий қутбига уланган электродни эса катод деб аталади. Агар қалит уланса, электролитда электродлар орасида электр майдон пайдо бўлади. Бу майдон таъсирида водород иони H^+ катодга томон, кислота қолдиги ионлари SO_4^{2-} эса анодга томон ҳаракатланади. H^+ катодга етиб боргач, ўзига битта эркин электронни кўттабиб олади ва нейтрал водород атомига айланади. Бу атомлар жуфтлашиб катодда ажralадиган газсимон водород молекуласини ҳосил қиласди. Эритмада SO_4^{2-} ионлардан бошқа манфий ионларнинг борлиги сув молекулаларининг ҳам кичик миқдорда диссотсиацияланишини кўрсатади:




О H^- ионлар (гидроксил) ўзининг ортиқча электронларини осон беради, SO_4^{2-} ионлар эса қаттиқроқ ушлайди. Шунинг учун анодга етиб келган О H^- ионлар зарядсизланади, SO_4^{2-} ионлар эса эритмада қолади. О H^- ионларнинг разрядланиши вақтида сув ваанодда ажralадиган нейтрал газсимон кислород молекулалари ҳосил бўлади. Электрон зарядини е ҳарфи билан белгилаб, бу жараёнларни қуйидагича ёзиш мумкин: а) эритмада ионларнинг ҳосил бўллитти



б) катоддаги


жараёнларда - газсимон водород ажralади;



в)



Эритмалардаги мусбат ионларни катионлар (электролиз вақтида катодда



**Электролиз вақтида электродда ажralадиган модда
микдори.
Фарадей қонунлари.**



Электролиз ҳодисасига оид қонунларни инглиз физиги М.Фарадей тажрибада кашф қилган. Фарадей қонунларининг ифодаларини қуидагида назарий мулоҳазалар юритиб, келтириб чиқариш мумкин. Фараз қилайлик, электролитик Диссоциация туфайли ҳосил бўлган ионнинг заряди $^{\wedge}=2e$ (2 - ионнинг валентлиги) бўлсин. Электродга (катодга) етиб келган N - та ионнинг (масалан Си иони) катоддан олган заряди

$$q=Ne \quad (1)$$

га тенг бўлади. Иккинчи томондан, электродда ажралган модда (Си ионлари) массаси $m=Nm_0$ (2)

га (t_0 - битта Си ионнинг абсолют массаси) тенг бўлади.

(1) ва (2) ифодалардан қуидаги ифодани оламиз:

$$\frac{q}{m} = \frac{Ze}{m_0} \quad (3)$$

Бизга молекуляр физика курсидан маълумки, модданинг M-моляр массаси битта молекула массаси билан Авогадро доимийсининг қўпайтмасига тенг:

$$m=Nm_A \quad (4)$$

(4) дан m_0 ни топиб, (3) ифодага қўйсак, у қуидаги қўринишни олади:

$$\frac{q}{m} = \frac{Ze}{M} N_A \quad (5)$$

Бундан электродда ажраладиган модданинг массасини аниқлаш формуласини келтириб чиқарамиз:

$$m = \frac{M}{ZeN_A} q \quad (6)$$

$$k = \frac{M}{ZeN_A} \quad \text{катталик ҳар бир модда учун ўзгармас бўлиб, модданинг}$$

электрокимёвий эквиваленти дейилади. Шуни ҳисобга олиб Фарадейнинг биринчи қонуни ифодасини қуидаги қўринишда ёзамиш $m=kq = kIm$ (7) (7) га кўра Фарадейнинг биринчи қонунини қуидагида таърифлаймиз: электролитдан электр токи ўтганда электродда ажралиб чиқадиган модданинг массаси электролит орқали ўтган заряд миқдорига ёки ток кучи ва токнинг ўтиб туриш вақтининг қўпайтмасига тўғри пропорсионалдир.

$q=1\text{Кл}$ бўлганда, сон жихатдан $k=m$ бўлади. Бундан к-нинг физик моҳияти келиб чиқади: модданинг электрокимёвий эквиваленти шу электролитда эриган эритма орқали 1Кл заряд ўтиш вақтида электродда ажралиб чиқсан модда массасини аниқлайди. Амалда унинг ўлчов бирлиги учун $1\text{кг}/\text{Кл}$ қабул қилинган.

(7) дан электрокимёвий эквивалентни ҳисоблаш мумкин бўлган ифодага эга

$$\text{бўламиз: } k = m/Im \quad (8)$$

Бир валентли ион зарядини (електрон заряди) аниқлаш формуласи қўйидагича булади.

$$k = \frac{M}{mN_A Z} q \quad (9)$$

Фарадейнинг иккинчи қонуни: моддаларнинг электрокимёвий эквиваленти уларнинг кимёвий эквивалентига тўғри пропорсионалдир, яъни $k \sim e$.

$$k/c = 1/F \quad (10)$$

(10) ифодадаги Φ -барча моддалар учун бир хил бўлган доимий сон ҳисобланиб, Фарадей сони деб аталади ва унинг сон қиймати:

$$F = c/k = 96484,56 \text{ Кл/мол} \quad (11)$$

Электролиз учун Фарадей қонунларини бирлаштиrsак:

$$m = \frac{M}{FZ} q \quad (12)$$

Эритма орқали $\dot{m} = F$ заряд ўтганда электродда ажralадиган модданинг массаси $t = c$ бўлади. (сон жиҳатдан кимёвий эквивалентга teng). Бу шарт Фарадей сонининг физик маҳиятини аниқлайди: электролиз пайтида электродда ажralадиган модданинг массаси, сон жиҳатидан, унинг кимёвий эквивалентига teng бўлиши учун, электролит орқали шу вақт ичida Фарадей сонига teng катталиқдаги заряд оқиб ўтиши керак. F - халқаро бирликлар системасида Кл/мол бирликда ўлчанади.

Фарадей сони аниқ бўлганда, элементар заряд - электроннинг зарядини қўйидаги ифода ёрдамида ҳисоблаш мумкин бўлади $e = F / A_d = 1,6 \times 10^{-19}$ Кл.

Ишни бажариш тартиби:

1. 2-расмдаги схемага кўра электр занжирини йиғинг.
2. Катод вазифасини бажарувчи электродни яхшилаб қуритинг ва унинг M^+ массасини тарозида аниқ тортиб ўлчанг.
3. Мис купорасидан дистилланган сувга озроқ солиб эритма тайёрланг ва эритмани ваннага қўйинг.
4. Эритмага электродларни тушириб, уларни қўзғалмас қилиб ўрнатинг.
5. Калитни уланг, реостат ёрдамида занжирдаги ток кучини тахминан 1,5 А қийматга ростланг ва шу заҳоти вақтни белгилаб олинг.
6. Ток кучини ўзгартирмасдан занжирдан 20-25 минут давомида ток ўтиб турсин ва т вақтни белгилаб олинг. Калитни узинг.
7. Катодни эритмадан чиқариб, уни қуритинг ва унинг M_2 массасини тарозида тортиб ўлчанг. Катодда ажralиб чиқсан мис массасини $A_M = M_2 - M_1$ ифодадан аниқланг.
8. (8) ифодадан фойдаланиб, миснинг к электрокимёвий эквивалентини ҳисоблаб топинг.
9. Тажрибани такрорланг ва хатоликларни ҳисобланг.
10. (9) ифодадан фойдаланиб, бир валентли ион зарядини аниқланг.
11. Жадвал тузинг ва олинган натижаларни жадвалга киритинг.

Савол ва топшириқлар:

1. Электр ўтказувчанлик хусусиятига кўра суюқликлар қандай гурухларга ажратилади?
2. Электролит нима? Электролитик Диссоциация ва рекомбинация жараёнлари ҳақида гапириб беринг.
3. Қандай жараённи электролиз деб аталади?
4. Электролизнинг техникада қўлланилишига мисоллар келтиринг.
5. Фарадей қонунларини айтиб беринг. Электрокимёвий эквивалент деб қандай катталикка айтилади?

4.2
МОДУЛ

КЕЙСЛАРТҮПЛАМИ

VI. КЕЙСЛАР БАНКИ

1. Қайси электр чироғи тежамлироқ? Қиёсий таҳлил қилинг.

Чүлгамли чироқ	Люминесцент чироғи	Ёрглик таратувчи диодли чироқ (ЬЕБ)
----------------	--------------------	-------------------------------------

$$2960 \text{ соат} \times 60 \text{ Вт} = \\ = 178 \text{ кВт соат}$$

$$2960 \text{ соат} \times 12 \text{ Вт} = \\ = 36 \text{ кВт соат}$$

$$2960 \text{ соат} \times 5 \text{ Вт} = 15 \text{ кВт}$$

Электр энергияси нархи

1 кВт соат 191 сўм



Elektr istemoli 1 суткада: 8 соат 1 йилда: 8 x 365 =
2960 соат

4.2
МОДУЛ

*МУСТАҚИЛ
ТАЪЛИМ
МАВЗУЛАРИ*

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган холда қуидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий хужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича мъruzалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- маҳсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;

-тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

Мустақил таълим мавзулари

1. Физика фанини ўқитишнинг замонавий методлари
2. 6-синфда физика фанини ўқитишда умуммаданий компетенцияларни шакллантириш
3. 6-синфда физика фанини ўқитишда коммуникатив компетенцияларни шакллантириш
4. 6-синфда физика фанини ўқитишда ахборот билан ишлаш компетенцияларни шакллантириш
5. 6-синфда физика фанини ўқитишда ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияларни шакллантириш
6. 6-синфда физика фанини ўқитишда шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириш компетенцияларини шакллантириш
7. 6-синфда физика фанини ўқитишда физика саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенцияларини шакллантириш
8. 6-синфда физика фанини ўқитишда ўқувчиларда фанга оид компетенцияларни шакллантириш
9. 7-синфда физика фанини ўқитишда умуммаданий компетенцияларни шакллантириш
10. 7-синфда физика фанини ўқитишда коммуникатив компетенцияларни шакллантириш
11. 7-синфда физика фанини ўқитишда ахборот билан ишлаш компетенцияларни шакллантириш
12. 7-синфда физика фанини ўқитишда ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияларни шакллантириш
13. 7-синфда физика фанини ўқитишда шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириш компетенцияларини шакллантириш
14. 7-синфда математика фанини ўқитишда физика саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенцияларини шакллантириш
15. 7-синфда физика фанини ўқитишда ўқувчиларда фанга оид

компетенцияларини шакллантириш

16. 8-синфда физика фанини ўқитишида ўқувчиларда умуммаданий компетенцияларни шакллантириш
17. 8-синфда физика фанини ўқитишида ўқувчиларда коммуникатив компетенцияларни шакллантириш
18. 8-синфда физика фанини ўқитишида ўқувчиларда ахборот билан ишлаш компетенцияларни шакллантириш
19. 8-синфда физика фанини ўқитишида ўқувчиларда ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияларни шакллантириш
20. 8-синфда физика фанини ўқитишида ўқувчиларда шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириш компетенцияларини шакллантириш
21. 8-синфда физика фанини ўқитишида ўқувчиларда физика саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенцияларини шакллантириш
22. 8-синфда физика фанини ўқитишида ўқувчиларда фанга оид компетенцияларини шакллантириш
23. 9-синфда физика фанини ўқитишида ўқувчиларда умуммаданий компетенцияларни шакллантириш
24. 9-синфда физика фанини ўқитишида ўқувчиларда коммуникатив компетенцияларни шакллантириш
25. 9-синфда физика фанини ўқитишида ўқувчиларда ахборот билан ишлаш компетенцияларни шакллантириш
26. 9-синфда физика фанини ўқитишида ўқувчиларда ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияларни шакллантириш
27. 9-синфда физика фанини ўқитишида ўқувчиларда шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириш компетенцияларини шакллантириш
28. 9-синфда физика фанини ўқитишида ўқувчиларда физика саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенцияларини шакллантириш
29. 9-синфда физика фанини ўқитишида ўқувчиларда фанга оид компетенцияларини шакллантириш
30. Физика дарсларида ўрта осиёлик физик олимлар илмий меоросидан фойдаланиш
31. Физика фанини ўқитишида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш
32. Физика фанидан мактабдан ташқари ишларни ташкил этиш
33. Физика дарсларида фанлараро боғланишлардан фойдаланиш
34. Физикадан ўқувчилар билим ва кўнималарини баҳолаш усуллари
35. Физика фани бўйича иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш
36. Физика дарсида ўқувчиларни касбга йўналтириш
37. Физика фанидан яратилган ўргатувчи дастурлар ва амалий пакетлардан дарсда фойдаланиш
38. Физикадан масалалар ечиш методикаси
39. Физикадан синфдан ташқари ишларни ўтказиш орқали ўқувчилар ижодий қобилияtlарини ривожлантириш методикаси

40. Физика кечалар ўтказиш орқали ўқувчиларини физика фанига қизиқтириш

41. Физика дарсларида тарихий илмий меросидан фойдаланиш

42. Физика дарсларида билишнинг турлари ва хулоса чиқариш методлари

43. Сифат масалаларни ечиш методикаси

44. Физика дарсларида физик оғзаки нутқни ривожлантириш

45. Физика дарсларида физик ёзма нутқни ривожлантириш

46. Ўқувчилар билим ва кўнималарини текшириш ва баҳолаш методлари

47. Замонавий дарсга қўйиладиган талаблар

48. Физикани ўрганишда илмий билиш методлари

49. Физика дарсини кузатиш ва таҳлил қилиш

50. Физика дарсларида фанлараро боғланишлардан фойдаланиш

51. Дарсда ўқувчилар физик тафаккурини ривожлантириш

52. Физика дарсларида турли методлардан самарали фойдаланиш

53. Физикадан факултатив машғулотларни ўтказиш методикаси

54. Физикани ўқитишда дедукция ва индукция методларидан фойдаланит

55. Физикани ўқитишда тадқиқот методларидан фойдаланиш

56. Физикани ўқитишининг шакл ва методлари

57. Физикани ўқитишда муаммоли таълим методлари

58. Физикани ўқитишда эвристик методлардан фойдаланиш

59. Мактаб физика курсида физик тушунчаларни киритиш методикаси

60. Физика дарсларида масалаларни ечиш методикаси

61. Физикани чукурлаштириб ўқитиш методикаси

62. Физика дарсларида қўшимча ўқув материалларидан фойдаланиш

63. Физикадан дарс ишланмаларини тузиш бўйича тавсиялар

64. Физикани ўқитишининг дидактик тамойиллари

65. Физикани ўқитишининг мақсади, мазмуни, шакли ва методлари орасидаги боғланишлар

66. Дарс мақсадларини ифодалаш бўйича тавсиялар

67. Мактаб физика курсини ўрганишнинг методик жиҳатлари

68. Физика дарсларида электрон дарсликлардан фойдаланит

69. Физикани ўқитишда тарихий материаллардан фойдаланиш

70. Физикани ўқитишда компетенциявий ёндашув

71. Физика фанидан давлат таълим стандартлари таҳлили

72. Физикадан ўзлаштирилган назарий билимларни ҳаётий масалаларни ечишга қўллаш имкониятлари

73. Физикадан яратилган дарсликлар таҳлили

74. Физика дарсларида қизиқарли масалалардан фойдаланиш

75. Физика ўқитувчисининг касбий компетенциялари таҳлили

76. Физика ўқитувчиларини аттестациядан ўтишига қўйилган талаблар таҳлили

77. Физикадан турли баҳолаш топшириқларини тузиш бўйича тавсиялар

78. Ўқувчиларни физикадан “Билимлар беллашуви” танловига тайёрлаш бўйича тавсиялар

79. Физикадан халқаро танловлар (олимпиадалар) масалалари
80. Физикадан 6-синфда факултатив машғулотларни ўтказиш
методикаси
81. Физикадан 7- синфда факултатив машғулотларни ўтказиш
методикаси
82. Физикадан 8-синфда факултатив машғулотларни ўтказиш
методикаси
83. Физикадан 9-синфда факултатив машғулотларни ўтказиш
методикаси
84. Физикадан 10-синфда факултатив машғулотларни ўтказиш
методикаси
85. Физикадан 11-синфда факултатив машғулотларни ўтказиш
методикаси

4.2
■ МОДУЛ

ГЛОССАРИЙ

Давлат таълим стандарти - математикадан таълим мазмунининг мажбурий ҳажмини; ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда танланадиган ўқув юкламасининг юқори миқдоридаги ҳажмини; асосий йўналишлар бўйича ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар ва уларни баҳолаш меъёрларини белгилайди.

Дарс - бу мантиқан тугалланган, бутун вақт билан чегараланган ўқувтарбия жараёнининг қисмидир.

Дарс таҳлили ўқув машғулотини бир бутун яхлит ҳолда ёки муайян бўлакларга бўлиб баҳолаш

Дастурлаштирилган таълим бериш- таълим бериш асосини, тартибга келтирилган топшириқларни намоён қилувчи, ўргатуви дастур ташкил этади. У бутун ўқитиш жараёнини бошқаради.

Дедуктив хуросалар - уч хилда бўлади: а) умумийроқ қоидадан умумийроқ бўлмаган (ёки бирлик) ҳукмга ўтиш; б) умумий қоидадан умумий қоидага ўтиш; в) бирликдан хусусийга ўтиштт.

Дедукция лотинча дедуктио - келтириб чиқариш маъносини англатиб, тасдиқнинг бир шакли бўлиб, битта умумий ҳукмдан ва битта хусусий ҳукмдан янги унчалик умумий бўлмаган ёки хусусий ҳукм келтириб чиқарилади.

Дидактик материаллар - мустақил ва назорат ишлари матнлари, тестлар ва уларни амалга ошириш бўйича тавсиялар ҳамда жавобларни беради.

Замонавий ахборот технологиялари - замонавий компьютерлар ва телекомуникацион воситаларидан фойдаланадиган, фойдаланувчи ишлаши учун «дустона» интерфейсга эга булган ахборот технология демакдир.

Индивидуал ўқитиш ўқувчи шахсига алоҳида ёндашган ҳолда таълимтарбия бериш

Индукция- йўналтириш, уйғотиш маъносида бўлиб, уч асосий кўринишга эга: 1) икки ёки бир нечта бирлик ёки хусусий ҳукмлардан янги умумий ҳукм хуроса чиқарилади; 2) тадқиқот усули бўлиб, обьектлар тўплами барчасига тегишли хоссалар баъзи алоҳида олинган обьектларда ўрганилади; 3) материални баён қилиш усули бўлиб ўқитишда унчалик умумий бўлмаган қоидалардан умумий қоидалар (хуроса ва натижалар)га келинади.

Конкретлаштириш-ўқитишнинг дастлабки босқичларидаги қўллани- лади. У ўрганилаётган обьектнинг бир тарафи бир ёқлама ўрганилади ва бу ўрганиш унинг бошқа томонларига боғлиқ бўлмаган ҳолда амалга оширилади..

Концепция- умумий ғоя ёки бирор-нарса тўғрисида тасаввур, тушунча, фикрлар тизими.

Креативлик (ижодийлик) қандайдир янги, бетакрор нарса яратади олиш лаёқати, бадиий шакл яратиш, фикрлаш, ғоя ва ечимга олиб келувчи ақлий жараён

Кузатиш - атроф олам алоҳида обьектлар ва ходисаларининг хоссалари ва муносабатларини улар мавжуд бўлган табиий шароиларда ўрганиш усулига айтилади.

Кўникма -эгаллаган билимлар асосида ўзгарувчан шароитларда бирорта

фаолиятни амалга ошириш қобилияти.

лозим бўлган масала, вазифа

Малакалар - бу, кўп марта тақорорлаш натижасидаги машинал (беихтиёрий), харакатлардир.

Физика бўйича синфдан ташқари ишлар - дарсдан ташқари вақтда ўқувчилар билан олиб бориладиган мажбурий бўлмаган машғулотлар тушунилади.

Физика дарслиги, ўкув қўлланмаси - дастур ва дидактика талаблари билан аникланувчи ўқитиш мақсадларига мос келувчи математика бўйича билимлар асосларини баён этувчи китоб ҳисобланади.

Физика ўқитиш методикаси - жамият томонидан қўйилган таълим мақсадларга мос равишда математика ўқитиш усулларини, қонуниятларини унинг маълум ривожланиш даражасида ўрганадиган ва тадқиқ этадиган педагогиканинг бўлими

Физика ўқитишда муаммоли таълим усули - кўпгина тушунчаларни ўрганиш муаммоли вазиятни яратишга олиб келиниши мумкин.

Маъруза усули- бунда ўқитувчи материални ўзи баён этади.

Метод таълим жараёнида тақдим этилган амалий ва назарий билимларни эгаллаш, ўзлаштириш, ўргатиш, ўрганиш, билиш учун хизмат қиласидиган йўл-йўриклар, усуллар мажмуи

Модул ўқув ахборотининг мантиқий бўлакка бўлинган қисми, ушбу қисм мантиқан яхлит ва тугалланган бўлиб, унинг ўзлаштирилишини назорат қилиш мумкин бўлади

Модулли ўқитиш - ўқитишнинг истиқболли тизимларидан бири ҳисобланади, чунки у таълим олувчиларнинг билим имкониятларини ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш тизимига энг яхши мослашгандир.

Муаммо ўқув жараёнида ҳал қилиниши

Муаммоли вазият - Мазкур ҳолда вазият субъектининг ҳозирги вақтда ёки келгусидаги мақсадларга эришишига хавф соладиган вазият тушунилади.

Мултимедияли воситалар. Буларга турли типдаги ахборотларни ва жараёнларни матн, расм, схема, жадвал, диаграмма ва виртуал мухитларни яратиш, саклаш, ишлов бериш, ракамлаштирилган ва жараёнли куринишда амалга оширишнинг компьютерли воситалари киради.

Ривожлантирувчи таълим - ўқитувчининг асосий вазифаси билиш мустақиллиги ва қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган, ўқувчиларни ўкув фаолиятини ташкиллаштириш ҳисобланади.

1 абақалаштириш - ўқитишда ўқувчиларни ўз билим савияси ва қобилиятларига кўра гурухларга ажратган ҳолда, табақаларга бўлган ҳолда ўқитишни назарда тутади.

Тажриба - объектлар ва ҳодисаларни ўрганишнинг шундай усулига айтиладики, бунда биз уларнинг табиий ҳолатига ва ривожига аралашамиз, улар учун сунъий шароитлар яратамиз, қисмларга ажратиб бошқа объектлар ва ҳодислар билан боғланишлар ҳосил қилиб тадқиқ этамиз.

Таққослаш - ўрганилаётган объектларнинг ўхшашлик ва фарқларини

фикран ажратишдан иборат.

Тафаккур - инсон онгидаги аск этган объектлар томонлар ва хоссаларини ажратиш ва уларни янги билим олиш учун бошқа объектлар билан тегишли муносабатларда қўйиш жараёнига айтилади. Умуман олганда, тафаккур объектив борлиқнинг инсон онгидаги фаол акс эттириш жараёнидир.

Тафаккурнинг шакллари - тушунча, ҳукм ва тасдиқлар.

Таҳлил муайян объект, воқеа-ҳодисани хар томонлама таҳлил қилиш, чуқур текшириш, ўрганиш

Таълим воситаси муайян ўқитиш методи ёки усууларидан муваффақиятли фойдаланиш учун зарур бўлган ёрдамчи ўқув материаллари

Таълим тизими турли даража ва йўналишдаги ўзаро алоқадор узлуксиз таълим дастурлари ва давлат таълим стандартлари, ташкилий ҳуқуқий турларидан қатъий назар таълим муассасаларининг барча тармоқлари, таълимни бошқарув органлари ва улар қошидаги муассаса ҳамда ташкилотларни қамраб олувчи тизим

Технология грек тилидан (течне) таржима килганда санъат, маҳорат, билиш маъноларини англатади, булар эса ўз навбатида жараёнлардир. Жараёнлар - бу қўйилган мақсадга эришиш учун маълум харакатлар мажмуасидир.

Тизимли ёндашув тадқиқотчининг педагогик объект яхлитлигини очиб кўрсатишга йўналтирувчи, унинг ички алоқа ва муносабатларини белгиловчи жараён

Тушунчалар - объектларнинг турли хил сифатлари, белгилари ва хусусиятларини акс эттиради,

Узлуксиз таълим ўзаро мантиқий изчиллик асосида боғланган ҳамда соддадан мураккабга қараб ривожланиб борувчи ва бир-бирини тақозо этувчи босқичлардан иборат яхлит тизими

Ўқув материалининг электрон шакли. Босма шаклда баён этилган асосий, тушунтирувчи, амалий матнларнинг овозли электрон версияси тақдим этилади.

Умумлаштириш- объектлар тўпламига тегишли ва бу объектларни бирлаштирувчи бирорта хосса фикран ажратилади.

Ҳамкорликда ўқитиш - машғулотлар жараёнида ўқувчилар билан ахборот, шахсий ва касбий тажрибаларни алмашиш асосидаги гуруҳий ўқитиш шакли

Эвристик ўқитиш - ўқитувчи ўқувчилар билан ҳамкорликда ҳал этилиши зарур бўлган масалани аниқлаб олиши. Ўқувчилар эса мустақил равишда тақлиф этилган масалани тадқиқ этиш жараёнида зарурий билимларни ўзлаштириб оладилар ва унинг ечими бўйича бошқа вазиятлар билан тақкослади. Ўрнатилган масалани ечиш давомида ўқувчилар илмий билиш методларини ўзлаштириб тадқиқотчилик фаoliyatiini олиб бориш кўникмаси тажрибасини эгаллайдилар.

ФОЙДАЛАНИШГА ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни
2. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»
Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.– :: Шарқ нашриёт
– матбаа концерни, 1997. – 31 – 64 б.
3. Абдуқодиров А.А. ва бошқалар. «Case-stady» услуби: назария,
амалиёт ва тажриба.-Т.: Тафаккур қаноти, 2012.-134 б.
4. Mirzaxmedov B., G‘ofurov N. va boshqalar. Fizika o‘qitish nazariyasi va
metodikasi Toshkent-2010
5. Djoraev M. Fizika o‘qitish metodikasi (umumiyl masalalar). –
Toshkent:TDPU, 2013
6. Турдиев Н.Ш., Асадов Ю.М., Акбарова С.Н., Темиров Д.Ш. Умумий
ўрта таълим тизимида ўқувчиларнинг компетенцияларини шакллантиришга
йўналтирилган таълим технологиялари, Т.Н.Кори Ниёзий номидаги
Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти, Т.: 2015.-160.
7. Лебедев, О.Е. Компетентностный подход в образовании / О.Е.
Лебедев // Школьные технологии. - 2004. - № 5. - С. 5-12.
8. Хугорский А.В. Ключевые компетенции: технология конструирования
// Народное образование. -2003. - №5.
9. Ганиева М.А., Файзуллаева Д.М. Кейс-стади ўқитишнинг педагогик
технологиялари тўплами. Методик қўлланма.Т.:ТДИУ,2013.-956.
10. Юлдашев З.Ю. Ш. И. Бобохужаев. Инновационные методы
обучения: Особенности кейс-стади метода обучения и пути его
практического использования/ Ташкент. “IQTISOD-MOLIYA”, 2006. 88 с.
11. Ишмуҳамедов Р.Ж. Болаларни тарбиялаш ва соғломлаштириш
ишлари-да педагогик технология (ўзбек ва рус тилларида).– Т.,УДАП, 2004.
– 233 б.
12. Ишмуҳамедов Р.Ж. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим
самарадорлигини ошириш йўллари.–Т.:Низомий номидаги ТДПУ, 2004, 2008
(қайта нашр). – 44 б.
13. Ишмуҳамедов Р. Ўқув жараёнида интерфаол услублар ва
педагогик технологияларни қўллаш услугияти. – Т.: РБИММ, 2008. – 68 б. 158
14. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда
инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари
учун амалий тавсиялар). – Т.: Истеъдод, 2008.–180 б.
15. Ишмуҳамедов Р.Ж, Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда
инновацион технологиялар (таълим муассасалари ўқитувчилари,
тарбиячилари, гуруҳ раҳбарлари учун амалий тавсиялар).– Т.: Истеъдод,
2010.–140 б.
16. Толипов У., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг

- тадбиқий асослари. – Т.: 2006.
17. Йўлдошев. Ж.Ғ. Усмонов.С. Илғор педагогик технологиялар.– Т.:Ўқитувчи,2004.–101 б.
18. Очилов М. Янги педагогик технологиялар. – Қарши.: Насаф, 2000.–79 б.
19. Сайидахмедов Н. Педагогик амалиётда янги технологияларни қўллаш намуналари. – Т.: РТМ, 2000.–46 б.
20. Сайидаҳмедов Н, Очилов А. Янги педагогик технология моҳияти ва замонавий лойиҳаси.–Т.,1999. –55 б.
21. Сайидаҳмедов Н. Педагогик маҳорат ва педагогик технология. – Т.,2003.– 66 б.
22. Толипов.Ў., Усмонбоева.М. Педагогик технология: назария ва амалиёт.– Т.: Фан, 2005. –205 б.
23. Ишмуҳамедов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар.– Т.: “Ниҳол” нашриёти, 2013, 2016.– 279б.
24. Норенков И.П., Зимин А.М. Информационные технологии в образовании: Учебное пособие.–М.: Изд. МГТУ им. Н.Баумана,2002.-336с.
25. Сергеев И.С. Основы педагогической деятельности: Учебное пособие. – СПб.: Питер. Серия “Учебное пособие”, 2004–316 с.
26. Иноятов У.И., Муслимов Н.А., ва бошқ. Педагогика: 1000 та саволга 1000 та жавоб. 2012 й. Тошкент, “Илм-Зиё” нашриёти. 12 б.т.
27. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари – Т.: 2006. – 163 б.
28. Уразова М.Б., Эшпулатов Ш.Н. Бўлажак ўқитувчининг лойиҳалаш фаолияти. // Методик қўлланма. – Т.: ТДПУ Ризографи, 2014 йил. 6,5 б.т. 159
29. Fizika o'qitish metodikasi, O'quv qo'llanma. Toshkent, Abu matbuot-konsalt, 2015
30. Fizika va actronomiya o'qitish nazariyasi va metodikasi, Toshkent, Fan va texnologiyalar nashriyoti, 2015
31. Suyarov K.T. va boshq. Fizikadan laboratoriya va namoyishli tajriba ishlri. Т.: Talqin. 2003, -114b.
32. Benjamin Crowell. Newtonian Physics// Light and Matter :/ Fullerton, California-2012
33. Benjamin Crowell Revolution in PhysicsThe Modern Light and Matter Fullerton, California-2012
34. John Dirk Walecka. Introduction to Modern Physics// College of William and Mary: ,/USA ,Jul- 2008
35. Mijung Kim and C. H. Diong (Eds.), Biology Education for Social and Sustainable Development, 1–4. © 2012 Sense Publishers. All rights reserved
36. Drori, G. S., Meyer, J. W., Ramirez, F. O. & E. Schofer. (2003). Science

- in the Modern World Polity : Institutionalization and Globalization. Stanford: Stanford University. p. 103.
37. Escaler, Margarita, Paul Teng & Mely Caballero-Anthony. 2010. Ensuring Urban Food Security in ASEAN: Summary of the Findings of the Food Security Expert Group Meeting held in Singapore 4–5 August, 2010. *Food Security*, 2(4): 407–408.
38. Fensham, Peter J. & Harlen, Wynne (1999) School science and public understanding of science. *International Journal of Science Education*, 21(7): 755–763.
39. Malcoln, Shirley, Cetto, A. M., Dickson, D., Gaillard, J., Schaeffer, D. & Yves Quere. (2002). Science Education and Capacity Building for Sustainable Development. ICSU Series on Science for Sustainable Development no. 5. 31 p. 40.
- Prahala, C. K. 2010. The fortune at the bottom of the Pyramid. Wharton School Pub. 407 p.
41. Teng, P. S. 2007a. Accelerating the renaissance in bioscience entrepreneurship – Part 1. *Asia Pacific Biotech*, 11(16): 1138–1145.
42. Математика, физика, информатика. //Журнал. 2010-2018 йй.
43. Халқ таълими. //Журнал 2011-2018 йй.
44. Узлуксиз таълим. //Журнал. 2010--2018 йй.
45. Таълим муаммолари //Журнал. 2009-2018 йй.

ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ РЕСУРСЛАРИ

1. <http://www.edu.uz> - Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги порталининг электрон сайти;
2. <http://www.uzedu.uz> - Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги портали,
3. <http://www.rtm.uz> – Республика таълим маркази сайти
4. <http://www.bimm.uz> - Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги Бош илмий-методик маркази сайти,
5. <http://www.giu.uz> - Тошкент шаҳар халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази сайти,
6. <http://www.ziyonet.uz>. - Ижтимоий ахборот таълим портали,
7. <http://www.istedod.uz> – “Iste’dod” jamg‘armasi sayti.
8. <http://www.edunet.uz> – maktablar, o‘quvchi va o‘qituvchilar sayti.
9. <http://www.kkedu.uz> – “Билимлар беллашуви” танлов материаллари
10. <http://www.school.edu.ru> - Umumta’lim portalı (rus tilida),
11. <http://www.alledu.ru> - “Internetdan ta’lim” portalı (rus tilida),
12. <http://www.rostest.runnet.ru> - Test olish markazi serveri (rus tilida),
13. <http://www.allbest.ru> - Internet resurslari electron kutubxonasi (rus tilida),
14. <http://class-fizika.narod.ru/>- Online-darsliklar (rus tilida),

15. <http://www.fizika.ru/> - Клуб для учителей физики, учащихся 7-9 классов и их родителей.
16. <http://www.physics.ru/> - Открытый Колледж. Физика.
17. <http://gdz-fizika.ru/> - Уй вазифаларини тайёрлаш (rus tilida),
18. <http://www.alleng.ru/> - Всем, кто учится (rus tilida),
19. <http://www.afportal.ru/catalogue/phys/1> - Порталы и крупные сайты по физике (rus tilida).